

Ш.Ё.АБДУҚОДИРОВ

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ
(МАХСУС ҚИСМИ)

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
ҚҰЛЛАНМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК ИНСТИТУТИ

Ш.Ё.Абдуқодиров

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ
(МАХСУС ҚИСМИ)**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
ҚҰЛЛАНМА**

**(Ўқув дастури, амалий машғулот мавзулари, масалалар түплами,
тест саволлари, адабиётлар рўйхати, якуний назорат саволлари)**

ТОШКЕНТ-2008

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгаши томонидан 2007 йил 20 декабрь 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Ш.Ё.Абдуқодиров

“Жиноят ҳуқуқи” (Махсус қисми). Ўқув-услубий қўлланма. /Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Қ.Абдурасурова. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 234 бет.

Такризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Д.Ж.Суюнова

Тошкент Давлат юридик институти “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси мудири Б.Д.Ахраров

Ушбу ўқув-услубий қўлланма “Жиноят ҳуқуқи” (максус қисми) ўқув курсининг дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда маъруза ва амалий машғулот режалари, ўрганиладиган мавзулар, масалалар, тест саволлари, курс иши ёзиш бўйича кўрсатмалар, умумий ва ҳар бир мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар рўйхати, фанга оид намунаий имтиҳон саволлари, курс иши мавзулари ўз ифодасини топган.

Ўқув-услубий қўлланма олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистрантларига қўлланма сифатида тавсия қилинади.



КИРИШ

Мазкур ўкув-услубий қўлланмада “Жиноят хукуки” (махсус қисми) фанига оид маъруза ва амалий машғулот режалари, ўрганиладиган мавзулар, масалалар, тест саволлари, курс иши ёзиш бўйича кўрсатмалар, умумий ва ҳар бир мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар рўйхати, фанга оид намунавий имтиҳон саволлари, курс иши мавзулари ўз ифодасини топган.

Ўкув-услубий қўлланманга талабаларга ўзининг олган назарий билимларини амалий жиҳатдан қўллашда ва содир этилладиган жиноятларни квалификация қилиш ва уни ўрганишда, ҳар бир мавзуга оид тестлар талабаларнинг маъруза ва амалий машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш ва назорат қилишда яқиндан ёрдам беради.

Шунингдек унда “Жиноят хукуки” фанидан курс иши ёзиш бўйича кўрсатмалар ва унинг мавзулари, талабалар учун фан бўйича топшириладиган якуний ва давлат имтиҳонлариға тайёргарлик кўриш учун саволлар берилган.

“Жиноят ҳуқуқи” (максус қисми) фанидан ўтиладиган маърузалар ва амалий машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

№	Машғулот мавзуси	соатлар	
		Маъруза	Семинар
5 семестр			
1.	Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи Максус қисми тушунчаси, вазифаси ва тизими	2	-
2.	Ҳаётга қарши жиноятлар	4	6
3.	Соғликка қарши жиноятлар	4	4
4.	Ҳаёт ёки соғлик учун хавфли жиноятлар	2	2
5.	Жинсий эркинликка қарши жиноятлар	2	2
6.	Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар	2	2
7.	Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар	2	2
8.	Фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар	2	2
9.	Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар	2	2
10.	Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар	2	2
11.	Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари	6	6
12.	Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар	2	2
Жами		32	32
6 семестр			
13.	Иктисолиёт асосларига қарши жиноятлар	4	4
14.	Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар	2	2
15.	Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар	2	2
16.	Бошқарув тартибиага қарши жиноятлар	6	6
17.	Одил судловга қарши жиноятлар	2	2
18.	Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар	4	4
19.	Транспорт харакати хавфсизлиги ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар	2	2
20.	Гиёхандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилёф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар	2	2
21.	Жамоат тартибиага қарши жиноятлар	2	2
22.	Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар	2	2
23.	Бўйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибиага қарши жиноятлар	0,5	0,5

24.	Харбий хизматни ўташ тартибиға қарши жиноялтар	0,5	0,5
25.	Харбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибиға қарши жиноялтар	0,5	0,5
26.	Харбий мансабдорлик жинояллари	0,5	0,5
	ЖАМИ	30	30
	“Жиноят ҳуқуқи” (Махсус қисми) фани бүйича жами соат	62	62

“ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ” МАХСУС ҚИСМИ ФАНИНИНГ ҮҚУВ ДАСТУРИ

“Жиноят ҳуқуқи” (Махсус қисми)нинг умумий қоидалари

“Жиноят ҳуқуқи” маҳсус қисми тушунчаси, вазифаси, предмети ва тизими; Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Жиноятларни квалификация қилишнинг жазо тайинлашдан фарқи.

Ҳаётга қарши жиноятлар

Ҳаётга қарши жиноятларнинг тушунчаси, турлари, умумий тавсифи. Қасддан одам ўлдириш тушунчаси, турлари, жиноят таркиби. Икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш. Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни қасддан ўлдириш. Ожизлиги айбдорга аён бўлган шахсни қасддан ўлдириш. Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини қасддан ўлдириш. Қасддан бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда одам ўлдириш. Оммавий тартибсизликлар жараёнида одам ўлдириш. Ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш. Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасддан одам ўлдириш. Миллий ёки ирқий адоват замирида содир этилган қасддан одам ўлдириш. Безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш. Диний таассублар замирида қасддан одам ўлдириш. Киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида қасддан одам ўлдириш. Бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида қасддан одам ўлдириш. Бир гурух шахслар ёки уюшган гурух аъзоси томонидан ёхуд ўша гурух манфаатларини кўзлаган ҳолда қасддан одам ўлдириш. Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган қасддан одам ўлдириш. Ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдириш. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятларини юридик таҳлили.

Соғлиққа қарши жиноятлар

Баданга шикаст етказиш тушунчаси, унинг таҳлили ва турлари. Соғлиққа ва жисмоний дахлсизликка қарши жиноятларда айб, мотив ва мақсад. Жиноят субъектининг юридик тавсифи. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш. Баданга бирон-бир аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига сабаб бўлган оғир шикаст етказиш. Ҳомиланинг тушиши. Баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши. Баданга оғир шикаст етказгалик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш. Енгиллаштирувчи ҳолатларда баданга шикаст етказганлик учун жавобгарлик. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш. Қийнаш жиноятларининг юридик таҳлили.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш. Таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш. Жиной равишда ҳомила тушириш (аборт). Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбураш. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик. Хавф остида қолдириш жиноятларининг юридик таҳлили.

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар

Номусга тегиш. Ўлдириш билан қўрқитиб номусга тегиш. Шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда номусга тегиш. Яқин қариндошининг номусига тегиш. Оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан содир этилган номусга тегиш. Ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган номусга тегиш Номусга тегиш натижасида оғир оқибатларга олиб келган ҳолатлар. Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда кондириш. Бесоқолбозлик (эркакнинг эркак билан жинсий алоқа қилиши). Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш жиноятларининг юридик таҳлили.

639.

Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар

Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш. Болани алмаштириб қўйиш. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш. Кўп хотинли бўлиш. Вояга етмаган шахсни ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш. Порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш. Тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш. Қабрни таҳқирлаш жиноятларини юридик таҳлили.

Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига карши жиноятлар

Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўқсинглик қилиш. Одам ўғрилаш. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш. Тухмат. Ҳақорат қилиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига карши жиноятлар

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сакланиш тартибини бузиш. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Виждон эркинилигини бузиш. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўқсинглик қилиш. Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳукуқларини бузиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар

Урушни тарғиб қилиш. Агрессия. Урушнинг қонун ва удумларини бузиш. Геноцид. Ёлланиш. Чет эл давлатининг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш

бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш. Терроризм жинояти учун жавобгарлик. Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзгатиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар

Давлатга хоинлик қилиш. Давлат сирларини чет эл давлатига етказиш. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш. Жосуслик. Қўпорувчилик. Давлат сирларини ошкор қилиш. Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жинояти тушунчаси ва унинг белгилари. Ушбу жиноятлар обьекти ва предметларининг фарқлари. Талон-торож қилиш усулларига кўра талон-торожнинг шакллари. Босқинчилик жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари. Босқинчилик жиноятини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиш тушунчаси. Товламачилик тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилиши. Жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш тушунчаси ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиш тушунчаси. Мулкий хуқуқни топшириш тушунчаси. Мулкка бўлган манфатлар бериш ёхуд мулкий йўсингдаги ҳаракатларни содир этишни талаб қилиш тушунчалари ва бу жиноятнинг босқинчиликдан фарқи. Талончилик тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ва бу жиноятнинг босқинчилик жиноятидан фарқи. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари. Мулкий жавобгарлик тушунчаси, ўзлаштириш ва растрата тушунчалари. Мансаб маъкеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этиш тушунчаси, ушбу жиноятнинг ўғрилик жиноятидан фарқи. Фирибгарлик жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар. Фирибгарлик усули сифатида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш тушунчаси. Фирибгарликнинг ўзлашти-

риш ёки растратадан фарқи. Ўғирлик жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари. Ўғирлик жиноятининг объектив томонининг зарурий белгиларига кўра талон-торожнинг бошқа шаклларидан фарқи. Талон-торожни квалификация қилишда талон-торож миқдорининг аҳамияти. Талон-торож турлари. Миқдорига нисбатан талон-торожнинг мезонини белгилаш асослари.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боглиқ бўлмаган жиноятлар

Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш. Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш. Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш.

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равиша битимлар тузиш. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қофозлар ясаш, уларни ўтказиш. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равиша олиш ёки ўтказиш. Чет эл валютасини яшириш. Сохта тадбиркорлик. Сохта банкротлик. Банкротликни яшириш. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш. Бюджет интизомини бузиш. Қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш. Рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар

Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш. Этил спирти, ал-коголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равиша ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти тушунчаси. Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равиша ишлаб чиқариш

ёки муомалага киритиш. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равища шуғулланиш. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш. Қонунга хилоф равища ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш. Рақобатчини обрўсизлантириш жиноятларининг юридик таҳлили.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар

Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш. Ўсимликлар касалликлари ёки зааркунандалари билан кураш талабларини бузиш. Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш. Заарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш. Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Бошқарув тартибига қарши жиноятлар

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш. Мансабга совуқконлик билан қарашиб. Ҳокимият ҳаракатсизлиги. Мансаб соҳтакорлиги. Пора олиш. Пора бериш. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш. Хизматчини пора эвазига оғдириш. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш. Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида катнашишга ундаш. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар ҳужжатларини бузиш. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш. Тақиқ-

лангэн иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсун-маслик. Қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш. Давлат проба тамгалирини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Ўзбoshимчалик. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш. Диний таълимотдан сабок бериш тартибини бузиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Одил судловга қарши жиноятлар

Айбизиз кишини жавобгарликка тортиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Суд қарорини бажармаслик. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайри инсоний ёки қадр қимматни камситувчи муюмила ҳамда жазо турларини қўллаш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, квалификация қилишнинг зарурий белгилари. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш. Ёлғон ҳабар бериш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Ёлғон гувоҳлик бериш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш. Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши. Жиноят хақида ҳабар бермаслик ёки уни яшириш жиноятларининг юридик таҳлили.

Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар

Жиноий уюшма ташкил этиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш. Оммавий тартибсизликлар. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёrlаш ёки тарқатиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкиллар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишида тайёrlаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш. Контрабанда жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишида эгаллаш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишида эгалик қилиш. Ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш. Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишида эгаллаш. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равинида муомалага киритиш. Радиоактив моддаларни қонунга хилоф равишида эгаллаш. Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишида фойдаланиш. Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялии кирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиши, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бирорвга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишида эгаллаш ва улар билан бошқа харакатларни содир этиш. Тадқикот фаолиягини амалга оширишида хавфсизлик қоидаларини бузиш. Мехнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш. Санитарияга оид қонун хужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш. Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар

Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш. Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш. Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш. Халқаро учиш қоидаларини бузиш. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш. Транспорт воситасини олиб қочиш. Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш жиноятларининг юридик таҳлили.

Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муомала қилишдан иборат жиноятлар

Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тушунчаси. Тақиқланган экинларни етишириш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равища эгаллаш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равища тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равища ўтказиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар жиноятларининг юридик таҳлили.

Жамоат тартибига қарши жиноятлар

Безорилик жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйиндерни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар

Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби. Компьютер тизимидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби. Компьютер ахборотини модификациялаштириш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби. Компьютер саботажи жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби. Заарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби.

Бўйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар

Ҳарбий хизматга қарши жиноятнинг тушунчаси. Бўйсунмасликнинг тушунчаси, жиноят таркиби. Буйруқни бажармаслик тушунчаси, жиноят таркиби. Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Бошлиқни қўркитиш тушунчаси, жиноят таркиби. Баданга шикаст етказиш тушунчаси ва унинг соглиққа қарши жиноятлардан фарқи. Буйсунувчининг ўз бошлигини ёки бошлиқни ўзига буйсунувчини хақорат қилиши тушунчаси. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Мародёргик тушунчаси жиноятларининг юридик таҳлили.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига карши жиноятлар

Ҳарбий кисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Дезертерлик тушунчаси, жиноят таркиби. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш тушунчаси, жиноят таркиби. Ўзининг

бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш тушунчаси, жиноят таркиби. Қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби, жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Ички хизматни ўташ ёки горнizonда патруллик қилиш қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби. Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби. Чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби.

Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар

Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш тушунчаси, жиноят таркиби. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш тушунчаси, жиноят таркиби. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби ва жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби ва жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш тушунчаси, жиноят таркиби.

Ҳарбий мансабдорлик жинояти

Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият харакатсизлиги тушунчаси, жиноят таркиби ва жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари. Хизматга сувукқонлик билан қараш тушунчаси, жиноят таркиби ва жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЙИЧА КҮРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

Семинар машғулотларда талаба тизимли билимларга эга бўлиши, махсус қисм нормаларини тўғри қўллаш ва жиноят ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, замонавий илмий асосларда ўз касб фаолиятида фойдалана билиши лозим.

Семинар машғулотларида: ҳаётга, согликка қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлик учун хавфли жиноятлар, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар, бошқарув тартибиغا қарши жиноятлар, одил судловга қарши жиноятлар, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища мумомала қилишдан иборат жиноятлар, жамоат тартибиغا қарши жиноятлар, бўйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибиغا қарши жиноятлар, ҳарбий хизматни ўташ тартибиغا қарши жиноятлар, ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибиغا қарши жиноятлар, ҳарбий мансабдорлик жиноятлари ҳақидаги нормаларни билиши ва жиноятларни тўғри квалификация қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

“ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ” (МАХСУС ҚИСМИ) БҮЙИЧА СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ МАВЗУСИ:

1. Ҳаётга қарши жиноятлар.
2. Соғлиққа қарши жиноятлар.
3. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар.
4. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар.
5. Оиласа, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар.
6. Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-кимматига қарши жиноятлар.
7. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқук ва эркинликларига қарши жиноятлар.
8. Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар.
9. Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар.
10. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари.
11. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар.
12. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар.
13. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар.
14. Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар.
15. Бошқарув тартибиға қарши жиноятлар.
16. Одил судловга қарши жиноятлар.
17. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар.
18. Транспорт ҳаракати хавфсизлиги ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар.
19. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар.
20. Жамоат тартибиға қарши жиноятлар.
21. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар
22. Ҳарбий хизматни ўташ тартибиға қарши жиноятлар

МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишнинг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада ўқув ишларини мустақил равишда бажариши учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришdir.

Мустақил иш реферат шаклида амалга оширилади. Реферат лойиҳалари кўйидаги тузилишдан иборат бўлади: титул варафи; кириш; асосий қисм; холосалар; фойдаланилган адабиётлар рўйхати; иловалар. Рефератнинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 15 бет бўлиши лозим.

Мустақил иш кўйидаги мавзуларда олиб борилади:

№	Мустақил таълим мавзуси	Мустақил таълим мазмуни	Мустақил таълим шакли	Мустақил таълим ҳажми
5 семестр				
1.	Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ давлатларида ҳаётга қарши жиноятлар учун жавобгарлик	Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ давлатларида ҳаётга қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини ўрганиш	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет
2.	МДҲ давлатларида согликқа қарши жиноятлар учун жавобгарлик.	МДҲ давлатларида согликқа қарши жиноятлар учун жавобгарлик. масалаларини ўрганиш	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет
3.	Тухмат жиноятининг тушунчаси, жиноят таркиби.	Тухмат жинояти учун жавобгарлик. масалаларини ўрганиш	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет
4.	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисидаги қонун хужжатларини бузиш.	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисидаги конун хужжатларини бузиш жиноятини квалификация қилиш масалаларини ўрганиш	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет

6 семестр

5.	МДХ давлатларида тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар учун жавобгарлик.	МДХ давлатларида тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини ўрганиш	курс иши	Формат- А4 Ёзма 25 бет
6.	Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотиниң конунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятларини квалификация қилиш масалаларини ўрганиш.	Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотиниң конунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятларини квалификация қилиш масалаларини ўрганиш.	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет
7.	Табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар.	Табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларни ўрганиш	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет
8.	Товламачилик йўли билан пора олиш ва хизматчи томонидан хақ беришни талаб қилиш.	Товламачилик йўли билан пора олиш ва хизматчи томонидан хақ беришни талаб қилиш. жиноятларини квалификация қилиш масалаларини ўрганиш	курс иши	Формат- А4 Ёзма 25 бет
9.	Хужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш, тайёрлаш, қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик масалаларини ўрганиш.	Хужжатлар, штамплар, мухрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш, тайёрлаш, қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик масалаларини ўрганиш.	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет

10.	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкоралаштириш, легаллаштириш.	Жиноий фаолиятдан олинган дароматдарни ошкоралаштириш, легаллаштириш жиноятларини квалификация қилиш масалаларини ўрганиш.	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет
11.	Радиоактив материалларни қонунга хилоф равища эгаллаш, фойдаланиш қоидаларини бузиш, қонунга хилоф равища фойдаланиш.	Радиоактив материалларни қонунга хилоф равища эгаллаш, фойдаланиш қоидаларини бузиш, қонунга хилоф равища фойдаланиш жинояти учун жиноий жавобгарлик масалаларини ўрганиш.	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет
12.	Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортларининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, таъмирлаш ёки ундан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти учун жиноий жавобгарлик масалаларини ўрганиш.	Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортларининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, таъмирлаш ёки ундан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти учун жиноий жавобгарлик масалаларини ўрганиш.	реферат	Формат- А4 Ёзма 25 бет

Изоҳ: илмий журналларда чоп этилган иккита мақола 44 соат.

Илмий конференция материалларида чоп этилган 4 та мақола 44 соат, 1 таси 11 соат.

Илмий конференция тезисларида 4 та мақола 44 соат, 1 таси 11 соат.

ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

Фанни ўрганиш таълим беришнинг анъанавий ва илғор усулларидан фойдаланиш билан амалга оширилади: экспресс-сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитиш, давра сухбатларини ўtkазиш, коллоквиум ўtkазиш, муаммоли таълим, таълим беришда техник воситаларидан фойдаланиш, клиник таълим, суд хукмларини ўрганиш ва таҳжил қилиш ва бошқа интерактив таълим усуллари (ечимлар дарахти, ишбилармон ўйини, дебатлар ва ҳ.к.).

ҮЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Семестрлар бүйича билимни назорат қилиш турлари

Семестр	Назорат тури	%	Максимал балл (100%)	Үтиш бали (55%)
5 семестр	Жорий	35	35	19,25
	Оралиқ	50	50	27,5
	Яқуний	15	15	8,25
6 семестр	Жорий	35	35	19,25
	Оралиқ	50	50	27,5
	Яқуний	15	15	8,25

Талабалар билимини бағолашда қуидаги намунавий мезонлар инобатта олинады:

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш Ижодий фикрлай олиш Мустақил мушоҳада юритиш Амалда кўллай олиш Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада юритиш Амалда кўллай олиш Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
55-70	Кониқарли	Моҳиятини тушуниш Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
0-54	Кониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга эмаслик Билмаслик

“ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ” (МАХСУС ҚИСМИ) БҮЙИЧА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР ҮТИШ МАВЗУЛАР РЕЖАСИ:

I БҮЛІМ. ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1-мавзу: Ҳаётга қарши жиноятлар (6 соат)

1-машғулот:

- 1) Ҳаётга қарши жиноятлар тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 2) Қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик белгилари ва тушунчаси.

2-машғулот:

- 1) Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятлари тушунчаси ва турлари.
- 2) Жиноятнинг объектига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш.
- 3) Жиноятнинг объектив томонига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш.
- 4) Субъектига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш.
- 5) Субъектив томонига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш.

3- машғулот:

- 1) Жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш.
- 2) Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш.
- 3) Онанинг ўз чақалоғини ўлдирганлиги учун жавобгарлик.
- 4) Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдириш учун жавобгарлик.

1-масала

Мұқаддам судланған К. соат 23.00ларда маҳаллада бундан 15 йил олдин судда унга қарши гувохлик берган құшниси Н. ва иккі ой олдин 500 АҚШ доллари қарз олған М.ларнинг гаплашиб турғанлы-

гини кўриб, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уларни ўлдиришга қа-
рор қилди.

К. уйида сақлаётган портловчи моддани олиб чиқиб, улар
томонга отди. Портлаш натижасида Н. ва М.лар шу жойнинг ўзида
вафот этишиди.

К.ни ҳаракатларини квалификация қилинг.

2-масала

Д. хотини Л.нинг таниши М. билан жинсий алоқада бўлиб
юрганини билар эди. Шундан сўнг Д. М.га агар яна хотинини олдига
яқинлашса, уни ўлдиришини айтди. Орадан бир ой ўтгач Д. маҳалла
бошида Л. ва М. лар бирга гаплашиб турганлигини кўриб, уйга кириб
ошхона пичогини олиб чиқиб, М.нинг қорин қисмига жароҳат
етказди.

М. шу жойнинг ўзида ҳаётдан кўз юмди.

Д.ни ҳаракатларини квалификация қилинг.

3-масала

А.исмли киз ўз ўйнаши Б.нинг агар меросхўр ўғил туғиб берса,
А.га 5000 АҚШ доллари пул беришини ваъда қилгани учун А. ундан
ҳомиладор бўлди. А.нинг тузишига бир ой қолганда у Б. билан
жанжаллашиб қолди. А. Б.нинг уни ташлаб кетганига чидай олмасдан
ҳомиласини йўқ қилмоқчи бўлди. Врачлар бундай вазиятда ҳомилани
тушириш унинг ҳаётига хавфли эканлигини айтди.

1-вариант. А. генеколог врач билан келишиб, бола туғилиши
билан уни йўқ қилиши учун унга пул берди. А. ва генеколог-врач
бола туғилган заҳоти чақалоқни ўлдиришди.

2-вариант. А. болани врачнинг ёрдамисиз ўзи ўлдирди.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатини квалификация қилинг.

4-масала

Ш. ўғрилик жиноятини содир этгани учун қўлга олинди. Унга
эҳтиёт чораси сифатида гаров сифатидаги эҳтиёт чораси қўлланилди.
Ушбу иш бўйича асосий ва ягона гувоҳ Р. ҳисоблангани учун Ш.
унинг уйига борди.

Ш. кўчада Р.ни келишини пойлаб турди. Р. уйига яқинлашгач, Ш. унинг олдига келиб, судда унга қарши гувоҳлик бермасликка, акс ҳолда уни ўлдириши мумкинлигини айтди. Р. унга рад жавобини бергач, Ш. ёнидаги пичогини чиқариб, уни ўлдириди.

Ш.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

5-масала

Н. таниши К.нинг уйига меҳмонга борди. Меҳмондорчилик вақтида улар спиртли ичимликлар истеъмол қилишди ва карта йўнашди. К. Н.нинг ёнида бўлган барча пулини ютиб олди. Н. К.нинг ғирром ўйнаганлигини баҳона қилиб, ютган пулларни қайтариб беришни айтди. Лекин К.унга рад жавобини бергач, Н. столда турган ошхона пичоги билан уни кўкрак қафас қисмига 17 марта пичоқ уриб, уни ўлдириди. Шундан сўнг Н. ўзининг содир қилган жиноятини яшириш мақсадида, К.нинг танасини бўлакларга бўлиб, қопга жойлаштириб, уни дарёга ташлаб юборди.

Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

6-масала

Махалладаги мажлисда тортишув туфайли Ф. қўшниси У.ни номусга тегиш жинояти бўйича муқаддам судланганлигини ва қамалиб чиққанлигини айтиб, ҳамманинг олдида шарманда қилди. У. мажлисдан чиқиб кетди ва албатта Ф.дан ўч олишни режалаштириб қўйди.

Орадан 3 кун ўтгач тунда У. қўшниси Ф.нинг уйда ёлғиз эканлигини билиб, девордан ошиб тушди ва Ф.нинг хонасига кирди. Ф.нинг ухлаб ётганлигидан фойдаланиб, ўч олиш мақсадида У. ўзи билан олиб келган темир билан Ф.нинг бош миясига бир неча марта урди. Ф. воқеа жойида вафот этди.

У.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

7-масала

Б. ўзининг таниши бўлган К.нинг уйига меҳмонга келди. Меҳмондорчиликдан сўнг Б. К.нинг маст бўлиб қолганилигидан фойдаланиб, у билан жинсий алоқада бўлди. Б. ўзи содир қилган қилмишни фош бўлишидан кўркиб, К.ни ўлдириди.

Б.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

8-масала

Х. ўзининг амакиси Р.нинг фарзандлари йўқлигини ва унинг ягона қариндоши эканлигини билган ҳолда, унинг уйини ўзининг номига расмийлаштириш мақсадида ўзининг таниши бўлган муқаддам судланган (хавфли рецидивист) Н.га амакисини ўлдириш учун 3000 АҚШ доллари ваъда қилиб, уни ёллади.

Н. тунда Р.нинг уйига кириб, уни ўлдиради. Уни ўлдиргач, уйда қимматбаҳо буюмлар борлигини кўриб, уларни ўзи билан олиб келади.

Х. ва Н.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

9-масала

Соҳил кўчасида жойлашган автобус бекатида маст ҳолда юрган А. атрофдаги одамларни ҳақоратлаб, уларни уятсиз сўзлар билан камситди. А. бекатда турган йўловчилардан бири Т.нинг олдига яқинлашиб, ундан сигарета сўради. Т. унга сигаретаси йўқлигини айтгач, А. жанжал чиқариб, ерда ётган тошни олиб унинг бошига урди. Натижада Т. хушидан кетиб 6 ой касалхонада даволанди.

Килмишга баҳо беринг.

10-масала

Хизмат сафаридан эрта қайтган С. ўз калити билан эшигини очиб уйига кирди ва ўз ётоқхонасида хотинининг ўйнаши билан ётганлигини кўрди. Бунга чидай олмаган С. стол лампаси билан хотини ва ўйнашини ўлдириди.

С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

11-масала

А. ўзининг эри Т.нинг хўрлашларига чидай олмасдан уни ўлдиришга қасд қилди. А. эрининг овқатига заҳар қўшиб қўйди ва стол устига қўйди. Шу вақт уларнинг 14 ёшли фарзанди И. қорни очиб кетганлиги учун отаси учун сузилган овқатни еди. Натижада И. шу заҳоти ўлди.

А.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

12-масала

Куролланган уюшган гурух туман марказида жойлашган тижорат банкини ўмаришга келишиб олишди ва режага қўра уларга қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни ўлдиришга қарор қилишди.

Гурух аъзолари дастлаб банк эшиги ёнида турган битта милиция ходимини ўлдиришди. Шундан сўнг улар банкнинг барча сейф калитларини банк ходимларидан тортиб олиб, бир соат ичидага ўмарган пулларини олиб чиқиб кеташаётган вактда банк ходимларидан бири уларга жисмоний қаршилик кўрсатди. Гурух аъзолари уни ҳам ўлдиришди. Шу куннинг ўзидаёқ улар кўлга олинди.

Жиноятни квалификация қилинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Таъмагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш қайси пайтдан бошлаб тамом бўлган жиноят ҳисобланади?

- A) Айбор эгаллаб олишни хоҳлаган моддий бойликни олган пайтдан бошлаб, ўлим юз берганлигидан қатъий назар;
- B) Айбор моддий бойликни олган олмаганлигидан қатъий назар ўлим юз бергандан бошлаб;
- B) Айбор бойликни эгаллаган ва ўлим юз берган бўлса;
- Г) Тўғри жавоб йўқ.

2. Ҳомиладорлиги аён бўлган аёлни ўлдириш деб квалификация қилиш учун ҳомиладорлик муддати қанча бўлиши талаб этилади?

- A) 3 ойлик;
- Б) 4 ойлик;
- В) 7 ойлик;
- Г) муддатнинг аҳамияти йўқ.

3. Жабрланувчининг қаттиқ маст холатида эканлиги “ожизлиги аён бўлган шахсни ўлдириш“ деб квалификация қилиш учун асос бўладими?

- А) ха, сабаби у ўзини ҳимоя қила олмайди,
- Б) йўқ;

В) маст ҳолда ухлаб қолган бўлсагина шундай квалификация қилиш мумкин;

Г) Б ва В жавоблар тўғри.

4. “Икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдириш” деб квалификация қилишнинг зарурий белгиси ...

А) қасднинг ягоналиги ва ўлдириш бир вақтда юз бериши;

Б) бир шахсни ўлдириш вақтида эҳтиётсизлик натижасида одам ўлиши;

В) икки ёки ундан ортиқ ўлим юз беришидан қатъий назар, икки кишини ўлдиришга қасд қилиш;

Г) тўғри жавоб йўқ.

5. Некрофилия бу ...

А) мурдалар билан жинсий алоқа қилиш;

Б) мурдаларни ейиш;

В) инсоннинг аъзоларини тириклайн ажратиб олиш;

Г) мурдалар савдоси.

6. Зарурий мудофаа ҳолати қачон вужудга келади?

А) ижтимоий хавфли тажовуз мавжуд бўлса;

Б) ижтимоий тажовуз хавфи мавжуд бўлса;

В) совуқ қурол билан хужум бўлса;

Г) А ва Б жавоблар тўғри.

7. Иккинчи марта одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс, биринчи марта одам ўлдириш жиноятини содир этиб, судланмаган бўлса, жиноят ...

А) Хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб топилади;

Б) Такоран содир этилган деб топилади;

В) А ва Б жавоблар тўғри;

Г) Ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб топилади.

8. Агар шахс аввал ҳам одам ўлдириш жинояти учун судланган бўлса, одам ўлдириш жинояти ...

А) Такоран содир этилган жиноят деб топилади;

Б) Хавфли рецидив жиноят деб топилади;

В) Ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади;

Г) А ва Б жавоблар тўғри.

- 9. Қуидагилардан қайси бири “оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш” деб квалификация қилииади.**
- А) Рашк туфайли ўч олиш мақсадидада одам ўлдириш;
Б) Фуқаролик бурчини бажарғанлиги туфайли, ўч олиш мақсадида одам ўлдириш;
В) Шахсий нафрат туфайли одам ўлдириш;
Г) Муштлашиш вақтида одам ўлдириш.

10. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг объекти ...

- А) шахснинг ўз ҳаёти;
Б) ўзга шахснинг ҳаёти;
В) А ва Б жавоблар тўғри;
Г) тўғри жавоб йўқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2007 йил 14 ноябрдаги “Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 15-сонли қарори.

4. Крутъко О. Concerning the definition of mercenary motives as the circumstance aggravating responsibility for deliberate murder.//Ж. Демократизация и права человека. – 2005. – № 1 (25).-С.78-82.

5. Крутъко О. Delimitation of murder and deliberate grievous bodily injury entailed the death of the victim.//Ж. Ҳуқуқ-Право-Law. – 2004.- № 4 (28).-С .47-48.

6. Крутъко О. Milliy yoki irqiy adovat zamiridagi qotillik. //Ж. Qonun himoyasida. – 2004.- № 10 (106). –С. 36-37.

7. Крутъко О. Виктимологическая профилактика убийств. // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. - 2005.- №1(1). –С. 117-119.

8. Крутько О. К вопросу о разграничении убийства из корыстных побуждений и убийства, сопряженного с разбоем.//Ж. Давлат ва хукуқ. – 2004. – № 3 (19). –С. 35-37.
9. Крутько О. Қасдан одам ўлдириш, мазкур жиной қилмишнинг мотивлари. //Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2005. – № 3 (102). –С.38.
10. Крутько О. Қасдан одам ўлдириш.//Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2004.— № 5 (98). –С.42-43.
11. Крутько О. Констатация смерти человека при квалификации убийства и проблема эвтаназии. // Ёш олимлар тўплами.-2003. -№5.-С.109-116.
12. Крутько О., Рустамбаев М.Х. Виктимное поведение как одно из условий, способствующих совершению умышленных убийств. //Ж. Давлат ва хукуқ. – 2005. – №3 (25). –С.25-26.
13. Крутько О. Некоторые проблемы квалификации убийства, совершенного за вознаграждение.// Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – 2004. - № 4 (63). –С.50-52.
14. Крутько О. Некоторые проблемы квалификации умышленного убийства из хулиганских побуждений.//Ж. Давлат ва хукуқ. – 2002. – № 2 (10).-С.56-62.
15. Крутько О. О начальном моменте жизни человека. // Ж.Научные труды академии финансовой полиции.-2003.- №4. –С.173-184.
16. Крутько О. О праве на жизнь в Конституции Республики Узбекистан. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – демократик давлат пойдевори мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 14 феврал 2004. –Т.: ТДЮИ, - 2004. - С.139-141.
17. Крутько О. Общесоциальное предупреждение совершения убийств.//Ж. Давлат ва хукуқ. – 2005. – №2 (24). –С.33-35.
18. Крутько О. Объект убийства. //Ж. Давлат ва хукуқ. – 2003. – № 4 (16). –С.41-44.
19. Крутько О. Определение понятия убийства. // Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –Т.: ТДЮИ, 2004.-№7. -С.163-170.
20. Крутько О. Причинная связь как необходимый признак оконченного убийства. //Ж. Давлат ва хукуқ. – 2004.-- № 1 (17). - С.36-39.
21. Крутько О. Убийство путем бездействия: его признаки и отличие от оставления в опасности. //Ж. Демократизация и права человека. – 2004. - №1 (21). –С.123-125.

22. Крутько О. Убийство: однозначно ли трактуется уголовным законом его понятие? // Ж. Ҳукуқ Право Law. – 2004. – № 1 (25). – С.37-38.
23. Крутько О. Характеристика личности преступника, осужденного за особо тяжкое убийство. // Ж. Давлат ва ҳукуқ. – 2004.— № 6 (22). –С.48-50.
24. Рустамбаев М.Х. Преступления против личности. Брошюра. –1998. -1.1 п.л.
25. Тохиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ёхуд шахсий қилмишларга доир муаммолар.// Ж. Ҳаёт ва қонун.-2003.-6-сон.-Б. 16-17.
26. Тохиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили (Монография). –Т.: Янги аср авлоди, 2001. -7,5 б.

2-Мавзу: Шахснинг соғлиғига қарши жиноятлар (4 соат)

1-машғулот:

1) Шахснинг соглиғига қарши жиноятлар тушунчаси, турлари, жиноятлар таркибининг умумий таҳлили.

2) Қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятлари тушунчаси ва юридик таҳлили ва оғирлаштирувчи ҳолатлари.

2-машғулот:

1) Баданга ўртача оғир ва енгил шикаст етказиш жиноятлари тушунчаси ва юридик таҳлили ва оғирлаштирувчи ҳолатлари.

2) Жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларда қасдан баданга шикаст етказиш тушунчаси, турлари ва жиноят таркибининг умумий белгилари.

1-масала

Х. спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, кўшниси М.га қасдан мушти билан бурнига уриб жароҳат етказган. М. «Бурун суягини синиб силжиши» ташхиси билан шифохонага мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертиза хўлосасига кўра, М.га «Ўртача оғир» тан-жароҳати етказилгани аниқланган.

Тергов вақтида Х.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 277-моддаси иккинчи қисми “а” ва “д” бандлари билан квалификация қилинган.

Суд эса Х.нинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси иккинчи қисми «а, д» бандларидан ЖКнинг 105-моддаси биринчи қисми аломатлари бўйича қайта квалификациялашни лозим топади.

Суднинг ҳукми асослами?

2-масала

Т. марҳум укаси Э.нинг қайноаси Р.ни ҳовлисидан хабар олиш учун кирган вақтида Т.нинг ўғиллари уйдаги қурилиш тахталарини олиб чиқиб кетаётганлигини кўриб, ўрталарида давом этиб келаётган оиласвий келишмовчилик туфайли Т.нинг уйига бориб, уни турмуш ўртоғи Г. билан ўзаро жанжаллашиб, кейин орқасига қайрилиб кетаётган пайтида Т. Р.ни орқасидан бориб, уни бошига мушти билан уриб, срға йикитган. Шундан сўнг уни бикинига, оёкларига, чап

қўлига ва қорнига оёғи билан тепиб, Р.га тан жароҳатлари етказган. Р. туман марказий касалхонасига ётқизилган. Р. касалхонасида икки ой даволанди ва оёқлари ишламай юра олмай қолди.

Т.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

3-масала

Д. вақтинча бирга яшамаётган турмуш ўртоғи М.ни ва фарзандларини кўриш учун улар вақтинча яшаб келаётган уйга келган вақтида қайнотаси Х. билан эилавий келишмовчилик юзасидан жанжаллашиб, Х.нинг танасини турли жойларига қўли ва оёқлари билан уриб, унга соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган тан жароҳати етказган. Натижада Х. касалхонада 5 кун даволанди, лекин юзидаги чандик бир умрга қолди.

Д.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

4-масала

Н. ўзига тегишли бўлган «ВАЗ-21011» русумли автомашинасида турмуш ўртоғи С. ва фарзандлари билан онасининг соғлиғидан хабар олгани бориб, автомашинасини уйнинг дарвозахонаси ёнига тўхтатган. Кўчада турган акаси Ш. маст ҳолатда бўлгани ҳолда укасини автомашинасига тош отиб, орқа «любовой» ойнасини синдирган вақтда С. машинадан тушиб қайноғаси Ш.га «Ака нима қиляпсиз, ахир машинада болалар борку» деган вақтда уни ҳам ўзига бир шапалоқ уриб юборган. Бу ҳолатни кўрган Н. акасини олдига келганида Ш. қўлига таёқ олиб уни ҳам уриб юборган. Шундан сўнг, ака-укалар ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида Н. акаси Ш.ни танасининг турли ерларига қўллари ва оёқлари билан уриб, унга тан жароҳатлари етказган.

Натижада Ш. касалхонада 21 кун даволанди.

Н.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

5-масала

Ж. безорилик содир этгани учун туман ИИБ вояга стмаганлар билан ишлаш инспексиясида профилактик рўйхатда туришга қарамасдан, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, бирон-бир

жойда ўқимасдан ва фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан жиноят содир этиш йўлига ўтган.

Жумладан, Ж. «Карвон бозори»да фуқаро Д. билан урушиб қолиб, унинг баданига қасддан пичоқ билан жароҳат етказган. Олган тан жароҳатлари натижасида Д. шу куни «ўнг кўкрак қафаси ва ўнг думба соҳасидаги санчилган-кесилган» ташхиси билан шифохонага ётказилган.

Суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, Д.га соғлигининг қисқа вақтга бузилишига олиб келган «енгил» тан-жароҳати етказилгани аниқланган.

Ж.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

6-масала

Тахминан 23⁰⁰лар чамасида X. уйининг томида шовқин овозини эшишиб ташқарига чиқиб, уйининг ёнидан ўтган газ трубасининг устунини ушлаб турган масти ҳолда бўлган кўшниси С.ни уни уйига томи орқали ўғриликка киришда гумонлаб, у билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида унга қасддан тан жароҳати етказиш мақсадида қўл ва оёқлари билан С.ни баданининг турли жойларига уриб, унга тан жароҳатлари етказган.

Натижада С. касалхонада 26 кун даволанди ва эшишиб қобилиятини умуман йўқотди.

С.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

7-масала

Т. ўзининг икки йилдан бери учрашиб юраётган яхши кўрган қизи Л. билан жанжаллашиб қолди. Т. ўзини тута олмасдан Л.ни дўппослади. Натижада Л. бир ойлик ҳомиласини йўқотди.

1-вариант: Т. Л.нинг ҳомиладор эканлигини билмаган.

2-вариант: Т. Л.нинг ҳомиладор эканлигини олдиндан билган.

Т.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

8-масала

Р. таниши Й.дан бир ойга 1000 АҚШ долларини қарзга олди. Қарзни қайтариш вақти яқинлашгач, Р. қарзни қайтармасликни ният қилди. Й. ўзининг қарзини сўраб келганда Р. уни қарзни бошқа

сўрамасликни талаб қилиб, уни олдиндан тайёрлаб қўйилган темир жисм билан бошига урди. Натижада Р. руҳий касалликка чалинди.

Р.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

9-масала

Х. ҳар куни маст ҳолда уйига келиб хотини К.ни ҳомиладор бўлишига қарамасдан дўппослар ва калтаклар эди. Орадан 2 ой ўтгач К.нинг ҳомиласи тушди ва у икки ой касалхонада даволанди.

Х.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Шахсга етказилган шикастларнинг оғирлик даражасини аниқлаш мезонларига қайсилар киради?

- А) меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси;
- Б) соғлиққа етказилган ҳақиқий зиён;
- В) эстетик мезонлар;
- Г) ҳамма жавоблар тўғри.

2. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг субъекти ...

- А) 14 ёш ;
- Б) 16 ёш;
- В) айрим ҳолларда 15 ёшдан;
- Г) 17 ёш.

3. Қуйидагиларнинг қайси бирин баданга оғир шикаст етказишни аниклайдиган тиббий мезонларга кирмайди?

- А) битта кўзнинг тўлиқ кўриш қобилиятини йўқотиши;
- Б) шахснинг ўз фикрини бошқаларга тушунарли бўлган аник товушлар воситасида ифодалаш имкониятидан маҳрум бўлиши;
- В) она қорнидаги 1 ойлик ҳомиланинг тушиши;
- Г) 10 кун шифохонада даволанишга мажбур бўлиши.

4. Баданга етказилган ўртacha оғир шикастларнинг асосий белгиси нима?

- А) соғлиқнинг 21 кундан кўп, аммо 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви;

- Б) меҳнат қобилиятининг 15% дан 33% гача йўқотилиши;
В) меҳнат қобилиятининг 20% дан 33% гача йўқотилиши;
Г) А ва Б жавоблар тўғри.

5. Енгилаштирувчи ҳолатларда қасдан баданга шикаст етказиш ҳолатларига қайсилар киради?

- А) зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, баданга шикаст етказиш;
Б) ижтимоий хавфли бўлмаган қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга шикаст етказиш;
В) руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга енгил шикаст етказиш;
Г) етказилган зарарни ўз хоҳишига кўра бартараф этиш.

6. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг субъектив томони ...

- А) тўғри ва эгри қасд;
Б) тўғри қасд ва эҳтиётсизлик;
В) ўз-ўзига ишониш ва эгри қасд;
Г) тўғри қасд ва бепарволик.

7. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказилмагандя қандай ҳолат рўй беради?

- А) енгилаштирувчи ҳолат сифатида қаралади;
Б) квалификацияга таъсир этмайди;
В) жиноят хисобланмайди;
Г) жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисида суд ҳукм килади.

8. Қийнаш жиноятининг обьекти ...

- А) жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиги;
Б) жабрланувчининг соғлиги ва жисмоний дахлсизлиги;
В) жабрланувчининг ҳаёти ва жисмоний дахлсизлиги;
Г) жабрланувчининг жисмоний дахлсизлиги.

9. Қасдан баданга енгил шикаст етказиш жиноятининг белгилари нималардан иборат?

- А) соғлиқнинг қисқа вақт, яъни 6 кундан ортиқ, 21 кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви;

- Б) умумий меҳнат қобилияти 15% ининг йўқотилиши;
- В) етказилган жароҳатнинг ҳаёт учун хавфли эмаслиги;
- Г) А, Б, ва В жавоблар тўғри.

- 10. Шахс 22 кун давомида шифохонада даволанган бўлса-да, лекин унинг умумий меҳнат қобилиятининг 9% и йўқотилган. Ушбу ҳолат қайси модда билан квалификация қилиниши керак?**
- А) 105-модда;
 - Б) 105-модда 2-кисм;
 - В) 109-модда ;
 - Г) 106-модда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги б-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 9-сонли Пленум қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори.
4. Рустамбаев М.Х. К вопросу совершенствования законодательства об ответственности за легкие телесные повреждения. // В кн. Совершенствование мер борьбы с преступностью и её профилактика. Сборник научных трудов. –Т.: ТашГУ. -1988.-С. 36-40.
5. Рустамбаев М.Х. Некоторые особенности квалификации тяжких телесных повреждени. // Ж.Бюллетень Верховного суда УзССР.-1993.- №2.-0,7 п.л.
6. Рустамбаев М.Х. О квалификации телесных повреждений в законодательстве Республики Узбекистан. // Ж. Общественные науки в Узбекистане.-1993.-№1.-0,5 п.л.
7. Рустамбаев М.Х. Ответственность спортсменов за причинение вреда здоровью при проведении спортивных мероприятий. // В кн. Проблемы физического и нравственного воспитания здорового поколения студентов. –Т.: Адолат, 1995. -0,5 п.л.

8. Рустамбаев М.Х. // Под охраной - здоровье спортсмена. - Ишонч - Доверие. -4 февраля. -1994.
9. Рустамбаев М.Х. // Спортивный турнир с уголовным финалом. -Правда Востока. -21 января. -1995.
10. Рустамбаев М.Х. Квалификация телесных повреждений причиненных при превышении пределов необходимой обороны. // Ж.Бюллетень Верховного суда УзССР. – 1992. -№ 3.-С.20-24.
11. Рустамбаев М.Х. Объект и потерпевший в посягательстве на здоровье личности. //Ж. Судебная экспертиза и вопросы борьбы с преступностью. – 1991. -№ 1. -48-51.
12. Рустамбаев М.Х. Ответственность за преступление против здоровья по законодательству Республики Узбекистан. Рисола. – Нукус: Каракалпакстан, 1992. -2 п.л.
13. Рустамбаев М.Х. Специальные виды телесных повреждений в законодательстве Республики Узбекистан. // Сборник научных трудов. –Т.: Адолат, 1993. -0,5 п.л.
14. Рустамбоев М.Х. Саломатлик тажовуз ва унга қарши кураш.//Ж. Ҳаёт ва қонун .-1999. -№2 (54). -С. 42-45 .
15. Тохиров Ф. Жиноят қонунида қасддан баданга оғир шикаст етказиш.//Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт. Илмий-амалий анжуман материаллари. 10-11декабр 1993. -Б. 89-90.

3-Мавзу: Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар (2 соат)

1-машғұлот:

- 1) Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар түшунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 2) Үлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш.
- 3) Жиноий равишда ҳомилани тушириш ва аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда тушуришга мажбурлаш учун жавобгарлик.
- 4) Касб юзасидан ўз вазифаларнни лозим даражасида бажармаганлик учун жавобгарлик.
- 5) Хавф остида қолдирганлик учун жиноий жавобгарлик.

1-масала

Металлургия заводида ишловчи И.нинг ҳамкаслари у тушликка чиққан вақтда унинг иш вақтида киядиган маҳсус бош кийимини яшириб қўйишиди. Тушликдан қайтган И. бош кийимини жойида йўқлигини кўриб, ёнида ишлаётган ҳамкасларига қараб: “Мени нарсамни рухсатсиз олган одамни ўлдираман” деб пўписа қилди.

М.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

2-масала

Йўловчи Ж. белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтаётган вақтда рухсат этилган тезликда келаётган ҳайдовчи Й. уни уриб юборди. Ҳайдовчи Й. йўловчи ўзининг айби билан автоҳалокатга учраганлиги учун воқеа жойидан қочиб кетди.

Ҳайдовчи Ж.нинг қилмишига баҳо беринг.

3-масала

Тери таносил касаллеклари шифохонасида рўйхатда турган ва даволанётган С. фоҳишлиқ билан шуғулланар эди. Натижада у ўзи билан жинсий алоқада бўлган К.га таносил касаллигини юқтириди. Шу куннинг ўзида С. Ф. билан ҳам жинсий алоқада бўлди, лекин бу касаллик Ф.га юқмади.

С.нинг ёнидан қайтган К. хотини билан жинсий алоқада бўлди ва таносил касаллигини хотинига юқтириди.

Қилмишига баҳо беринг.

4-масала

Т. таниши Р.га жинсий алоқада бўлишни таклиф қилди. Р. ўзида ОИТС касаллиги борлигини ва бу касаллик Т.га юқиб қолиши мумкинлигини айтди. Т. бунга қарши эмаслигини ва Р. билан жинсий алоқада бўлишни ҳохлаётганлигни айтди Р. Г билан жинсий алоқада бўлди. Т.га ОИТС касаллиги юқмади

Қилмишга баҳо беринг

5-масала

Шифохонада терапевт бўлиб ишловчи С. таниши Л.нинг ўз ҳомиласини туширмоқчи эканлигини билиб, унга ўз уйидаги ҳомилани туширишига ёрдам бериши мумкинлигини айтди С. бунга рози бўлди ва ҳомиласини туширди.

Қилмишга баҳо берини.

6-масала

Тунги соат 23.30ларда туғруқхонага оғир аҳволдаги бемор келтирилди. Беморни олиб келган шахслар шаҳарга узоқдан меҳмон бўлиб келганликларини, врачдан унга зудлик билан ёрдам кўрсатиш лозимлигини, аёлни ва туғиладиган болани сақлаб қолиш лозимлигини айтди.

Навбатчи-врач аёлнинг шу туманда рўйхатда турмаганлигини айтиб, эрталабгача кутиш лозимлигини ва бош врачнинг розилиги билангина bemorga ёрдам бериши мумкинлигини айтиб, унга ёрдам кўрсатмади.

Натижада bemor оғир 2 соат вақт ўтгач ҳаётдан кўз юмди ва унинг ҳомиласи ҳам нобуда бўлди.

Қилмишга баҳо берини

7-масала

Б. касалхонага соғлиги ёмонлашгани туфайли врачнинг олдига келди. Врач тушлик вақти ўтиб кетганлигини ва хали тушлик қилмаганлигини айтиб, bemordan бир оз кутиб туриши лозимлигин айтди.

Врачнинг ўз вактида ёрдам бермаганлиги туфайли бемор енгил даражадаги тан жароҳати олди.

Қилмишга баҳо беринг.

8-масала

Тезликни ошириб, светофорнинг қизил чироғидан ўтган ҳайдовчи Г. йўловчи С.ни уриб юборди ва воқеа жойидан қочиб кетди. Натижада йўловчи оғир даражадаги тан жароҳати олди.

Ҳайдовчи Г.нинг қилмишига баҳо беринг.

9-масала

К.нинг ота-онаси қизининг танлаган йигити яхши йигит эмаслигини, К.ни ўша йигитга турмушга чиқишига қарши эканлигини ва унинг розилигисиз ўзлари танлаган йигитга турмушга беришини айтишди. К. бунга рози эмаслигини айтиб, “Мени кимга турмушга берсанглар ўша одамни ўлдираман” деб қасам ичди.

К.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиш жиноятининг объекти ...

- А) ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланади;
- Б) ўзга шахснинг ҳаёти ва соғлиги ҳисобланади;
- В) шахснинг соғлиги ҳисобланади;
- Г) шахснинг шахсий эркинлиги ҳисобланади.

2. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

- А) айбдор қўрқитиши жабрланувчига етказгандан бошлаб;
- Б) айбдорнинг ҳаракати туфайли ижтимоий хавфли оқибат қелиб чикса;
- В) жабрланувчи ёзма равишда огоҳлантирилгандан бошлаб;
- Г) айбдор бир неча бор қўрқитгандан сўнг.

3. Таносил касаллигига чалинган А. Б. билан жинсий алоқада бўлади, натижада Б. ҳам таносил касаллигига чалинади. Аммо у шифокорлар ёрдамида даволанади. Шундай ҳолда А. жавобгарликка тортиладими?

- А) жавобгарликка тортилмайди;
- Б) етказилган зарарни тўласа жавобгарликка тортилмайди;
- В) оқибат бартараф этилганлиги учун жавобгарликка тортилмайди;
- Г) Б. нинг тузалиши квалификацияга таъсир этмайди.

4. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш жинояти ...

- А) оддий таркибли жиноят;
- Б) моддий таркибли жиноят;
- В) формал таркибли жиноят;
- Г) кесик таркибли жиноят.

5. Ҳомила тушириш (аборт) қачон жиноят деб топилади?

- А) даволаш муассасаларидан ташқарида содир этилса;
- Б) ҳомиладор аёл розилигисиз ҳомила туширилганда;
- В) ҳомиладор аёлни ҳомила туширишга мажбур қилинганда;
- Г) тиббий нуқтаи назарга зид ва даволаш муассасасидан ташқарида амалга оширилса.

6. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбуурлаш жиноятининг обьекти ...

- А) ўзга шахснинг ҳаёти ва соглиги;
- Б) ҳомиладор аёлнинг ҳаёти;
- В) аёлнинг ҳаёти ва соғлиги;
- Г) ҳомиладор аёлнинг ҳаёти ва соғлиги.

7. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбуурлаш жиноятининг субъекти ким бўлиши мумкин?

- А) 16 ёшга тўлган, аёлни ҳомиладор бўлишига сабабчи бўлган эркак;
- Б) ҳомилани туширишдан манфаатдор бўлган ҳар қандай шахс;
- В) 18 ёшга тўлган ақли расо шахслар;
- Г) А ва Б жавоблар тўғри.

8. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятигининг объектив томонини кўрсатинг?

- А) шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги;
- Б) касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги;
- В) баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилганлиги;
- Г) ҳамма жавоб тўғри.

9. Хавф остида қолдириш жиноятигининг объекти нима?

- А) ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш имкониятига эга бўлмаган шахснинг ҳаёти ва соғлиги;
- Б) ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш имкониятига эга бўлган шахснинг ҳаёти ва соғлиги;
- В) ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш имкониятига эга бўлмаган шахснинг ҳаёти;
- Г) ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш имкониятига эга бўлмаган шахснинг соғлиги.

10. Хавф остида қолдириш жиноятигининг субъекти кимлар бўлиши мумкин?

- А) эгаллаб турган лавозими ёки мавқеига кўра, ёрдамга муҳтож шахсга ғамхўрлик қилиши шарт бўлган шахс;
- Б) жабрланувчининг ҳаётини ва соғлигини хавф остига қўйган шахс ;
- В) ҳар қандай шахс;
- Г) А ва Б жавоблар тўғри.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлигини саклаш тўғрисида”ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида» ги 32-сонли қарори.

4. Ниязов А.К. Ответственность за угрозу убийством или применением насилия // Конституция-хуқуқий давлат қуришнинг асоси. Илмий-амалий анжуман. -Т.: -1996. --С.151-153.

5. Ниязов А.К. Ответственность за угрозу по Уголовному кодексу Республики Узбекистан. //Ж. Общественные науки в Узбекистане. –1995.- №3. –С.17-21.

6. Ниязов А.К. Ответственность за угрозу убийством или применением насилия. // Конституция – хукуқий давлат қуришнинг асоси. Илмий-амалий анжуман. -Т.: -1996. –С. 25-27.

7. Ниязов А.К. Уголовно-правовое понятие угрозы и ее квалификация. //Ж. Қонун номи билан. –1995.-№ 3.-Б. 3-4.

8. Рустамбаев М.Х., Ниязов А.К. Ответственность за угрозу в зарубежном законодательстве.//Ж. Давлат ва хуқук. -2000.-№2.-С.3-5.

4-Мавзу: Жинсий эркинликка қарши жиноялар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Жинсий эркинликка қарши жиноялар тушунчаси, турлари, жиноят таҳлилиниң умумий таҳлили.
- 2) Номусга тегиш жинояти ва унинг таҳлили.
- 3) Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жинояти учун жавобгарлик.
- 4) Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш учун жавобгарлик.

1-масала

К. соат тахминан 23.00ларда қариндоши В. билан бирга О.ни телефон орқали ўз уйига чақириб, ўзининг жинсий эҳтиёжини қондириш мақсадида О.ни ишончидан фойдаланиб уйидаги олиб қолган. В. спиртли ичимлик олиб келиб, О. билан биргаликда уни истеъмол қилишган. К. ва О. хонадон меҳмонхонасида ихтиёрий равишда ўзларининг жинсий эҳтиёжларини қондиргач, К. ваннахонага кирган. Унинг қариндоши В. олдиндан келишилган режага асосан О.ни меҳмонхонага олиб кириб, бир неча маротаба қўллари билан бошига, юзига ва баданинг турли жойларига уриб ва уни кроватга ётқизиб олиб, О.ни эгнидаги уст кийимларини ечиб, ўз жинсий эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилган. В.нинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларини кўрган О. унга фаол қаршилик кўрсатиб, йиглаб «ёрдам беринглар» деб бақирган. Шунда К. О.нинг бақирганини ва ёрдамга чакираётган овозини эшишиб, К. О.га ёрдам бермасдан, В.ни О. билан хонадонда ёлғиз қолдириб, хонадон кириш эшигини устидан қулфлаб, воқеа жойидан яширинган. Хонадонда ёлғиз қолган О.га нисбатан В. ўз ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларини давом эттириб О. билан жинсий алоқада бўлмоқчи бўлганида О. унга қаршилик кўрсатиши натижасида қутилиб қолиб, хонадон балкони иккинчи қаватидан пастга сакраб кочган. Натижада В. қасдан содир қилаётган жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаган.

Суд-тибиёт экспертизасининг хulosасига кўра, О.нинг оғирлик даражаси бўйича «енгил» тан жароҳатлар олганлиги аниқланган.

К. ва В.ларнинг қилмишига баҳо беринг.

2-масала

Й. маст ҳолатда тахминан соат 21.30 ларда «Тошкент автомобиль ҳалқа йўли» бўйлаб уйига кетаётган 13 ёшли фуқаро Г.ни йўлнинг четига зўрлик ишлатиб олиб бориб, у билан мажбуран жинсий алоқа қилган.

Й.нинг қилмишига баҳо беринг.

3-масала

Профилактика инспектори Б. шахсларни хужжатларини текшириш учун Осиенко кўчаси 86-уда рўйхатдан ўтмасдан яшовчи Э. ва унинг 13 ёшли қизи Ш.нинг шахсини текшириб кўриш учун профилактика инспекторининг хизмат хонасига олиб келиб, шу хонада тахминан тунги соат 01.00гача уйларига кетишга рухсат бермасдан олиб ўтирган.

Б. Э. билан сұхбатлашиб ўтириб, ундан фуқаролик паспортини йўқотиб кўйганлигини аниқлаб, бундан фойдаланган холда Э. билан гайритабиий усулда жинсий алоқа қилиш мақсадида Э.ни орқа томонидан қучоқлаб, кўйлагини юкорига кўтариб, жинсий эҳтиёжини қондирган.

Б. нинг қилмишига баҳо беринг.

4-масала

Колонияда жазони ётаётган М. Н. билан ихтиёрий равишда икки маротаба жинсий алоқада бўлган.

Орадан 3 кун ўтгач М. С.ни қўрқитиб, жинсий алоқада бўлди.

М. нинг қилмишига баҳо беринг.

5-масала

Корхона раҳбари К. ўз котибаси О.нинг ишга калта юбка кийиб келганлигини кўриб, унга нисбатан жинсий ҳирси уйғонганлиги туфайли хонада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, эшикни ёпиб қўйди ва унга зўрлик ишлатиб, у билан жинсий алоқада бўлди.

Корхона раҳбари К.нинг қилмишига баҳо беринг.

6-масала

Терговчи С. жиноят иши бўйича айбланаётган К.ни озод қилиш эвазига унинг хотини И.ни у билан жинсий алоқада бўлишга таклиф қилди.

Терговчи С.нинг қилмишига баҳо беринг.

7-масала

О. исмли киз ўзининг йигити К.нинг унга уйланишига ваъда берганлигига ишониб, у билан жинсий алоқада бўлди.

Орадан бир ой ўтгач К. ота-онасининг талаби билан бошқа қизга уйланаётганлигини ва О.га уйлана олмаслигини айтди. О. агарда К. унга уйланмаса, уни қаматиб юборишини айтди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилди.

Қилмишига баҳо беринг.

8-масала

Корхона раҳбари Ф. ўз ходимаси К.ни яхши ишлагани учун унга пуллик мукофот тайинлади. Бунга жавобан К. миннатдорчиллик тариқасида Ф.ни уйига таклиф қилди ва у билан ғайритабиий усулда жинсий алоқада бўлди.

Қилмишига баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш жиноятининг мотиви қайси қаторда берилганлигини аниқланг.

- А) жинсий эҳтиёжни қондириш;
- Б) шаҳвоний алоқа;
- В) жабрланувчининг ожизлиги;
- Г) жабрланувчининг жинсий эркинлиги.

2. Номуега тегиш жиноятининг объектив томони бу - ...

- А) зўрлик ишлатиб, қўрқитиб, жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш;
- Б) ҳар икки жинсдаги жабрланувчининг жинсий эркинлиги;

в) эркак жинсий аъзосининг аёл жинсий аъзосига киритиш йўли билан қовушиш;

Г) жабрланувчининг ўзи билан жинсий алоқага киришилаётганини идрок эта олмаслиги.

3. Кайси ҳолларда қўрқитиши асосли ҳисобланади?

А) ишонарли ва аниқ бўлганда;

Б) етарли ва билвосита бўлганда;

В) жиддий ва қўрқинчли бўлганда;

Г) юқоридаги барча ҳолатларда.

4. Номусга тегиши жинояти қачон тугаллаинган ҳисобланади?

А) жинсий алоқа тугагандан кейин;

Б) қўрқитиши бошлангандан бошлаб;

В) жинсий алоқа бошланган пайтдан ;

Г) жабрланувчининг ожизлигини билгандан бошлаб.

5. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириши жиноятининг объектив томонини қўрсатинг.

А) жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондириш;

Б) зўрлик ишлатиб жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш;

В) қўрқитиб жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ;

Г) барчаси тўғри.

6. Жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг қайслари фақат тўғри қасддан содир этилади?

А) Бесоқолбозлик жинояти ва аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш жиноятлари;

Б) Номусга тегиши жинояти ва бесоқолбозлик жинояти;

В) Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириши жинояти ва аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш жиноятлари;

Г) Жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг барчаси фақат тўғри қасддан содир этилади.

7. Ш. құшниси ва яқын қариндоши Д. билан жинсий алоқада бұлди. Ш. Д. нинг 16 ёшга тұлғанлигини ва үзининг розилиги билан бу ишни қылғанлигини айтди. Ш. нинг ҳаракатлари түгрими ва уни квалификация қилинг?

- А) Ш. нинг ҳаракатлари түгри ва у жавобгарликка тортилмайды;
- Б) Бу ҳаракатлар нотүгри ва унинг ҳаракатлари ЖК 118-модда 3-қисм “а”, “б” бандлари билан квалификация қилинады;
- В) Бу ҳаракатлар нотүгри ва унинг ҳаракатлари ЖК 118-модда 3-қисм “б” банди билан квалификация қилинады;
- Г) Бу ҳаракатлар нотүгри ва унинг ҳаракатлари ЖК 118-модда 1-қисми билан квалификация қилинады.

8. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш жиноятынинг объектив томони белгиларини күрсатынг.

- А) хизмат юзасидан, моддий жиҳатдан қарам аёлни жинсий алоқа қилишга мажбураш;
- Б) зўрлик ишлатиб жинсий эхтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш;
- В) моддий жиҳатдан қарамлигидан, шунингдек, ожизлигидан фойдаланган ҳолда жинсий алоқа қилиш;
- Г) аёлнинг ўз розилиги билан жинсий алоқа қилиш.

9. Номусга тегиши жинояты баданга шикаст етказиш орқали қўрқитиб содир этилганда . . .

- А) баданга шикаст етказиш билан содир этиладиган қўрқитиши ЖКнинг 118-моддаси (номусга тегиши) 1-қисми билан қамраб олинади;
- Б) жиноятичи ЖКнинг 112-моддаси (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиши билан қўрқитиши) билан қўшимча жавобгарликка тортилади;
- В) ЖКнинг 112-моддаси билан қўшимча квалификация қилиниши талаб этилмайди;
- Г) А ва В жавоблар тўғри.

10. Оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан содир этилган номусга тегиши қайси ҳолларда ЖКнинг 118-моддаси (номусга тегиши), 3-қисми, “в” банди билан квалификация қилинади?

- А) агар номусга тегиши оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган бўлса;

- Б) номусга тегиши мазкур тартибсизликлар келиб чиқсан жойда содир этилганда;
- В) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси бўлган шахслар томонидан содир этилганда;
- Г) барча жавоблар тўғри.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори.

2. Зокирова О.Ф. Жинсий тарбия. //Ж. Конун ҳимоясида.-2003.-№ 6 (90). -Б. 33-35.

3. Пайзуллаев К.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги, тарбия ва ахлоқига қарши қаратилган жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари. //Ж. Давлат ва хукуқ .-2003.- 4-сон. – Б.18-20.

4. Рустамбоев А.М. Социальный обусловленность противоправности и наказуемости сексуального насилия и его виды.// Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –2004.-№ 6. -С. 88-96.

5. Рустамбоев А.М. Объект преступлений и потерпевшее лицо в преступлениях, составляющих сексуальное насилие./ТДЮИ, Магистрантларнинг илмий мақолалар тўплами. –2004.-№ 6. –С. 136-144.

6. Рустамбоев А.М. Вопросы соучастия при групповом сексуальном насилии. //ТДЮИ, Магистрантларнинг илмий мақолалар тўплами. –2004.- № 6. – С. 143-152.

7. Рустамбоев А.М. ғайрихуқуқий жинсий зўрлик ва унинг турлари//Ж. Давлат ва хукуқ. –2004.-№ 2 (18).- С. 36-38.

8. Тохиров Ф. Айрим хорижий мамлакатларда жинсий жиноятлар учун жавобгарлик.//Ж. Давлат ва хукуқ.-2001.- 3-сон. – Б. 71-74.

9. Тохиров Ф. Вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларни содир этишининг оғирлаштирувчи ҳолатлари.//Ж. Давлат ва хукуқ.-2004.- №1(17) -Б. 49-52.

10. Тохиров Ф. Жинсий жиноятлар билан боғлик бўлган жиноятларни судда кўришда аҳамият берилиши лозим бўлган ҳолатлар.// Давлат ва жамиятнинг демократик янгиланиш босқичида суд хоки-

мияти мустақиллигини таъминлашнинг муаммолари мавзусидаги сиёсий ва амалий конференция материаллари. -Т.: 2002. Б.250-258.

11. Тохиров Ф. Жинсий жиноятлар мотивининг хусусиятлари// Ж.Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. -СамДУ , -2001.- 4-сон.- Б. 41-44.

12. Тохиров Ф. Жинсий жиноятларда айб, мотив, мақсад//Ж. Давлат ва хукуқ. -2002. №1(9) . -Б. 60-65.

13. Тохиров Ф. Жинсий жиноятларни квалификация қилишнинг баъзи бир масалалари//Суд-хукуқ ислоҳоти: назария ва амалиёт мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Сил МЭГ. -Б. 191-194.

14. Тохиров Ф. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар моҳияти// ЎзР ИИВ Академияси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари. – 2005.- Б. 196-197.

15. Тохиров Ф. Тажовуз, номусга тегиш жинояти таркиби қандай аниқланади? //Ж. Ҳаёт ва қонун.—2002.-1- сон. –Б. 47-48.

16. Тохиров Ф. Юридическая и социально психологическая характеристика субъекта преступлений, составляющих сексуального насилия//Ж. Ҳукуқ, бизнес ва сиёсат. Хучанд.–2002.-1-2 сон. –Б. 12-16.

5-Мавзу: Оиласа, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик.
- 2) Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қилиш учун жавобгарлик.
- 3) Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва уларга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатлар қилганлик учун жавобгарлик.
- 4) Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш жинояти учун жавобгарлик.
- 5) Фохишахона сақлаш ёки кўшмачилик қилганлик учун жавобгарлик.
- 6) Инсон аъзолари ва тўқималари ажратиб олганлик учун жавобгарлик.

1-масала

25 ёшли Д. моддий жиҳатдан таъминланган бўлиб, моддий имконияти бўлгани ҳолда бир йил давомида ўзининг моддий ёрдамга мухтоҷ 65 ёшли онасига ёрдам бермасдан келган.

Д.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

2-масала

Ю. фуқаролик ишлари бўйича суднинг ижро варақасига асосан моддий жиҳатдан мухтоҷ, вояга етмаган фарзандлари 10 ёшли Г. ва 5 ёшли Ш.ни моддий таъминоти учун нафака тўлаши лозимлигини била туриб, туман суд ижрочилари бўлинмаси суд ижрочисининг огоҳлантиришларига қарамай 5 ой мобайнида нафака тўлашдан қасдан бўйин товлаб келган.

Ю.нинг қилмишига баҳо беринг.

3-масала

А. ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида вояга етмаган 15 ёшли Т.ни жалб қилди ва жиноят режасини тузди. Вояга етмаган Т. ёлғиз ўзи Н.га тегишли хонадонга бал-

кон орқали ғайриқонуний равишда кириб, у ердан бир дона нархи 170.000 сўмлик «DAEWOO» русумли телевизор ва нархи 6.000 сўмлик «Panaphone» русумли телефон аппаратини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Жиной йўл билан қўлга киритилган пулларни А. ва Т.лар ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгандар.

А. ва Т.нинг қилмишига баҳо беринг.

4-масала

М. ўн олти ёшга тўлмаган Ф. билан унинг розилиги билан 5 ой давомида бир уйда эр-хотин бўлиб яшаб келган.

М. билан Ф. жинсий алоқада бўлиб келиши оқибатида Ф. 14 ҳафталик ҳомиладор бўлган.

М.нинг қилмишига баҳо беринг.

5-масала

Туман ИИБ ходимлари томонидан фоҳишахона сакловчиларни аниқлаш бўйича ўтказилган тадбир давомида, шу туманда истиқомат қилувчи С. маст ҳолда бўла туриб, ўзи истиқомат қилиб келаётган хонадон ётоқхонасида 15.000 сўм эвазига Х. ва Ш.ларга жинсий алоқа қилиш учун берган.

Қилмишига баҳо беринг.

6-масала

Г. С.га тегишли бўлган хонадонга вояга етмаган, 15 ёшли Х.ни олиб келиб, шу уйда сақлаб уни Б. билан жинсий алоқа килиш учун кўшиб қўйган ва уларга шароит яратиб берган, бунинг эвазига Г. Б.дан 25.000 сўм миқдорида пул олган.

7-масала

Туғруқхонада ҳамшира бўлиб ишловчи С. таниши К.нинг илтимосига кўра тўртинчи марта тукқан қизини 500 АҚШ доллари эвазига ўғил болага алмаштириб беришни илтимос қилди. Тунги смена вақтида ҳамшира С. эндиғина ўғил бола тукқан Д.нинг боласини К.нинг қизига алмаштириб қўйди.

Айбдор шахсларнинг қилмишига баҳо беринг.

8-масала

ФХДЁ ходими Т. 9 йил олдин бола асраб олган М.дан унинг бола асраб олганлигини унинг боласига ва танишларига айтмаслик эвазига бир ҳафта ичida 2000 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилди. М. Т.нинг шартларини бажармаганлиги учун Т. М.нинг боласига уни асраб олингандигини айтди.

Т.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

9-масала

А. икки аёл билан ФХДЁ органидан никоҳдан ўтмасдан эр хотинлик муносабатида яшай бошлади. А. биринчи хотини билан ўзи яшайдиган ҳовлида, иккинчи хотини билан эса бошқа ҳовлида яшаган.

А.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

10-масала

Заводда ишловчи Р. ўзининг янги шогирди 15 ёшли С.ни биринчи олган маоши муносабати билан буни ювиш лозимлигини айтди. Улар завод яқинидаги кафега киришди. Шунда Р. шогирди С.ни спиртли ичимлик истеъмол қилишга мажбур қилди.

А.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

11-масала

17 ёшли П. 13 ёшли К.ни гиёхванд модда истеъмол қилишга ва шундан сўнг ўғирлик жиноятини содир қилишга жалб қилди.

П. ва К.ларнинг ҳаракатларига баҳо беринг.

12-масала

С. 15 ёшли Ф. исмли қиз билан танишди. Улар танишганлиги муносабати билан ресторанга боришиди. Зиёфат даврида улар спиртли ичимликлар истеъмол қилишди. Зиёфатдан сўнг С. Ф.ни уйига кузатиб қўйди. Ф. уни уйига таклиф қилди. С. уйга киргач, Ф.га жинсий алоқада бўлишга таклиф қилиб, унинг розилиги билан Ф. билан жинсий алоқада бўлди.

Қилмишга баҳо беринг.

13-масала

Тунги сменага бориши лозим бўлган музей қоровули Т. ҳеч нарса содир бўлмайди деб ишонч ҳосил қилиб, дўстлари билан чойхонага кетди. Бундан фойдаланган Р. музей эшигини бузиб кирди. У ерда турган оғирлиги 1 тонна келадиган бронзадан ясалган ҳайкалнинг тахминан 10 кг келадиган қисмини бузиб олиб, уни 500 АҚШ доллари эвазига таниши Ф.га сотиб юборди.

Айбдор шахсларнинг қилмишига баҳо беринг.

14-масала

Касалхонага олиб келинган оғир бемор тиббий ёрдам қўрсатилганлигига қарамасдан вафот этди. Шунда врачлардан бири С. ўлган беморнинг тана аъзоларини сотиш мақсадида ажратиб олди. Буни сезиб колган беморнинг қариндошлари бош врачга шикоят қилишди. Натижада С. бош врачнинг буйруғига кўра ўлган беморнинг тана аъзоларини жойига тикиб қўйди.

С.нинг ҳаракатларига баҳо беринг, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қўйидаги жиноятларнинг қайси бири учун жиноят мотиви зарурий белги ҳисобланади?

- А) вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш;
- Б) ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш;
- В) болани алмаштириб қўйиш;
- Г) кўп хотинли бўлиш.

2. Кўп хотинли бўлиш жиноятининг муҳим белгиси нима?

- А) умумий рўзгор асосидаги эр-хотинлик;
- Б) шахснинг ўз никоҳ муносабатларини тўхтатиб қўйиб, амалда янги никоҳга кириши;
- В) хотинларнинг бир уйда яшаши;
- Г) хотинларнинг бошқа-бошқа жойларда яшаши.

3. Айбдорни ЖК 128-моддаси (үн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) билан жавобгарликка тортишнинг зарурый шарти нима?

- А) үн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг нормал аҳлоқий ривожланишига путур етказиш;
- Б) жабрланувчининг үн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга олдиндан аён бўлганлиги;
- В) үн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг нормал жисмоний ривожланишига путур етказиш;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

4. Қайси пайтдан эътиборан фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш жинояти тугалланган ҳисобланади?

- А) ўғил ёки қиз боланинг фарзандликка олингани ҳакидаги сир ошкор этилган пайтдан бошлаб;
- Б) фарзандликка олиш сиридан маълум бир шахснинг хабардор бўлганлигидан бошлаб;
- В) жиноятчининг ушбу жиноят орқали кўзлаган мақсадига эришган вақтдан бошлаб;
- Г) а ва б жавоблар тўғри.

5. Қайси жиноят учун шахсни жиноий жавобгарликка тортишда айбдорга нисбатан илгари маъмурӣ жазо чораси қўлланилган бўлиши лозим?

- А) фохишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш;
- Б) порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш;
- В) болани алмаштириб қўйиш;
- Г) ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш.

6. Қайси жиноят бўйича айбдор етказилган моддий заарни уч бараварига тенг микдорда қоплаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилмайди?

- А) қабрни таҳқирлаш;
- Б) инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш;
- В) тарих ёки маданият ёдгорликларини иобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш;
- Г) порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш.

7. Жиноят субъекти бўла олмайдиган вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши масаласини ҳал қилинг.

- А) ЖК 127-моддаси (вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қилиш) бўйича жавобгарликка тортилади;
- Б) ЖК 127-моддаси ва вояга етмаган шахс содир этган жиноятнинг ташкилотчиси ва бажарувчиси сифатида жавобгарликка тортилади;
- В) жавобгарлик йўқ;
- Г) ЖК 127-моддаси ва далолатчи сифатида жавобгарликка тортилади.

8. В. уй-музейдан қиймати 1500 АҚШ доллариға тенг бўлган бронза ҳайкалчани ўтирилди ва уни танишига 500 АҚШ доллариға сотади. В.ни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилинг.

- А) ЖКнинг 132-моддаси (тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш) бўйича жавобгарликка тортилади;
- Б) ЖКнинг 169-моддаси (ўтирилик) бўйича жавобгарликка тортилади;
- В) ЖКнинг 166-моддаси (талончилик) бўйича жавобгарликка тортилади;
- Г) а ва б жавоблар туғри.

9. Н. ўзининг касал ўнг буйрагини олдиришга розилик беради. Операция пайтида Н. юрак тўхташидан вафот этади. Операция қилган шифокор Г. иккинчи буйракни ҳам олиб, ўз илмий ишлари учун консервалаб қўяди. Г.нинг жавобгарлигини аниқланг.

- А) ЖКнинг 133-моддаси (инсон аъзлари ёки тўқималарини ажратиб олиш) бўйича;
- Б) мурдани таҳқирлаш (ЖК 133-модда) жинояти бўйича;
- В) ЖК нинг 169-моддаси (ўтирилик) бўйича;
- Г) а ва б жавоблар туғри.

10. Кўзи ёриш жараёнида Х. ўлик бола туғади, лекин унга доялик қилган врачлар унинг соглигини ўйлаб, унга боланинг ўлик туғилганлигини айтишмайди. Шунда врачлардан бири Л. ўлик болани онаси ташлаб кетган, яқинда туғилган болага алмаштириб, Х.га беришга қарор қиласиди. Врачнинг қилмишини таҳлил қилинг.

- А) ЖКнинг 124-моддаси (болани алмаштириб қўйиш) бўйича жавобгарликка тортилади;
- Б) ЖКнинг 116-моддаси (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) бўйича жавобгарликка тортилади;
- В) врачнинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмас;
- Г) тўгри жавоб йўқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (64-65-моддалар).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 12 декабрдаги “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. (100, 109, 153-моддалар).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарорига 3-илова билан тасдиқланган “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисида”ги НИЗОМ.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 269-сонли қарори
7. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 21-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 13-сонли қарори
10. Абдурасулова Қ.Р. Оила, аёл, жамият. // Ж. Қонун химоясида. —2002. --№3.-С. 5-7.

11. Ахроров Б.Д. Вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қылганлик учун жавобгарлик //Ж. Қонун ҳимоясида. -2001.-1-сон. -Б.19-21.
12. Арзымбетов М.У. Правовые вопросы совершенствования уголовного законодательства о преступлениях, связанных с обычаями и традициями (на материалах Республики Каракалпакстан). (Монография). Т.: 1996.- 7 б.т.
13. Исламутлаева Ш.С. Оила – жамият негизидир. //Суд-хукук ислохоти: назария ва амалиёт мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: Сил МЭГ, 2001. -Б.184-186.
14. Пайзуллаев Қ.П. Фоҳишабозлик ижтимоий иллат. //Ж. Ҳаёт ва қонун.-2001.-11-12-сон. -Б. 26-29.
15. Пайзуллаев Қ.П. Чегара билмас хасталик. //Ж. Ижтимоий фикр. – 2001.- 1-сон.-Б. 105-108.
16. Пайзуллаев Қ.П. Юридическая и криминологическая характеристика личности преступление совершившего сексуальное насилие против несовершеннолетних. //Ж. Давлат ва хукуқ.-2003.-3-сон. -Б. 49-51.
17. Тохиров Ф. Отграничение преступлений, предусмотренных статьями 118, 119 УК Р.Уз. от развратных действий в отношении лица, не достигшего 16 лет.// Ж.Вестник Каракалпакского Отделения Академии наук Республики Узбекистан, Нукус.--2002.-1-2 сон. --Б. 81-83.
18. Тохиров Ф. Семья - как объект защиты общества и государства.//Ж. Демократлаштириш ва инсон хукуqlари. -2001.-4-сон. -С.8-10.

6-Мавзу: Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр қимматига қарши жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Шахснинг озодлигига, шаъни ва қадр қимматига қарши жиноятлар тушунчаси.
- 2) Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш учун жавобгарлик.
- 3) Одам ўғирлаш ва зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш учун жавобгарлик.
- 4) Тухмат ва ҳақорат қилиш жинояти учун жавобгарлик.

1-масала

Хусусий фирманинг бошлиғи А. 16-30 ёшдаги қизларни Европа давлатларида ишга жойлашишига ёрдам бериши ҳақида газетага эълон берди. Эълон бўйича келган қизлар билан сухбатда А. уларни юкори маош тўланадиган официантлик лавозимига ишга жойлаштириши ҳақида ваъда берди ва қизлар билан шартнома тузди.

А. қизларни чет элга юборди. У ерда қизларни С. кутиб олди ва қизларнинг ҳужжатларини олиб кўйиб, фохишахоналарга жойлаштириб, қизларни қўрқитиб фохишалик билан шуғулланишга мажбур қилди.

А.ва С.ларнинг ҳаракатларига баҳо беринг.

2-масала

Р., Д. ва С.лар фуқароларни чет давлатларга юборадиган фирма очганлигини эълон қилишди. Фирмага келган 80 тага яқин фуқароларни ишга жойлаштирамиз деб, уларнинг ҳар биридан 3000-6000 АҚШ долларгача пул олишди. Улар пулни олгач, бир ой ичида фуқароларни чет давлатларга юборамиз деб, уларнинг қўлига чет давлатдаги корхоналар билан тузилган меҳнат шартномасини беришди.

Муддат яқинлашгач Р. фуқароларнинг қўлига самолёт билетларини берди ва уларни чет давлатда фирма вакили кутиб олишини айтди.

Фуқаролар чет давлатга самолёт орқали учиб боришиди, лекин уларни у ерда ҳеч ким кутиб олмаган. Шунингдек фуқароларнинг қўлидаги шартномалар ҳам қалбаки эканлиги аниқланди.

Айбдор шахсларнинг қилмишига баҳо беринг.

3-масала

20 ёшли Т. 15 ёшли С.га уйланиш мақсадида уни ўғирлаб кетди. Т. у билан шаръий никоҳ ўқитиб, у билан жиҷсий алоқада бўлди.

Т.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

4-масала

С. қўшниси Ф.нинг фарзандини ўғирлаб кетди ва тумандаги бўш ётган кўп қаватли уйларнинг ертўласига қамаб қўйди. С. Ф.нинг фарзандини озод қилиш учун ундан 3000 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилди.

С.нинг қилмишига баҳо беринг.

5-масала

Маҳалладаги мажлисда маҳалла раиси А. мажлисда тортишиб қолганлиги учун шу маҳаллада яшовчи фуқаро И.нинг ўғли муқаддам судланганлигини айтди.

Қилмишга баҳо беринг.

6-масала

Боласининг кўчадан йиғлаб келганлигини ва уни қўшнисининг қизи Ф. хафа қилганлигини эшигтан А. кўчага чиқиб, унга “Онаиг фоҳиша эди, унинг қони сенга ҳам ўтган экан” деб уни қўшнилар олдида уялтириди. Бунга чидай олмаган Ф. уйига кириб ўзини осди, буни кўриб қолган Ф.нинг отаси зудлик билан Ф.ни кутқариб қолди.

Қилмишга баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жиноягининг объектив томонини кўрсатинг.

- А) шахвоний ёки бошқа ниятларда фойдаланиш учун одам ёллаш;
- Б) шахвоний ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдов йўли билан одам ёллаш;
- В) ҳар қандай ниятда алдамаган ҳолда одам ёллаш;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

2. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти қачон тугалланган хисобланади?

- А) бу жиноятга тайёргарлик қилинган вақтдан бошлаб;
- Б) бу жиноятга суюқасд бошланган вақтдан бошлаб;
- В) ёлловчи ва тегишли шахс ўртасида ёллаш тўғрисида келишув ёки битим тузилгандан бошлаб;
- Г) б ва в жавоблар тўғри.

3. Алдов йўли билан ёлланган аёлга нисбатан шахвоний зўрлик ишлатилса, айбдорнинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

- А) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси ва иш ҳолатларига кўра 118- (номусга тегиши) ёки 119 – модда (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) лар билан жиноятлар мажмуй тариқасида;
- Б) факат Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси (одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш) билан квалификация қилинади;
- В) бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси (бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш) га кўра жавобгарликка тортиласди;
- Г) б ва в жавоблар тўғри.

4. А. исмли шахс Л. исмли шахснинг вояга етмаганлигини билмасдан уни алдов йўли билан шахвоний мақсадда фойдаланиш учун ёллайди. А.нинг ҳаракатлари қандай квалификация қилинади?

- А) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-135-моддаси (одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш);
- Б) Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддасининг биринчи қисми;
- В) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми “в” банди;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

5. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

- А) ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш вақтидан бошлаб;
- Б) ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишга суиқасд қилган вақтдан бошлаб;
- В) ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш нияти пайдо бўлган вақтдан бошлаб;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

6. Д. исмли шахс таъмагирлик ниятида В.ни зўрлик ишлатиб совуқ ертўлага қамаб қўяди ва уни шу ахволда уч кун қолдиради. Д.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

- А) Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси (зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш) 2-қисми “б” банди;
- Б) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 138-моддаси 1-қисми;
- В) жиноят таркиби мавжуд эмас;
- Г) ҳамма жавоблар нотўғри.

7. Г. ўч олиш мақсадида Б.ни ўз дала ҳовлисига олиб бориб қамаб қўяди. Б. у ерда уч кун оч қолиб кетади. Бундан ташқари Г. уни уч кундан сўнг келиб дўппослаши натижасида оғир тан жароҳати олади. Г.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

- А) ЖКнинг 138 ва 104-модда (қаслдан баданга оғир шикаст етказиш) лар билан жиноятлар мажмуи ҳисобланади;
- Б) фақат 138-модда билан квалификация қилинади;
- В) фақат 104-модда билан квалификация қилинади;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

8. Мансабдор шахс ўз мансаб ваколатини сунстельмол қилган ҳолда шахсни ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этса, қандай тартибда жавобгарликка тортилади?

- А) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунстельмол қилиш) бўйича;
- Б) Ўз. Р ЖК 138-моддаси бўйича;
- В) 205 ва 138-моддалар билан жиноятлар мажмуи тарикасила;
- Г) ҳамма жавоблар нотўғри.

9. Тұхмат жиноятынинг объектив томонини күрсатинг.

- А) шахсни обрұсизлантириш мақсадида ҳақиқат ҳисобланған маълумотларни тарқатиши;
- Б) бошқа шахсни обрұсизлантирадиган ёлғон, уйдирма маълумотларни тарқатиши;
- В) уйдирма хабарларни үзига-үзи айтиши;
- Г) тұгри жавоб йўқ.

10. Қилмишни тұхмат жинояти деб топишнинг зарурий шартларини күрсатинг.

- А) маълумотларнинг кишини обрұсизлантиришлиги;
- Б) тарқатган шахснинг маълумотларнинг ёлғонлигини билиши;
- В) маълумотларнинг ҳақиқатдан иборатлиги;
- Г) А ва Б жавоблар түғри.

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси (14-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг 2003 йил 12 декабрдаги “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишига қарши кураш тұғрисидагы конвенцияга ва якунловчи баённомага құшилиш ҳақида”ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг 1997 йил 26 декабрдаги “Одамларни гаровға олишга қарши кураш тұғрисидагы халқаро конвенцияга құшилиш ҳақида”ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 майдаги “Болаларни бошқа мамлакатларга үғирлаб олиб кетишининг фуқаролик жиҳатлари тұғрисидаги Гаага конвенциясини амалға ошириш бүйича ташкилий чора-тәдбирлар тұғрисида”ги 192-сонли қарори.

5. Рустамбаев М.Х. Охрана прав личности в уголовном праве. Взгляд юриста. Профессия юриста и права человека в Узбекистане. //Бельгия, 1999. 117-121 с.

6. Рустамбаев М.Х. Личная неприкосновенность и проблемы судебной защиты граждан.// В сб. Судебная защита прав человека: проблемы теории и практики. -Т.:ТДЮИ, 2001.-Б.21-23.

7-Мавзу: Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 2) Фуқароларнинг teng ҳуқуклигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик.
- 3) Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.
- 4) Сайлов ўтказиш тартиб қоидалари ва сайлов ҳуқуқларига қарши жиноятлар.
- 5) Мехнат қилиш ҳукуқини бузганлик учун жавобгарлик.

1-масала

Давлат рўйхатидан ўтган Ислом диний мадрасаси маъмурияти раҳбари ушбу ўкув юртига фақат Ислом динига эътиқод қилаётган шахслар олиниши ҳақида эълон берди.

Маъмурият раҳбарининг ҳаракатларига баҳо беринг.

2-масала

Жиноят қидиув бўлими ходими Ф. фуқаро А.нинг уйида наркотик моддалар саклаётганилиги ҳақидаги маълумотлар борлигини ҳисобга олиб А.нинг уйига борди. Ф. А.нинг наркотик моддаларни йўқ қилиб юбориши мумкин деб уни эшигини бузиб кирди.

- 1-вариант. А.нинг уйидан наркотик моддалар чиқди.
- 2-вариант. А.нинг уйидан наркотик моддалар чиқмади.
Килмишга баҳо беринг.

3-масала

Фуқаро М. туман ободончилик бошқармаси раҳбарига таклиф билан чиқиб, унда маҳалладаги мева бермайдиган дараҳтлар ўрнига мевали дараҳтлар экиш таклифи берилган эди. Лекин М.нинг мурожаати туман ҳокимияти томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилмади.

Туман ободончилик бошқармаси раҳбарининг ҳаракатларига баҳо беринг.

4-масала

Корхона раҳбари Т. иш вақтида ходимларнинг намоз ўқишини тақиқлаб қўйди, лекин корхона ходимлари раҳбардан яширинча намоз ўқидилар. Буни кўриб қолган раҳбар ~~ходимларга~~ интизомий жазо қўллади, баъзиларини эса мунтазам огоҳлантиргани учун ишдан бўшатиб юборди.

Корхона раҳбари Т.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

5-масала

Завод директори О. икки йил олдин фуқаролик ишлари бўйича суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганлигига қарамасдан суднинг бир ой олдин чиққан ишга тиклаш тўғрисидаги қарорини ҳам қасддан бажармади.

Завод директори О.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

6-масала

Ёзувчи П. ҳамкасби З.нинг туғилган кунига келди. З.нинг меҳмонлар билан овора эканлигидан фойдаланган П. З.нинг нашр қилиш учун тайёрлаб қўйган романини ҳеч кимга билдирамасдан ўғирлаб кетди ва ўзининг номидан ушбу романни нашр қилди.

П.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

7-масала

Туман кенгашига депутатликка ўз номзодини қўйган С. унга овоз берган сайловчиларнинг хар бирига бир қопдан ун бериши ҳақида ваъда берди. Сайлов ўтгач С. унга овоз берган сайловчиларнинг оиласига ваъда килинган унни олиб берди.

С.нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борми?

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш жинояти субъектив томонига кўра қандай содир этилади?**
- А) тўғри қасд;
- Б) эгри қасд;
- В) ўз-ўзига ишониш;
- Г) бепарволик.
- 2. Қўйидаги жиноятларнинг қайси бири учун жавобгарлик худди шундай қилмиш учун аввал маъмурӣ жазо олган шахсларгагина қўлланилади?**
- А) фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш;
- Б) хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш;
- В) виждан эркинлигини бузиш;
- Г) фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузиш.
- 3. Қўйидаги жиноятларнинг қайси бири эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин?**
- А) фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш;
- Б) хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш;
- В) виждан эркинлигини бузиш;
- Г) барчаси қасдан содир этилади.
- 4. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш ва виждан эркинлигини бузиш жиноятларнинг бевосита объекти нима?**
- А) тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги;
- Б) Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми;
- В) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари;
- Г) шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати.
- 5. Ушбу жиноятларнинг қайси бири ҳаракатсизликдан ҳам содир этилиши мумкин?**
- А) фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузиш;
- Б) муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш;
- В) меҳнат килиш ҳуқуқини бузиш;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

6. Моддий таркибли жиноятни кўрсатинг.

- А) фуқароларнинг teng хуқуқлилигини бузиш;
- Б) сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш;
- В) хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

7. Мехнат қилиш хуқуқини бузиш жиноятининг субъекти ким бўла олади?

- А) вояга етган ҳар қандай жисмоний шахс;
- Б) меҳнат муносабатларига кириша оладиган ҳар қандай шахс;
- В) муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс;
- Г) ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатиш хуқуқига эга бўлган ҳар қандай шахс.

8. Қўйидаги жиноятларнинг қайси бирининг обьекти фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлари хисобланмайди?

- А) миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзгатиш;
- Б) хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш;
- В) виждон эркинлигини бузиш;
- Г) фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш.

9. Муаллифлик ёки ихтирочилик хуқуқларини бузиш ва меҳнат қилиш хуқуқини бузиш жиноятларининг бевосита обьекти нима?

- А) тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги;
- Б) Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми;
- В) фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлари;
- Г) шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати.

10. Қўйидаги жиноятларнинг қайси бири учун фақат 18 ёшга тўлган фуқаро жавобгарликка тортилади?

- А) фуқароларнинг teng хуқуқлилигини бузиш;
- Б) сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш;
- В) виждон эркинлигини бузиш;
- Г) фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (9, 18, 27, 37, 42, 44-моддалар).
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 2004 йил 27 августдаги “Адабий ва бадиий асарларни мухофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилиш ҳақида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 18, 166, 167, 168, 169, 170-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуни
6. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни
7. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги “Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни
8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни
9. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири)”ги қонуни
10. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида (янги таҳрири)”ги қонуни
11. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида (янги таҳрири)”ги қонуни
12. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонуни
13. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида (янги таҳрири)”ги қонуни
14. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонуни
15. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонуни

16. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида”ги қонуни

17. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (1041-1079-моддалар)

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июндаги “Ўзбекистон муаллифлик хукуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 286-сонли қарори

19. Ислатуллаева Ш.С. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш.//Ж. Ҳаёт ва қонун.-2001.-№5. -Б. 25.

20. Ниёзова С., Умидуллаев Ш. Фуқароларнинг меҳнат қилиш хукуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик.// Конституциянинг 11-йиллигига багишланган конференция материаллар тўплами. –2003 декабр. –Б. 13-15.

21. Пайзиев Д.Ю. Шахснинг дахлсизлиги ҳақида //Ж. Ҳаёт ва қонун. –1997. -7-сон. –Б 76-77.

II БҮЛİM. ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКЛАРГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

8-Мавзу: Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Урушни тарғиб қилиш ва агрессия жиноятлари тушунчаси, юридик таҳлили.
- 2) Урушни қонун ва удумларини бузыш ва геноцид тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 3) Ёлланиш ва терроризм тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 4) Миллий, ирқий ва диний адоват қўзғатиш тушунчаси ва юридик таҳлили.

1-масала

S давлатининг қуролли кучлари тузилган битим асосида ўз қуролли кучларини L давлатида шу йилнинг 31 декабригача сақлаб туриши лозим эди. Лекин S давлатининг қуролли кучлари раҳбари муддат тугаганлигига қарамасдан L давлатидан ўз қуролли кучларини олиб чиқиб кетмади.

Ушбу қиммишда жиноят аломатлари борми?

2-масала

S давлатининг қуролли кучлари раҳбари L давлати билан уруш олиб бораётган эди. S давлатининг қуролли кучлари раҳбари ўз ҳарбийларига жанг вақтида ҳеч кимни тирик қолдирмаслик ва ҳатто гўдак бола ҳамда аёлларни қириб ташлаш ҳақида буйруқ берди.

S давлатининг қуролли кучлари раҳбарининг ҳаракатларини квалификация қилинг.

3-масала

S давлати билан L давлати ўртасидан уруш бўлаётган вақтда P давлати фуқароси моддий манфаатдорлик учун эмас, балки ўша давлатнинг фуқаролигини олиш учун L давлати томонидан туриб урушда қатнашди.

P давлати фуқаросининг ҳаракатларида жиноят аломатлари борми?

4-масала

Бир гурӯҳ жиноий гурӯҳ аъзолари туман прокурорининг фарзандини гаровга олишди ва уни озод қилиш эвазига ундан тергов хибсхонада сакланаётган шерикларини озод қилишни талаб қилишди.

5-масала

Чет давлатининг раҳбари расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Фуқаролар билан учрашув вақтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси Н. чет давлатининг раҳбарига қарата ўқ узди, лекин отилган ўқ унга бориб тегмади.

Н.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Геноцид жиноятининг факультатив объекти бўлиб ...

- А) инсон хаёти;
- Б) инсон соғлиги;
- В) шахс хуқуқ ва эркинликлари ҳисобланади;
- Г) барча жавоблар тўғри.

2. Агрессия нима?

- А) бир давлат Куролли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки хужум қилиши;
- Б) бошқа давлат ҳудуди ёки унинг бир қисмини зўрлик билан қўшиб олиш.
- В) бошқа давлат ҳудудига бомбалар ташлаш ёки унинг ҳудудини турли қурол яроғларини шилиш;
- Г) бир давлат портлари ёки унинг қирғоқлари ёхуд қирғоқларининг бир қисмини қамал қилиш;
- Д) барча жавоблар тўғри.

3. Уруш олиб бориш қоидаларига риоя қилиш бўйича халқаро муносабатлар урушнинг қенун ва удумларини бузиш жиноятининг ...

- А) обьектив томони;
- Б) обьекти;
- В) мотиви;
- Г) мақсади ҳисобланади.

4. Халқаро ҳуқуқда терроризмга қарши қандай конвенциялар мавжуд?

- A) Мадрид конвенцияси, Европа конвенцияси;**
- Б) Вена конвенцияси, Женева конвенцияси;**
- В) Европа конвенцияси, Марказий Осиё канвенцияси;**
- Г) Түгри жавоб йўқ.**

5. Тероризм жиноятининг субъекти қайси холларда жавобгарликдан озод этилади?

- A) у фақат террористик актнинг тайёрланишида иштирок этган ва ўз вақтида, яъни жиноятнинг объектив томони бошлангунга қадар ҳокимият органларига террористик акт тўғрисида маълумот берган бўлса;**
- Б) оғир оқибатлар келиб чиқиши ва терористлар мақсадининг амалга ошишининг олдини бошқа усулда олган бўлса;**
- В) шахснинг харакатларида бошқа жиноят таркиби мавжуд бўлмаса;**
- Г) барча жавоблар тўғри.**

6. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш жиноятининг объектив томони қайси жавобда тўғри берилган?

- A) фуқароларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқодини ҳақоратлайдиган ёки камситадиган турли хил харакатлар ёки шундай манбаларни тайёрлаш;**
- Б) миллий, ирқий, этник ёхуд диний мансублигига қараб фуқаролар ҳукукларини бевосита ёки билвосита чеклашга каратилган харакатлар;**
- В) миллий, ирқий, этник мансублигига ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг бевосита ёки билвосита устунликларини белгилаш;**
- Г) барча жавоблар тўғри.**

7. Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш жиноятининг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари қайси қаторда тўлик берилган.

- А) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;**
- Б) фуқароларнинг доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;**
- В) маъсул мансабдор шахс томонидан;**
- Г) барча жавоблар тўғри.**

8. Күйидагилардан қайси бири тұғри?

- А) геноцид - умумәтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва озодлиги, халқаро ҳуқук принципін мейерларини күпоп тарзда бузыш;
- Б) агрессия - давлатлар үртасидаги, шунингдек, давлатлар ва миллий-озодлик харакатлари үртасидаги куролланган кураш;
- В) Уруш - умумәтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқук нормаларига биноан тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят ҳисобланади;
- Г) тұғри жавоб йўқ.

9. Пропаганда нима?

- А) муйян даврда шахслар орасыда уруш оловини ёқиши;
- Б) бирор ғоя, фикр, таълимот ва билимларни чуқур тушунтириш ва тарғиб қилиш, кенг ғоявий таъсир күрсатиши;
- В) бир давлат куролли кучларининг бошқа давлатта тегишли қуруқлиқдаги, денгиз, ҳаво, құшинларига ёхуд денгиз ёки ҳаво флотига ҳужум қилиши;
- Г) босқинчилик урушини режалаштириш.

10. Бевосита агрессия нима?

- А) бир давлат куролли кучларининг бошқа давлат ҳудудини бомбардимон қилиши;
- Б) давлат портлари ёки қирғоқларининг бошқа давлат куролли кучлари томонидан тұсіб қўйилиши;
- В) давлатнинг бошқа давлат ихтиёрига топшириб қўйған ҳудудидан ўша давлат томонидан бошқа учинчи давлатта агрессия содир этишда фойдаланишга йўл қўйған ҳаракатлари;
- Г) бир давлатнинг бошқа давлатга мувофиқ мазкур давлат ҳудудида мавжуд бўлган куролли кучларини тузилган битимни бузган ҳолда қўллаш ёки битим ҳаракати тугагандан сўнг ҳам мазкур куролли кучларини ушбу давлат ҳудудида сақлашни давом этиши.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тұғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қараш тұғрисида”ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жинойй ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга кўшилиш ҳақида”ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Уруш курбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига ҳамда халқаро тусдаги ва халқаро бўлмаган тусдаги қуролли можаролар курбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига доир қўшимча протоколларга кўшилиш ҳақида”ги қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2007 йил 14 ноябрдаги “Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 15-сонли қарори.

8. Абдурасулова Қ.Р. Диний экстремизмнинг моҳияти ва унга қарши кураш. //Суд-хукуқ ислоҳотлари назария ва амалиёт. Конференция материаллари.-2001. -Б. 38-45.

9. Абдурасулова Қ.Р., Эшонкулов У. Терроризмга қарши кураш ҳақида. // Ж. Хукуқ-Право-Law. –2000 . №1. –Б. 88-91.

10. Б.Ж.Матмуратов. Борьба с терроризмом // Терроризимга қарши кураш илмий амалий ва назарий муаммолар. Илмий-амалий анжуман маъруза матн. –Т.: ТДЮИ, 2002. –Б.20-23.

11. Бакунов П.Б., Эрматов О. Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштирувчи восита сифатида.// Терроризмга қарши кураш илмий амалий ва назарий муаммолар. Илмий-амалий анжуман маъруза матн. –Т.: ТДЮИ, 2002. -Б.-32-35.

12. Зокирова О.Ф. Терроризмга қарши кураш халқаро муаммолари. // Терроризмга қарши кураш: Илмий амалий ва назарий муаммолар. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. (Б.Ахроров, А.Алламуратов билан ҳаммуаллифликда).- Т.: ТДЮИ, – 2002. -Б. 28-32

13. Кабулов Р., Раҳмонкулов А.Х. Терроризм ва уюшган жиноятчилик билан курашнинг хукукий асосларини такомиллаштириш тўғрисида.// Терроризмга қарши кураш: Илмий амалий ва назарий

муаммолар. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 0- Т.. ТДЮИ, 2002. -Б. 72-76.

14. Қобулов Р., Раҳмонқұлов А.Х. Терроризм, Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқукий асосларини такомиллаштириш// Экстремизм, терроризм, грухий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. -Б.72-74

15. Кобилов Ш.Р., Таджиханов Б.У. Ислом Каримов терроризм хавфи тўғрисида. Рисола.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. -192 б.

16. Крутъко О. Некоторые проблемы квалификации терроризма. //Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. Халқаро конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2002. -С.245-252

17. Мирзаев Т. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилишнинг айrim жиҳатлари ва ушбу жиноий ишларнинг ўзига хос хусусиятлари. Рисола.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, –2000. -4 б.т.

18. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчиллик: Унинг илдизи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак? Рисола.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2000. -6 б.т.

19. Матмуратов Б.Ж.// Терроризмге қарши гурес. -Адам ҳэм Нызам. -14 апрель -2001.

20. Ниёзова С. // Геноцид учун жиноий жавобгарлик. -Инсон ва қонун. -16 февраль. –2003.

21. Ниёзова С. // Ёлланиш: унга нисбатан қандай жиноий жавобгарлик бор. -Инсон ва қонун. -4 апрел. -2003.

22. Ниёзова С., Халикулов У.Ш. Терроризмга қарши кураш ҳаммамизнинг вазифамиз// Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. -Т.: ТДЮИ, 2002.-Б.109-113.

23. Норбоев А., Исматуллаева Ш.С. Терроризм даҳшатли қиёфа. // Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. Конференция материаллари -Т.:ТДЮИ, 2002. –Б.113-115.

24. Пайзуллаев Қ.П., Абдуқодиров Ш.Ё. Терроризм умумбашарий муаммо. //Терроризмга қарши кураш: Илмий-амалий ва назарий муаммолар. Халқаро конференция материаллари. -Т.:ТДЮИ, 2002. -Б.113-120

25. Раҳмонқұлов А.Х., Қобулов Р. Терроризм, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқукий асосларини тако-

миллаштириш.// Экстремизм, терроризм, гурухий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари Илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999.-72-74 б

26. Сотиев И.А. Терроризм жинояти уюшган жиноятчиликнинг бир кўричиши ва уни олдини олишда рағбатлантирувчи нормани Қўллашнинг муҳимлиги.// Суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш - ҳозирги босқичдаги демократик ислоҳотларнинг асосий йўналиши (халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами) Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академичси 2002. -Б.95-98.

27. Таджиханов Б.У. Законодательное определение понятия терроризма в Республике Узбекистан.// Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. Халқаро конференция маъruzалар тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2002. -С.267-281.

28. Таджиханов Б.У. Преступления, связанные с террористической деятельностью //Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. Халқаро конференция маъruzалар тўплами. -- Т.: ТДЮИ ,2002. - С.184–187.

29. Таджиханов Б.У. Принципы и критерии классификации современного терроризма.//Ж. Ҳуқуқ-Право-Law. ---2002.-№7. –С. 78–82.

30. Таджиханов Б.У. Терроризм. унинг қиёфаси ва талқини ёхуд у ҳакда яхлит тушунча.//Ж. Ҳуқуқ-Право-Law —2000 .№3. -Б. 54–57.

31. Тохиров Ф., Абдурасулова К. Терроризмнинг сабаблари ва унинг олдини олиш муоммалари.//Терроризмга қўғлини кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар, ҳалқаро конференция материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2002. -Б. 9-15.

32. Тохиров Ф., Абдурасулова Қ.Р. Терроризмнинг сабаблари ва унинг олдини олиш муаммолари. //Терроризмга қарши кураш: назария ва амалиёт, конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2002. Б.15-21

33. Халикулов У., Ниёзова С. Терроризмга карши кураш ҳаммамизнинг вазифамиз.// Терроризмга карши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар, ҳалқаро конференция материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2002. -Б. 109-110.

34. Якубов А.С., Таджиханов Б.У. Объект терроризма. //Ж. Давлат ва ҳуқуқ. – 2003. -№5. – С. 60-65.

9-Мавзу: Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Давлатга хоинлик қилиш жиноятининг тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 2) Жосуслик жинояти тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 3) Қўпорувчилик жинояти тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 4) Давлат сирларини ошкор қилиш жинояти тушунчаси ва юридик таҳлили.

1-масала

Чет давлатнинг агентураси ўзининг Ўзбекистондаги агенти сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароси К.ни ёллашди. К. уларнинг топшириғига кўра ҳарбий сир ҳисобланган маълумотларни етказиш билан шуғулланди.

К.нинг харакатларини квалификация қилинг.

2-масала

Давлат сири ҳисобланган маълумотларни сир сақлаши лозим бўлган МХХ ходими Д. ўз хонасида шу ҳужжатлар билан танишиб чиқаётган вақтда уни бошлиғи чақириб қолди. У эшикни ёпмасдан ҳужжатларни стол устида қолдириб кётди.

1-вариант: Д. хонасидан чиқиб кетди ва ушбу ҳужжатни унинг ҳамкаси Б. суратга олди ва чет давлат агентурасига юборди.

2-вариант: Д. хонасидан чиқиб кетди, лекин унинг хонасига ҳеч ким кирмади.

3-вариант: Д. хонасидан чиқиб кетди ва давлат сири ҳисобланган ҳужжатлар йўқолди.

Д. ва В.ларнинг харакатларини квалификация қилинг.

3-масала

Давлат сири ҳисобланган маълумотларни сир сақланиши ишониб топширилган Р. ўзида ушбу ҳужжат бир нусха эканлиги ва мухим аҳамиятига эга эканлигини инобатга олиб, моддий ҳақ эвазига уни йўқ қилиб юборди.

Р.нинг харакатларини квалификация қилинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Давлатга хоинлик қилиш объектив томондан қандай шаклларда содир этилши мумкин.

- А) душман томонга ўтиш;**
- Б) жосуслик;**
- В) давлат сирларини чет эл давлатларига етказиш;.**
- Г) ҳаммаси тұғри.**

2. Давлатга хоинлик қилиш жиноятынинг субъектив томонини аниқланг.

- А) тұғри қасд;**
- Б) әгри қасд;**
- В) үз-үзига ишониш;**
- Г) беларволик.**

3. Құпорувчилик жиноятынинг объективини аниқланг.

- А) Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги;**
- Б) Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми;**
- В) Ўзбекистон Республикаси іктисодий хавфсизлиги;**
- Г) Фуқароларнинг хуқук ва эркинликлари.**

4. Құпорувчилик жиноятынинг объектив томонини аниқланг.

- А) одамларни қириб юбориш;**
- Б) одамларнинг соғлиғига зиён етказиш;**
- В) одамларнинг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш;**
- Г) ҳаммаси тұғри.**

5. Давлат сирлари бүлган маълумотларни етказиш усули жиноятларни квалификация қилиш учун аҳамиятта әгами?

- А) ха, эга;**
- Б) йўқ, эга эмас;**
- В) ҳолатга қараб;**
- Г) А ва Б жавоблар тұғри.**

6. Давлат сирларини ошкор қилиш жиноятынинг объективини аниқланг.

- А) давлат суверенитети;**
- Б) давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги;**

- В) давлатнинг мудофаа қобилияти;
- Г) барча жавоблар тұғри.

7. Давлат сирларини ошкор қилиш жиноятининг субъектив томонини аниқланг.

- А) қасд;
- Б) әхтиётсизлик;
- В) түғри қасд;
- Г) барча жавоблар түғри.

8. Күпорувчилик жиноятининг объектив томони бүлган одамлар соғлиғига зиён етказиш – бу:

- А) икki ёки ундан ортиқ кишининг ўлими;
- Б) икki ёки ундан ортиқ кишига үртача оғир ёки оғир тан жароҳат етказиш;
- В) ашё, буюмларни қисман яроқсиз ҳолга келтириш;
- Г) портлатиш ёки сув бостириш.

9. Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларии йўқотиш жиноятининг субъектини аниқланг.

- А) 16 ёшга тўлган ҳар қандай фуқаро;
- Б) 16 ёшга тўлган хизмат ёки касб юзасидан, давлат сири ёки ҳарбий сир ишониб топширилган шахс;
- В) 18 ёшга тўлган маҳсус субъект;
- Г) 18 ёшга тўлган ҳар қандай фуқаро.

10. Агар давлат сири билан муомалада бўлиш қоидалари бузилмаган, лекин улар йўқотилган бўлса қандай квалификация қилинади.

- А) Жосуслик, ЖК 160-моддаси билан;
- Б) давлат сирини ошкор қилиш, ЖК 162-модда;
- В) жиноят таркиби йўқ;
- Г) давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш билан, ЖК 163-модда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (91-модда).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида"ти Конуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ти Конуни.
4. Махкамбаев П.А. Подрывная деятельность иностранных спецслужб на территории Афганистана и Средней Азии в XIX – XX вв. //Ж. Сборник СНБ Республики Узбекистан. – 1995. – №2.-С.28-30.
5. Махкамбаев П.А. Правовые регулирование режима государственной границы Республики Узбекистан // Мустақил Ўзбекистон фалсафа ва хуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. - Т.:Ўзбекистон, 1996.- С. 15-17.

ШІ БҮЛІМ. ИҚТІСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

10-Мавзу: Үзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари тушунчаси (6 соат)

1-машғұлот:

- 1) Үзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари тушунчаси ва белгилари.
- 2) Босқинчилік жинояты тушунчаси ва турлари.
- 3) Товламачилик жинояты тушунчаси ва турлари.

2-машғұлот:

- 1) Талончилик жиноят тушунчаси ва белгилари.
- 2) Үзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояты тушунчаси.

3-машғұлот:

- 1) Фирибгарлик жинояты тушунчаси ва турлари.
- 2) Үғрилик жинояты тушунчаси ва турлари.

1-масала

А. меҳмонда бўла туриб, ушбу хонадонга келган фуқаро X.ни хонадон ошхонасида ошхона пичоги билан қўрқитиб, эгнидаги нархи 8.000 сўмлик кўк жинси шимини, қўлидаги нархи 1000 АҚШ доллари бўлган соатни тортиб олган ва қочиб кетган.

А.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

2-масала

М. маст холда пичноқ билан қуролланиб, С.Рахимов тумани Сағбон қўчасида «Матиз» русумли автоуловни бошқариб келаётган фуқаро Ж.ни тўхтатиб, уни «Тутзор» маҳалласида жойлашган мактаб биноси орқасига бошлаб келиб, ўша ерда ҳайдовчи Ж.га хужум қилиб, пичноқ билан юзига бир неча маротаба уриб тан жароҳати етказиб, унга тегишли бўлган 12 млн. сўмлик оқ рангли «Матиз» русумли автоуловини эгаллаб, воқеа жойидан ҳайдаб кетган. Сўнгра Тошкент вилояти Тошкент туманига киришдаги С.Рахимов туманида жойлашган блок постда хизматини ўтаётган ЙПХ ходимларининг

тўхташ ҳақидаги қонуний талабларига бўйсунмай фаол қаршилик кўрсатиб, ўтиб кетиб автоуловни Тошкент вилояти Тошкент тумани Садо кўчасидаги бетон тўсиққа урган. Натижада жабрланувчи Ж.нинг Матиз автоуловига жами 2 500 000 сўм моддий зарап етказган.

Суд тиббий экспертиза хulosаларига кўра Ж.га «соғлики қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати» етказилгани аниқланган.

М.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

3-масала

Р. жиноий шериклари К. ва У.лар билан жиноятларни содир этиш мақсадида, Р. бошчилигида уюшган жиноий гурӯҳ тузган, тузилган жиноий гурӯҳ, содир этиши лозим бўлган жиноятлар режасини тузиб, жиноий гурӯҳ аъзоларининг ҳар бирига роллар тақсимланган, шундан сўнг уюшган жиноий гурӯҳ аъзолари ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида, соат 19.00ларда Чилонзор туманида жойлашган Ўзбекистон Жаҳон Тиллари университети ётоқхонаси яқинида фуқаро Ш.ни тўхтатиб, олдиндан тузилган жиноий режага мувофиқ ундан шахсини тасдиқловчи хужжат кўрсатишни талаб килганлар, Ш. уларга Ўзбекистон Миллий университети томонидан берилган фалсафа факультетининг кундузги 1-курс талабаси эканлигини тасдиқловчи талабалик гувоҳномасини кўрсатган, шунда Р. олдиндан тузилиб олинган жиноий режага асосан Ш.га тегишли бўлган талабалик гувоҳномасини ғаразгўйлик мақсадида эгаллаб олган, сўнг Р. ва унинг шериклари Ш.ни қўкрак қисмига муштлари билан уриб, боши ва юз қисмига бир неча маротаба тепиб, дўппослаб, тан жароҳати етказиб, унга тегишли бўлган «Нокия» русумли нархи 400.000 сўмлик уяли алоқа телефонини ҳамда нархи 50.000 сўмлик телефон ғилофини ва 150.000 сўмлик пулинни талон-торож қилишиб, унга моддий зарап етказиб, жиноят жойидан яширганлар.

Суд тибиёт экспертизасининг хulosасига кўра Ш.да оғирлик даражаси бўйича «енгил» тан жароҳатлари аниқланган.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

4-масала

Н. соат таҳминан 22:00 ларда бойлик орттириш мақсадида, ўзининг танишлари К. ва вояга етмаган Х.лар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, Мирзо Улугбек туман Бобур кучаси 35-уй

олдида бўла туриб, ўша ердан ўтиб кетаётган Б. ва А.ларга ҳужум қилиб, уриб дўппослаб тан жароҳати етказиб, Б.га тегишли бўлган қиймати 150.000 сўмлик аёллар сумкасини ва унинг ичидаги 600.000 сўм нақд пулини, қиймати 300.000 сўмлик «LG» русумли уяли телефон аппаратини, қиймати 150.000 сўмлик аёллар парфюмериясини, А.нинг эса қиймати 350.000 сўм бўлган «SAMSUNG-250» русумли уяли телефон аппаратини эгаллаб воеа жойидан яширинган. Дастребаки тергов жараённида етказилган зарар тўлиқ қопланилган.

Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, А.нинг олган тан жароҳати соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати деб баҳоланган.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

5-масала

Д. ва С.лар кафеда ҳордик чиқариб ёлғиз қайтиб кетаётган И.ни ҳуриб қолиб, уни ёлғиз кетаётганидан фойдаланиб, унинг сумкасини гортиб олиб, унинг ичидаги 200.000 сўм пулларини олган вақтида И. улардан қочиб кетаётгандан И.ни уришиб, унга нисбатан зўрлик ишлатиб мажбуран ўзларининг машинасига ўтқазишиб, шаҳар четида жойлашган тош кони (каръер)га олиб боришиб И.ни уриб, унинг устидаги уст-бошларини ечишини талаб қилиб, ярим яланғоч ҳолга келтириб, унинг қулогида бўлган нархи 3000.000 сўмлик бир жуфт тилла сирғалари, нархи 800.000 сўмлик тилла браслетини қўлга киритиб, воеа жойидан яширинадилар.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

6-масала

Х. Л. билан олдиндан жиноий тил биритириб, Учтепа туманида жойлашган «Фарҳод деҳқон бозори» худудида, ўзининг ҳовлисида етиштирган 5 қоп сабзиларни сотиш учун олиб келган фуқаро Э.га дўқ қилиб, факат унга сабзиларни сотиш учун беришга ёки улуш беришга мажбурлаб, бўлмаса бозорда сабзиларни соттирмаслиги ҳақида қўркитиб, Э.га тегишли 5 қоп сабзиларни олиб қўйиб, сабзиларни сотиб юбориб, ҳар бир қоп сабзидан 2 000 сўм, жами 10 000 сўм микдорда улуш олиб қўйиб, Э.га жами 10 000 сўм микдорда моддий зарар етказган.

Шунингдек, улар фуқаро О.ни сотиш учун олиб келган 2 қоп 100 кг. сабзиларни анча арzon нархда унга беришини талаб қилиб, ушбу сабзиларни олиб қўймокчи бўлганида, О. йиғлаб шовқин кўтариб, бошқа фуқароларни ўзига жалб қилганлиги учун X. ва Л.лар ўз ҳаракатларини охирига етказа олмаган ва воқеа жойидан яширган.

Улар фуқаро Т. сотиш учун олиб келган 5 қоп жами 250 кг. сабзиларни мажбурлаб у сотиб олишини ва анча арzon нархда беришини қўркитиб, талаб қилганда, Т. 5 қоп 250 кг. сабзиларини унга арzon нархда беришга бош тортганидә унинг соғлигига ўртacha оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

7-масала

М. ИИБ профилактика инспектори ўзининг хизмат кўрсатадиган ҳудудига кирмайдиган шу тумандаги хонадонлардан бирида Р.нинг рўйхатдан ўтмаган ҳолда ижарада истиқомат қилиб келаётганлигини билиб, ушбу ҳолатдан ўзининг ғараз ва паст ниятларида фойдаланиш мақсадида Р.га қонуний чора кўрмай улар билан тил бириктириб, хонадонга бесоқолбозлик билан шуғулланувчи моддий жиҳатдан таъминланған шахсларни жалб қилиб, уларнинг мулкини товламачилик йўли билан кўлга киритишни режалаштирган.

Жиной режага кўра, М. Р.нинг ижарада турган хонадонига моддий жиҳатдан яхшироқ таъминланган, Р. томонидан алдаб жалб қилинган шахсларни бесоқолбозлик билан шуғулланаётган вақтида хонадонга бостириб кириб, шериклари Э.га бесоқолбозлик билан шуғулланаётган шахсларни видеотасвирга туширишни топшириб, бесоқолбозларни ушлаб милиция таянч пунктига олиб келиши, шериги Б. эса мижозларни топиш ва товламачилик йўли билан уларнинг мулкини кўлга киритиш мажбуриятини ўз зиммасига олиши лозим бўлган.

Шундай қилиб, ўзаро келишилган жиной режага асосан соат 21.00лардан ошганда ушбу хонадонга Б. фуқаро А.ни алдаб олиб келган. Э. бу ерда бесоқолбозлик билан шуғулланаётган ҳолатни видеотасвирга туширади. Режага кўра милиция инспектори М. шу ерга етиб келади, А.ни милиция таянч пунктига олиб келади.

Б. А.ни бесоқолбозликда айблаб, қаматиб юбориш ҳамда видеотасвирни унинг иш жойи, таниш-билишларига кўрсатиш билан қўркитиб, мажбурлаб бесоқолбозлик билан шуғулланаётганлиги

ҳақида тушунтириш хати ёздириб олиб, А.дан 2.000 АҚШ долларини беришликни талаб қилған.

Б. А.дан пулнинг бир кисми 500 АҚШ доллари олаётган вактда ҳукукни ҳимоя қилиш идораси ходимлари томонидан қўлга олинган.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

8-масала

И. “Сервис” ХК Интернет кафесида нархи 250.000 сўмлик «Меркурий-115-Ф» русумли касса аппаратини яширин равища олаётганида мазкур ҳолатни фуқаро Ш. кўриб қолиб, уни тўхтатмоқчи бўлганига қарамасдан, касса аппаратини олиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари И. ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, кечаси Зафаробод кўчаси 68-хонадонда яшовчи У.ни уйини орқа ховлисига кириб, у ердаги айвонда турган нархи 50.000 сўмлик гиламни олиб воқеа жойидан яширинмоқчи бўлганида ашёвъӣ далил билан ушланган.

И.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

9-масала

Т. қўли билан фуқаро Л.нинг юзи ва қулоғига уриб, оёғига тепиб йиқитиб қўлидаги нархи 520 000 сўм бўлган «Sony Ericson» W800 русумли уяли телефонини тортиб олиб, воқеа жойидан яширинган.

Суд тиббий экспертизаси хulosасига кўра, Л.га «Енгил» тан жароҳати етказилганлиги аниқланган.

Т.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

10-масала

Д. вояга етмаган М. билан олдиндан тил бириктириб, автобусда кетаётган вактда Н.нинг сумкасида бўлган нархи 220.000 сўмлик бўлган «Моторола MS-500» русумли уяли телефон аппаратини яширин ҳолатда олаётган вактда Н. буни кўриб қолди ва бақирди. Натижада Д. ва М.лар телефонни ерга ташлаб, қочиб кетишиди.

Д.ва М.ларнинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

11-масала

Л. маъмуриятнинг топшириғига биноан хизмат сафарида бўлди. У хизмат сафарида бўлган вақтда танишининг уйида яшади, лекин у меҳмонхонада яшади деган маълумотнома тақдим қилиб, берилган маълумотнома асосида бухгалтериядан пул олди.

Л.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

12-масала

Н. туман марказидан узоқда жойлашган телевизор дўконидаги телевизорларни ўғирлаш мақсадида у дўконнинг эшигини бузди. Эшикни очгач Н. ўша ердаги таниши О.нинг гаражига ўғирланган телевизорларни биттадан олиб бориб ташлади. Н. дўкондаги тўртинчи телевизорни олиб чиқиб кетаётган вақтда кўлга тушди.

Н. ва О.ларнинг ҳаракатларига баҳо беринг.

13-масала

А. ва П.лар ўзаро келишиб, фуқаро Д.нинг уйига кириб, унинг 1500000 сўмлик мулкини олиб чиқиб кетишиди. Орадан 3 кун ўтгач улар кўчада кетаётган Ш.нинг нархи 2000000 сўмлик тилла занжирини олиб қочишиди. Бундан ташқари улар шу маҳаллада яшовчи В.га янги машина олиб берамиз, деб ундан 7500 АҚШ долларини олишиди ва уни қайтаришмади.

А. ва П.ларнинг ҳаракатларига баҳо беринг.

14-масала

Д. ўзининг таниши Х.нинг уйига келди. Мехмондорчилик вақтида улар спиртли ичимлик истеъмол қилишиди. Х.нинг мастилигидан фойдаланган Д. унинг костюмидаги 150000 сўм пулини ва қўлидаги нархи 500000 сўмлик тилла узугини олиб кўйди.

Д.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

15-масала

Л. таниши Н.га 3 ойга 2000 АҚШ долларини берди. Белгиланган муддат етгач Н. пулни бермаслик учун ҳар хил баҳона қила бошлади.

Бундан жаҳли чиққан Л. қарзни бир ҳафта ичида қайтартмаса Н.ни ёки унинг оила аъзоларидан бирини ўлдириш билан кўрқитди.

2-вариант: Л. Н.дан берган қарзини фоизи билан кўшиб қайта-риши талаб қилди.

Л.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

16-масала

Р. ва С. лар ўзаро келишиб, фуқаро В.нинг уйида йўқлигидан фойдаланиб, унинг уйига ўғирликка тушди. Улар барча нарсаларни олиб чиқиб кетмоқчи бўлганда уйнинг эгаси В. келиб қолди.

1-вариант: Р.ва С.лар олинган нарсаларни В.нинг бақирганига қарамасдан олиб қочишиди ва яширинишиди.

2-вариант: Р.ва С.лар олинган нарсаларни ташлаб қочишиди.

3-вариант: Р. ёнидан пичоқ чиқариб, В.ни қаршилик қиласа ўлдиришини айтиб, олинган нарсаларни олиб чиқиб кетди.

Р. ва С.ларнинг ҳаракатларига баҳо беринг.

17-масала

Ж. танаффус вактида аудиторияда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, курсдоши Й.нинг шкафга илиб қўйган костюмининг чўнтағидан 20000 сўм пулни ва нархи 150000 сўмлик телефонини олиб қўйди.

Ж.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

18-масала

С. таниши М.нинг ўзига тўқ эканлигини билиб, уни уйи олдида кутиб турди. М. уйига яқинлашгач, С. ёнидаги пичоғини чиқариб, ундан 2000 АҚШ доллари беришини талаб қилди. М. ёнида 200 АҚШ доллари борлигини, қолган пулни бир ҳафта ичида беришини айтди. М. қолган пулни бир ҳафтадан кейин олди.

2-вариант: М.нинг ёнидан пул чиқмади, пулни эса бир ҳафта ичида тайёрлаб беришини айтди. С. пулнинг ҳаммасини бир ҳафтадан кейин олди.

С.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

19-масала

К. таниши Н. билан олдиндан тил бириктириб, фуқаро А.ни унга чет элга кетяпмиз, савдо фаолияти билан шугулланамиз, шу сабабли

пул бериб туринг деб, 2.000 АҚШ доллар пулини олган ва ўз эҳтиёж-ларига ишлатиб юборган. Тергов вақтида К. ва Н.лар 2.000 АҚШ доллар пулни А.га тўлиқ қайтариб берган.

К.ва Н.ларнинг ҳаракатига баҳо беринг.

20-масала

Ф. Қозогистондан “Мерседес” машинасини божхона назоратини четлаб, яширин равишда олиб ўтди ва машина ҳужжатларини қалбакилаштириди. Буни билиб қолган Ф.нинг қўшиниси П. ундан агар 1000 АҚШ доллари бермаса, Ф. олиб келган машинаси белгиланган тартибда расмийлаштирмаганлигини тегишили органларга айтиб мурожаат қилишини айтди.

Қилмишга баҳо беринг.

21-масала

Ҳеч қаерда ишламайдиган Ф. фуқаро М.га уни «Божхона Академия»сида катта лавозимда ишлайдиган таниши борлигини айтиб, 8.000 АҚШ доллари микдорда пуллар берган тақдирида М.нинг ўғлини «Божхона Академия»сига ўқишга жойлаб қўйишини маълум қилди.

1-вариант: Ф. пулни олди ва қочиб кетди.

2-вариант: Ф. пулни олди ва М.нинг ўғлини ўқишга олиб кирди.
Ф.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

22-масала

Т. Абдуллаева кўчасида О.га тегиши бўлган ВАЗ 2109 русумли автомашинасини ҳайдовчи томонидаги эшигини қулфини қайчи билан бузиш йўли билан очиб, автомашинанинг ичидаги турган нархи 150.000 сўмлик «SAMSUNG» русумли уяли телефонини яширин равишида олиб воеа жойидан яширинмоқчи бўлган вақтида Тошкент шаҳар ИИББ ЖКва ТКБ ТКБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар давомида Т. ушланиб, ёнидан «SAMSUNG» русумли уяли телефон тинтуб пайтида аникланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Т.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Талон-тарож қилиш предмети ...

- А) ўзгаларнинг мулки;
- Б) ўзгаларнинг ҳаёти;
- В) ўзгаларнинг соғлиги ва мулки;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

2. Фирибгарликнинг талон-тарождаги ўғрилик, талончилик, босқинчилик шаклларидан фарқини кўрсатинг.

- А) айбдорнинг мансабини сунистеъмол қилиши;
- Б) жабрланувчининг айбдорга ишонгани ёки алдангани;
- В) жабрланувчининг айбдордан қўрққани ёки тобеълиги ;
- Г) барча жавоблар тўғри.

3. Босқинчилик обеъктив томон тузилишига кўра қандай таркибли жиноят ҳисобланади?

- А) моддий таркибли;
- Б) кесик таркибли;
- В) формал таркибли;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

4. Субъектив томондан товламачилик қандай содир этилади?

- А) тўғри қасд билан;
- Б) эгри қасд билан;
- В) эхтиётсизлик орқасидан;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

5. Обеъктив томондан талончилик ...

- А) ўзганинг мулкини кўрқитиб олишда ифодаланади;
- Б) ўзганинг мулкини тортиб олишда ифодаланади;
- В) ўзганинг мулкини ошкора талон-тарож қилишда ифодаланади;
- Г) ҳамма жавоб тўғри.

6. Талончилик жиноятигининг субъекти неча ёш?

- А) 14 ёшга тўлган ақли расо шахс;
- Б) 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;
- В) 15 ёшга тўлган ақли расо шахс;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

7. ЖК 166-моддасига мувофиқ талончиликнинг икки турини аникланг.

- А) зўрлик ишлатиб, ишлатмасдан содир этилган талончилик;**
- Б) зўрлик ишлатиб, очиқ содир этилган талончилик;**
- В) зўрлик ишлатмай, пассив содир этилган талончилик;**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

8. Қачон талончилик тамом бўлган жиноя - деб топилади?

- А) мол-мулкни қўлга киритиш пайтида;**
- Б) ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш имкониятига эга бўлган пайтдан;**
- В) жиноий ниятни амалга ошироқчи бўлган пайтдан;**
- Г) барча жавоблар тўғри.**

9. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятининг обеъктини аникланг.

- А) ўзганинг мол-мулки;**
- Б) ўзганинг мол-мулки ва соғлиги;**
- В) айбордога тегишли мол-мулк;**
- Г) айбордога ишониб топширилган мулк.**

10. Растрата деганда ...

- А) мол-мулкка зиён етказиш;**
- Б) қонунга хилоф равища ўзганинг мулкини тортиб олиш;**
- В) қонунга хилоф равища ўзганинг мулкини бегоналаштириш тушунилади;**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равища қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» ги З-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 15 марта «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошка ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» ги 9-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд

амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида» ги 11-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкини ўгрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги 6-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида» ги 8-сонли қарори.

7. Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» ги 31-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори.

10. Абдурасурова К.Р. Квалификация вымогательства, совершенного повторно. // Ж. Научные труды Академии финансовой полиции. Астана. – 2003. №1. – С. 104-114.

11. Абдурасурова К.Р. Фирибагарликни пора олиш-беришдан фарқлаш масалалари. // Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа ва хукуқ фанларининг долзарб муаммолари. –Т.: Фан, 1995. – Б. 48-52.

12. Абдурасурова К.Р. Ответственность за мошенничество и получение кредита путем обмана. // Мустақил Ўзбекистонда фалсафа ва хукуқ фанларининг долзарб муаммолари. —Т.: Фан, 1994. – С. 48-52.

13. Абдухаликов М.А. Конструкция статьи об ответственности за вымогательство. // Новые Кодексы Республики Узбекистан: теория и практика. Терроризмга қарши кураш: назария ва амалиёт, конференция материаллари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Олий мактаб, 1994. -С 121-123.

14. Абдухаликов М.А. О некоторых квалифицирующих обстоятельствах вымогательства. // Конституция – хукукий давлат қуришнинг асоси, илмий-амалий анжуман. -Т.: ТДЮИ, 1996. -С.45-50.

15. Абдухаликов М.А. Психическое насилие – как средство завладения имущества в вымогательстве, грабеже и разбое. // Ўзбекистоннинг мустақил ҳукукий йўли: тажриба ва муаммолар, илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: Камалак, 1994. -С.124-126.

16. Абдухаликов М.А. Пути совершенствования социально профилактических мер по предупреждению вымогательства, совершенных несовершеннолетними. // Балоатга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳукуқбузарликнинг олдини олиш бўйича ҳукуқни муҳофаза этиш идоралари фаолиятини мувофикаштириш муаммолари мавзусидаги илмий амалий анжумани материаллари. -Т.: Гулистон, 1996. -С.50-58.

17. Абдуқодиров Ш.Ё. // Товламачилик учун жиноий жавобгарлик. – Инсон ва қонун. – 25 октябр. – 2005.

18. Абдухаликов М.А. О некоторых квалифицирующих обстоятельствах вымогательства // Конституция – хукукий давлат қуришнинг асоси. Илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, 1996. -С. 58-59.

19. Бакунов П.Б. Жиноят қонунида ўғрилик учун жазони одиллаштириш мезонлари. // Суд-хукуқ ислохоти: назария ва амалиёт, конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2001. -Б. 28-31.

20. Кабулов Р. Бозор иқтисодиёти шароитида талон-торож қилишга қарши кураш.// Ж. Ҳукуқ-Право-Law. -1998. -4-сон. – Б. 40-43.

21. Кабулов Р. Имущество как предмет хищения // Ж. Экономика и статистика. –1997. – №2. – С. 38-40.

22. Қабулов Р. Мулкни талон-торож қилиш нима? // Ж. Ҳаёт ва қонун. –1996. – № 10-11. –Б. 50-53.

23. Кабулов Р. Особенности квалификации грабежа // Ж. Экономика и статистика. – 1997. – №7-8. – С. 64-65.

24. Қабулов Р. Разграничение кражи и мошенничества // Ж. Именем закона. –1997. –№3 –С. 73-74.

25. Кабулов Р. Разграничение хищения транспортного средства от угона. // Конституция ҳукукий давлат қуришнинг асоси, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 1996. -С. 203-207.

26. Кабулов Р. Совершенствование уголовного законодательства за хищение имущества // Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 1994. -С.110-113.
27. Қабулов Р. Талон-торож содир этиш усулига кўра шаклларида ажратиш. // Ж. Қонун ҳимоясида. -1996. -4-сон. -Б. 60-62.
28. Қобулов Р. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш тушунчаси ва белгилари. // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 1996. – 11 -12-сон. –Б. 56-60.
29. Кабулов Р. Уголовно-правовое значение форм хищения чужого имущества. // Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини шакллантириш муаммолари, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 1996. -С. 203-207.
30. Қабулов Р. Ўғрилик ва фиригарлик жиноятларининг фарқи // Ж. Қонун номи билан. –1997.-№3. –Б. 34-35.
31. Қабулов Р. Ўғрилик нима-ю, сохта тадбиркорлик нима? // Ж. Мулқор. – 1997. – 10-сон. – Б. 7.
32. Кабулов Р. Хищение как разновидность экономической преступности. // Ж. Экономика и статистика. – 1997. – №1. –С. 46-48.
33. Каракетов М., Алауов Е.О. Повторность как обстоятельство, отягчающее ответственность за вымогательство. Рисола. -Алма-Аты: Поиск.1997. – С. 120-129.
34. Кабулов Р. Понятие хищения чужого имущества и его ограниченение от смежных составов преступлений. (Монография).-Т.: Академия АВД Р.УЗ., 1997. – 133 с.
35. Каракетов М., Абдусаломов Е.О. Ответственность за вымогательство. Брошюра.- Т.: Адолат, 1997. – 89 с.
36. Матмуратов Б.Ж. Квалификация имущественных преступлений. // Ж. Вести Каракалпакстана. -1993. -№б. –Б.38-40.
37. Ниёзова С. Аёллар томонидан ўзгалар мулкини талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. // Ёш олимлар туплами. –2003. – № 6 –Б. 15-16.
38. Ниёзова С. Талончилик учун жиноий жавобгарлик. // Ж. Ҳаёт ва қонун. –2001. – 6-сон. – Б. 53.
39. Ниёзова С. Ўғирлик жинояти учун жавобгарлик масаласи. // Ж. Қонун ҳимоясида. 2001. – 10-сон. – Б. 10-12.

40. Ниёзова С. Ўзгалар мулкини иштрокчиликда талон-торож қилиш тушунчаси. // Ёш олимлар тўплами. –2003. –5-сон. –Б. 120-126.
41. Ниёзова С. Фиригарлик жинояти учун жиноий жавобгарлик. // Ж. Қонун ҳимоясида. – 2001. – 10-сон. – Б. 30-32.
42. Ниёзова С. Қаллоблик: иштрокчиликда ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг обьетив томонлари. // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2002. – 2-сон. – Б. 4-5.
43. Ниёзова С., Чориев С. //Фиригарлик учун жавобгарлик. - Инсон ва қонун. -21май.- 2004.
44. Рустамбаев М.Х. В соавторстве Криминальная экономика и насильственные преступления против собственности граждан. // Ж. Давлат ва ҳукуқ. – 2003. – № 4. – С. 36-40.
45. Рустамбаев М.Х. //Социальная обусловленность и вопросы уголовной ответственности за спекуляцию в условиях перехода к рыночной экономике. -Народное слово. -25 сентябр –1994.
46. Усмоналиев М. Харидор ва буюртмачиларни алдаш учун жавобгарлик борми? // Бозор иқтисодиёт шароитида савдо муносабатларни ҳукукий таъминлаш муаммолари мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004. –Б. 64-68.

11- Маву: Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш жинояти тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 2) Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жинояти тушунчаси.
- 3) Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш жинояти тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 4) Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жинояти тушунчаси ва турлари.

1-масала

Талабаларнинг ётоқхонасида тунги навбатчиликдаги қоровул О.нинг ҳаммомдаги сувни ўчириб қўймаганлиги сабабли биринчи ва иккинчи қаватларни сув босиб катта микдорда зарар етказилади.

О.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

2-масала

А., Р. ва Ш.лар ўзаро келишиб жиноий гурух тузиши. Олдиндан келишилган режага кўра А. ва Р.лар фуқаро Д.нинг уйига яширинча кириб, унинг уйидан жами 2000 000 сўмлик телевизор, камера ва тилла буюмларини ўтиглашди. Ш. эса ўтиланган нарсаларни сотиб берди ва улар пулни ўзаро бўлишиб олишди.

А., Р. ва Ш.ларнинг ҳаракатига баҳо беринг.

3-масала

С. ва А.лар биргаликда уйларига Чаманзор кўчасидан келаётиб кўчада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кўчаларни ёритиш учун ўрнатилган ҳар бирининг баҳоси 10000 сўмдан бўлган 20 дона жами баҳоси 200000 минг сўмлик фонар чироқларини тош билан уриб, синдириб, яроқсиз ҳолатга келтиришган.

С. ва А.ларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

4-масала

Автобусда кондуктор бўлиб ишловчи Р. йўловчилардан чипта учун пул олиб, олган пулини парк кассасига топширмасдан, ўзлаштириб юборган.

Р.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

5-масала

Р. ўғирлик йўли билан олган нархи 400000 сўмлик тилла занжирни ўзининг ҳуҷтори бўлган В.га совға қилди.

Қилмишга баҳо беринг.

6-масала

Фабрика коровули Н. тунги сменага узрли сабабларсиз бормади. Шу куни электр токининг қисқа туташуви туфайли фабрикада ёнгин содир бўлди ва корхонага жуда кўп микдорда зарар етди.

Фабрика коровули Н.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

7-масала

Машина трактор паркининг бош муҳандиси Р.нинг ўз касбига виждонсизларча муносабатда бўлиши натижасида қор ва ёмғир остида қолган корхонага тегишли эҳтиёт қисмлари занглаб яроқсиз аҳволга келди ва корхонага жуда кўп микдорда зарар етди.

Р.нинг қилмишига баҳо беринг.

8-масала

Муқаддам судланган Й. шу маҳаллада яшовчи фуқаро У.нинг уйидан нархи 1000 АҚШ доллари турадиган видеокамерани яширин равишда олиб кетди. Орадан 3 кун ўтгач туман ИИБ жиноят қидирув бўлими ходимлари гумон қилинувчи сифатида Й.нинг уйига келди. Жинояти фош бўлишидан қўрқкан Й. видеокамерани деразадан ташлаб юборди. Натижада видеокамера синиб, яроқсиз ҳслатга келди.

Й.нинг қилмишига баҳо беринг.

9-масала

Х. туман тадбиркорлик банкидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун 9000000 сўм кредитни З йил муддатга олди. Кредитни қайтариш муддати ўтиб кетганига қарамасдан, у олган қарзини қасдан қайтармади.

Х.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказишда жиноят субекти ёши

- A) 16 ёш ;
- Б) 14 ёш;
- В) 13 ёш;
- Г) 18 ёш.

2. Анча миқдордаги зарар деганда қанча миқдордаги зарар тушунилади?

- А) Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача;
- Б) Энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробаридан 100 баробаригача ;
- В) Энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробаридан 50 баробаригача;
- Г) Тўғри жавоб йўқ .

3. Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар қандай таркибли жиноятлар ҳисобланади?

- А) Моддий таркибли ;
- Б) Кесик таркибли;
- В) Формал таркибли;
- Г) Тўғри жавоб йўқ.

4. Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробаридан 300 баробаригача зарар етказиш қанча миқдор сифатида эътироф этилади?

- А) Кам миқдордаги зарар;
- Б) Анча миқдордаги зарар;
- В) Кўп миқдордаги зарар;
- Г) Ўртача миқдордаги зарар.

5. Мулкни қўриқлашга виждонсизларча муносабатларда бўлиш жиноятининг субъектив томони нима?

- А) тўғри қасд;
- Б) эгри қасд;
- В) жиноий бепарволик ёки ўз - ўзига ишониш тарзидаги эҳтиётсизлик;
- Г) А ва Б жавоблар тўғри.

6. Қандай ҳолатда мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказишида айбдорга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўлланилмайди?

- А) етказилган моддий зарар уч карра микдорда қопланган тақдирда;
- Б) нобуд қилинган мулк бошқаси билан алмаштирилса;
- В) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлса;
- Г) ярашилганлиги муносабати билан.

7. Жиноий йўл билан төслилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятининг субъекти ёши неча ёш?

- А) 16 ёш;
- Б) 14 ёш;
- В) 13 ёш;
- Г) 18 ёш.

8. Ахборотлаштириш қоидаларини бузишнинг ижтимоий хавфлилиги нимада?

- А) Инсоният фаолиятининг турли соҳаларидаги ҳар хил шахсларга жиддий равишида зарар етказишига реал хавф туғдиради;
- Б) Етказилган зарарнинг микдорида;
- В) Ундан келиб чиқадиган оқибатга боғлиқ;
- Г) Тўғри жавоб йўқ.

9. Ахборотни адаптация қилиш нима?

- А) Ахборотдан нусха олиш;
- Б) Ахборотни тарқатиш;
- В) Ахборотга қонуний эгасининг рухсатисиз турли тузатишлар киритиш;
- Г) Ахборотни босиб чиқариш.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилингандан кийин?

- А) 1994 йил 6 май ;
- Б) 1993 йил 6 апрел;
- В) 1995 йил 6 август;
- Г) 1996 йил 9 сентябр.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Атроф муҳитни муҳофаза қилиши ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 36-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарори.

3. Иваник Н. Объект приобретения или сбыта имущества, заведено добытого преступным путём. – Учён. зап. Сар. ЮИ, 1965, вып.12.

4. Волженкин Б.В. Отмывание денег.Санкт-Петербург.1998.

12-Мавзу : Иқтисодиёт ассоциации қарши жиноялтар (4 соат)

1-машғулот:

- 1) Ўзбекистон Республикасинин манфаатлариға хилоф равища битимлар тузиш жинояти тушунчаси ва турлари.
- 2) Қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни үтказиш ва валюта қимматликларини қонунга хилоф равища олиш ёки үтказиш. Жиноялтарининг тушунчаси ва турлари.
- 3) Сохта тадбиркорлик жи тояти тушунчаси ва юридик таҳлили.

2-машғулот:

- 1) Сохта банкротлик жинояти тушунчаси ва юридик таҳлили.
- 2) Божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш жинояти ва турлари.
- 3) Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти тушунчаси ва турлари.

1-масала

П. ва Р.лар Охунбобоев кўчаси 56 уйда қонунга хилоф равища спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланган. Текширув вақтида унинг уйидан 300 дона 35000 сўмлик қопқоқлар, 512 шиша жами 460000 сўмлик тайёрланган ароқлар, 37 литр 29800 сўмлик қадоқлашга тайёрлаб қўйилган ароқлар, 1100 дона 45000 сўмлик акциз маркалари, 425 дона 42500 сўмлик бўш шишалар топилиб холислар иштирокида ашёвий далил сифатида олиниб, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Экспертлар томонидан берилган хulosага кўра, П. ва Р.лар томонидан ишлаб чиқарилган алкоголь ичимликларга қалбаки акциз маркалари елимланганлиги аниқланган.

П. ва Р.ларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

2-масала

Туман ҳокими З. фермерлик билан шуғулланиш учун ариза берган К.га ер ажратиб бериши учун ундан 5000 АҚШ доллари талаб қилди. К. туман ҳокимига пулни сўмда бермоқчи бўлганда, у пулни сўмда олмаслигини айтди. Шундан сўнг К. туман ҳокимига 5000 АҚШ долларини бозорда чет эл валютасини сотиш билан шуғулланувчи таниши Н. дан сўмни АҚШ долларига алмаштириди ва

пулни ҳокимға берди. Туман ҳокими З. К.га келишилган ерни ажратиб берди.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатига баҳо беринг.

3-масала

Муқаддам валюта қимматликларини олгани учун маъмурий жазога тортилган Ш. туман бозорида таниши Р.га 100 АҚШ долларини сўмга алмаштириб бераётган вақтда қўлга тушди.

Ш.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

4-масала

Фирма бошлиғи Д.нинг буйруғига асосан дўконни бошқарувчи Н. томонидан “ОРЗУ” фирмасига қарашли дўкондаги барча назорат касса машиналари фискал хотираси ўзбошимчалик билан ноқонуний тарзда ўзгартирилди. Сотувчилар эса шу касса машиналари орқали савдо қилишди.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатига баҳо беринг.

5-масала

СВОЖККБ томонидан туман марказий дехқон бозори ҳудудида ўтказилган тезкор тадбир натижасида С. харидор Ю.га ўзида бўлган 1000 АҚШ долларини жами 1.300.000 сўм эвазига ўтказаётганлиги аниқланиб, 1000 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинган. Ўтказилган текшириш жараёнида С.нинг ёнидан 2000 АҚШ доллари, 3100 Россия рубли, 100 Қирғиз сўми борлиги аниқланиб холислар иштирокида баённома тузилиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

С.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

6-масала

Х. Қирғизистон Республикасидан 2000 АҚШ доллари эвазига 1995 йилда иштаб чиқарилган, ок рангли «Тико» русумли автомашинани сотиб олиб, яширин йўл билан Ўзбекистон Республикаси хуҷига олиб кирган ва фуқаро Ю.га 5000 АҚШ долларига сотиб келсуралан.

Бундан ташқари X. таниши М. билан келишиб, оқ рангли «Тико» русумли автомашина учун қалбаки техник паспорт тайёрлаб берган.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатига баҳо беринг.

7-масала

Р. ноқонуний равишда Тоҷикистон Республикасидан Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига олиб кир илган «товуқ оёклари» маҳсулотларини «Карвон бозори»га олиб келиб сотиб, ноқонуний даромад ортириш мақсадида, А. бошқарувида бўлган автомашинани ёллаб, автомашина ҳайдовчисига «тovуқ оёклари» маҳсулотларини ноқонуний равишда хорижий давлатдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини маълум қилмай «Карвон бозор»га олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзстандарт» агентлигига қарашли республика синов ва сертификатлаштириш марказининг маълумотномасига асосан товуқ оёклари маҳсулотлари учун сертификат олиш мажбурийлиги кўрсатилган.

Туман молия бўлими томонидан тақдим қилинган товар моддий бойликларни баҳолаш тўғрисидаги далолатномага асосан Р.га тегишли жами 1000 кг. АҚШ давлатида қадоқланган товуқ оёкларининг ҳар бир килограмми 3500 сўмдан бўлиб, жами 3.500.000 сўмга баҳоланган.

Тошкент вилояти Божхона бошқармасининг хатига асосан, жисмоний шахс томонидан бугунги кундаги қонун талабларига мувофиқ АҚШ давлатида ишлаб чиқарилган республикага олиб келинганида маҳсулот учун божхона ва акциз солиғи тўланиши кўрсатилган.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатига баҳо беринг.

8-масала

К. туман ҳокимиятининг қарори билан давлат рўйхатига олинган қурилиш билан шуғулланишга асосланган «QURILISH SERVIS» МЧЖнинг раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Бобур кўчаси 35-уйни юридик манзили деб белгилаб, лекин ушбу манзилда бир кун ҳам ишламасдан турли хил корхона ва ташкилотлар билан шартномавий алоқаларни амалга ошириб, бундан тушган пул маблағларини тегиши-

ли тартибда банк муассасалариға инкасация қилмасдан, ўзининг корхонада кўрсатган фаолияти давомида туман ДСИга ойлик хисоботларини топширмай келган. Шунинг оқибатида давлат бюджетига жуда кўп микдорда зарар етказган.

Бундан ташқари текширувда К. шакар маҳсулоти чакана савдо ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасига ва назорат касса машинасига эга бўлмаган холда шакар маҳсулотларини нақд пулга сотиб юборилганлиги, савдо тушуми эса банк муассасасига топширилмаганлиги маълум бўлди.

К.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

9-масала

Миллий өнгандарни туман бўлимида валюта операциялари билан шуғулланувчи Р. банкка 1000 АҚШ доллари олмоқчи бўлиб келган мижозга банкда АҚШ доллари йўклиги, лекин банк дарвозаси ёнида турган Л.да АҚШ доллари борлигини айтиб, мижозни Л.нинг ёнига юборди.

Айбдор шахсларнинг ҳаракатига баҳо беринг.

10-масала

Г. минерал сув ишлаб чиқарувчи фирма очди. Шунингдек у сув минерал сув ишлаб чиқариш билан биргаликда сифатли арок маҳсулотлари ҳам чиқара бошлади.

Г.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

11-масала

Фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун банкдан кредит олган Ж. олган пулига ўзи учун автомобиль сотиб олди.

Ж.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

12-масала

Музей ходими Д. таниши Ф.га XIX асрдаги пул бирлиги бўлган тилла тангаси борлигини айтди ва уни пул зарур бўлиб қолгани учун

арзонроқ сотишини Ф.га айтди. Д. бу танга қалбаки эканлигини билган холда уни Ф.га сотди.

Д.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

13-масала

Хусусий корхона раҳбари Ж. ўзининг янги курилаётган офисининг курилиш сметасини тузди ва уни куриш учун сметага асосан 35 000 000 сўм пул маблагини аҳратди. Лекин курилиш сметаси нотўғри тузилганлиги учун курилиш учун 40 000 000 сўм пул сарфланди.

Ж.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

14-масала

Туман электр тармоқлари корхонасида ишловчи Н. фуқаро З. нинг уйига электрдан фойдаланганлик учун тўловларни олишга келди. Электр хисоблагич бўйича З.нинг қарзи 150.000 сўмни ташкил қилган. З. Н.дан ушбу қарзларни камайтиришни илтимос қилди ва буни эвазига Н.ни рози қилишини айтди.

Н. электр хисоблагични орқага айлантириб, З.дан 100000 сўм пул олиб, 50.000 сўмга тўлов квитанцияси ёзиб берди. Айбдор шахсларнинг ҳаракатига баҳо беринг.

2-вариант: Н. рози бўлмади ва З. ўзи ўзбошимчалик билан электр хисоблагични орқага айлантириди.

15-масала

Г. божхона назоратини четлаб, яширин радиошда ўқотар қуролларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирган.

Г.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қуйидагилардан қайси бири ЖК 182-модда (божхона тўғрисидаги конун ҳужжатларини бузиш) жиноятигининг оғирлаштирувчи белгиси деб ҳисобланади?

А) божхона назоратини четлаб ёки ундан яшириб ўтказиш;

- Б) божхона ҳужжатларини ёки воситалариға үшшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда;
- В) ёриб ўтиш йўли билан;
- Г) декларация қилмасдан ёки бошқа номга декларация қилган ҳолда.

2. ЖК 177-модда мазмунига кўра (валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш) валюта қимматликларини ўтказиш деганда нима тушунилади?

- А) бундай қимматликларни вақтинча сақлаш учун бериш, шунингдек, уларни ҳадя қилиш ёки бошқача қонуний йўллар билан беғараз бериш (масалан мерос сифатида қолдириш);
- Б) валюта қимматликларини қарзга, уни пора сифатида бериш;
- В) валюта қимматликларини сотиш, алмаштириш, амалга оширилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун (шу жумладан, меҳнат шартномасига кўра) ҳақ тўлаш;
- Г) барча жавоблар тўғри.

3. ЖК 184- моддасида кўзда тутилган жиноят (солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) қачоидан бошлаб тамомланган деб ҳисобланади?

- А) бухгалтерлик ҳисобининг бирламчи ҳужжатларига ўзгартириш киритгандан бошлаб;
- Б) солиқ органларига ёлғон ҳисобот топширгандан бошлаб;
- В) солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан ўрнатилган солиқка тортишнинг тегишли даврида анча миқдордаги солиқларни амалда тўламагандан бошлаб;
- Г) солиқ органларига ҳисобга қўймаган вақтдан бошлаб.

4. Кўрсатилганларнинг қайси бири ЖК 182-моддасида кўзда тутилган жиноят предмети бўла олмайди (божхона қонунчилигининг бузилиши)?

- А) хорижий валюта, доривор воситалар;
- Б) диний экстремизм, фундаментализм, сепаратизм ғояларини тарғиб қилувчи материаллар;
- В) тарихий, илмий, маданий ёки бадиий қимматликлар;
- Г) диний экстремизм, фундаментализм, сепаратизм ғояларини тарғиб қилувчи материаллари ва тарихий, илмий, маданий ёки бадиий қимматликлар.

5. Сохта тадбиркорлик нима билан тафсифланади?

- А) Жиноят предмети билан;**
- Б) Жиноятнинг маҳсус ва мажбурий мотиви билан;**
- В) Жиноят маҳсус мақсади билан;**
- Г) Жиноят оқибатларининг мажбурий келиб чиқиши.**

6. Пул-буюм лотереяларни, ёки бошқа тўлов хужжатларини тайёрлаш ёки сохталаштириш қайси модда бўйича квалификация қилинади ?

- А) ЖК 176-модда (қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қофозлар ясаш, уларни ўтказиш);**
- Б) ЖК 168-модда (фирибгарлик);**
- В) ЖК 228-модда (хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш);**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

7. Сохта тадбиркорлик ташкилоти айбордор фойдасига ғайриқонуний мол-мулкни эгаллаш, алдаш ва ишончни сунистеммол қилиш йўли билан мол-мулкни тортиб олиш харакатларини амалга ошириш учун тузилган бўлса, айборд ...

- А) ЖКнинг 168-моддаси (фирибгарлик) билан жавобгарликка тортилади;**
- Б) ЖКнинг 179-моддаси (сохта тадбиркорлик) билан жавобгарликка тортилади;**
- В) жиноятлар жами тариқасида ЖКнинг 168 ва 179-моддалари билан жавобгарликка тортилади;**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

8. Сохта банкротлик жинояти қачон тугалланган деб ҳисобланади?

- А) хўжалик юритувчи субъектнинг кредиторларга кўп микдорда зарар етказилган пайтдан эътиборан;**
- Б) хўжалик юритувчи субъект хўжалик суди томонидан банкрот деб эълон қилингандан бошлаб;**
- В) кредиторлар ўзларига зарар етказилганлигини билгандан бошлаб;**
- Г) барча жавоблар тўғри.**

9. Субъектив томондан банкротликни яшириш жинояти ...

- А) тұғри қасддан содир этилади;
- Б) зәрі қасддан содир этилади;
- В) әхтиётсизликдан содир этилади;
- Г) А ва Б жавоблар тұғри.

10. Күйида күрсатыб үтилгандардан қайси бири қимматбақо металла рёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш жиноятининг предмети ҳисобланмайды ?

- А) олмос;
- Б) зумрад;
- В) сунъий қимматбақо тошлар;
- Г) платина.

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Қимматли қоғозлар ва фонд биржасы тұғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тұғрисида”ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Табиий монополиялар тұғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги “Энергиядан оқылона фойдаланиш тұғрисида”ги қонуни.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Маданий бойликлар инг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тұғрисида”ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Бюджет тизими тұғрисида”ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги “Банкротлик тұғрисида”ги Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 11 декабрдаги “Валютаны тартибга солиш тұғрисида”ги янги таҳrirдаги Қонуни

9. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тұғрисида”ги Қонуни.

10. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси.

11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлық тұғрисидаги кодекси (174-модда)

13. Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 6 июлдаги “Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тұғрисида” ПФ-2051-сонли Фармени.

14. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси худудида акциз маркаларини жорий этишга тайёргарлик күриш бўйича ташкилий чора-тад бирлир тұғрисида”ги №256-сонли қарори.

15. Узбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 агустодаги “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки Ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тұғрисида”ги 8-сонли қарори.

16. Узбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги “Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тұғрисида”ги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 2-сонли қарори.

17. Узбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 6 июннеги “Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин төммиганилик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар төммиидан кўлланилиши ҳақида”ги 6-сонли қарори.

18. Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев Ш.М. Валютные преступления: Пленум Верховного суда и вопросы квалификации. // Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари, мавзусидаги илмий-амалий конференция. - Т.: ТДЮИ, 2005. -С. 115-122.

19. Абдуқодиров Ш.Ё. Бюджет интизомини бузганлик учун жиноий жиынотгарлик масалалари. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноят ҳукуқий ва криминологик жиҳатлар), мавзусидаги конференция. -Т.: ТДЮИ, 2004. -Б. 43-45.

20. Абдуқодиров Ш.Ё. Гайриқонуний тадбиркорлик билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишининг айрим масалалари. // Ўзбекистонда суд-хукуқ ислохотлари, мавзусидаги халқаро симпозиум материаллари. Т.: ТДЮИ, 2004. -Б. 103-108.

21. Абдуқодиров Ш.Ё. Қонуний тадбиркорлик фаолияти олиб боришига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жиынотгарлик. // Ж. Давлат ва хукуқ – 2005.-2-сон. -Б 30-33 б.

22. Абдуқодиров Ш.Ё. Тадбиркорлар хукуклари ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишининг айрим масалалари. // Инсон хукуқ-

ларини суд ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари, конференция материаллари. -Т.: –ТДЮИ, 2005. -Б. 108-111.

23. Абдуқодиров Ш.Ё. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг конституциявий кафолатланиши. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - демократик давлат пойдевори, мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004. -Б. 109-113.

24. Абдурасулова Қ.Р. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш чоралари. // Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳукуқий таъминлаш муаммолари, илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2004. -Б. 56-64.

25. Абдурасулова Қ.Р., Абдуқодиров Ш.Ё. Иқтисодиётнинг муҳим шарти.// Ж. Ҳаёт ва қонун . –2004.- 3-сон.-Б. 89-90.

26. Абдухаликов М.А. Ответственность за сокрытие доходов с целью уклонения от налогов и других платежей. // Ж. Хозяйство и право. –2001. – №3. – С. 8-9.

27. Ахроров Б.Ж., Бакунов П. Қалбаки пул ёки қимматбаҳо қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш учун жиноий жавобгарлик ва унга қарши кураш муаммолари. // Ўзбекистон Республикасида демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш масалалари. илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. -Б. 116-122.

28. Ахроров Б.Ж., Алламуратов А. Иқтисодиёт ва айрим бошқа соҳадаги жиноятларни мансаб ваколатини сунистеъмол қилган ҳолда квалификация қилиш муаммолари. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий ҳукуқий ва криминологик жихатлар) мавзусидаги илмий-амалий конференция. -Т.: ТДЮИ, 2003. -Б 79-84.

29. Ахроров Б.Д. // Қалбаки пул.-Инсон ва қонун газетаси. – 21 май 2002.

30. Бакунов П.Б. Қимматбаҳо металлар ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларини бузгандлик учун жиноий жавобгарлик. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш маммолари (жиноий ҳукуқий ва криминологик жихатлар) мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. -Б 85-89.

31. Бакунов П.Б., Ниёзова С. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик масалалари. // Тад-

биркорликни қўллаб қувватлавш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари. -Т.: ТДЮИ, 2002. -Б. 162-165.

32. Зокирова О.Ф. Солик ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш тушунчаси. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (Жиноят хукуқий ва криминологик жиҳатлар), илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2003. -Б. 67-72.

33. Зокирова О.Ф. Солик жиноятчилигига қарши кураш самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари. // Давлат ва жамиятнинг демократик янгиланиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2002. -Б. 270-274.

34. Зокирова О.Ф., Абдурасулова Қ. Солик ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш чоралари. // Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини хукуқий таъминлаш муаммолари, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004. -Б. 56-64

35. Кабулов Р., Соттиев И.А. Жиноятга йўл қўймайлик (уюшган гурухлар томонидан банк кредитларини талон-торож қилишнинг олдини олиш тўғрисида). // Ж. Иқтисод ва ҳисобот. –1997. –3-сон. –Б. 33-34 .

36. Мамадалиев У.О., Кобилов Ш. Иқтисодий жиноятлар – миллий хавфсизликка таҳдид. // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2005. –Б. 194-196.

37. Ниёзова С. Солик ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик. // Табдиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2002. -Б.162-163.

38. Ниёзова С., Маматов Х. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузганлик учун жавобгарлик масаласи. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноят хукуқий ва криминологик жиҳатлар), мавзидаги илмий-амалий конференция. -Т.: ТДЮИ, 2003. -Б. 117-122.

39. Рустамбоев М.Ҳ., Абдурасулова Қ.Р. Солик ва бошқа тўловлардан бўйин товлашнинг ўхшаш жиноятлардан фарқлари. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчи-

ликка қарши кураш муаммолари (жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар), конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. -Б. 3-12.

40. Утемуратова С.Ш. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларнинг объектив томони белгилари. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар, мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. -Б.176-179.

41. Тохиров Ф., Реймбаев А. Божхона қонунларини бузиш субъектининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик тавсифи. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар), мавзусидаги илмий-амалий конференция. –Т.: ТДЮИ, 2003. -Б.166-170.

42. Эрматов F.O., Убайдуллаев И.Р. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти учун жавобгарлик тушунчаси. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар) мавзусидаги илмий-амалий конференция. –Т.: ТДЮИ, 2003. -Б.223.

13 - Мавзу: Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

1) Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун жавобгарлик.

2) Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равиша ишлаб чиқариш за муомалага киритиш жинояти учун жавобгарлик.

3) Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равиша ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун жавобгарлик.

4) Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равиша шуғулланиш жинояти тушунчаси ва турлари.

5) Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жинояти.

6) Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш жинояти тушунчаси ва юридик таҳлили.

1-масала

Т. ўзига шахсий мулк тариқасида тегишли ВАЗ-2101 русумли автомашинасида Тошкент вилояти Тошкент тумани Туляби қўргонига номаъдум шахсдан қаерда ишлаб чиқарилганлиги ноаниқ сигими 1,2 литрли 80 дона елим идишда жами 96 литр Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан елимланмаган этил спирти маҳсулотларини қайта муомала киритиш мақсадини кўзлаб 120.000 сўмга сотиб олган.

Шундан сўнг Т. ушбу спиртни ўзининг автомашинаси юкхонасига жойлаштириб Кўйлик бозорига сотиш мақсадида Тошкент ҳалқа автомобиль йўлидан кетаётганда хукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан тўхтатилган ва автомашина юкхонасида юқорида кўрсатиб ўтилган спирт маҳсулоти борлиги аниқланган.

Т.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

2-масала

К. туман дехқон бозори ҳудудида харидор А.га ҳажми 1,5 литр бўлган б дона умумий нархи 27 000 сўм елимли баклажкада спирт маҳсулотини сотган.

Акаси Ф.нинг туман солиқ инспекцияси бошлиғи эканлигидан фойдаланиб, спиртни сотиб олган А. ушбу спиртдан 60 та арок тайёрлаган ва уни жами 120.000 сўмга сотган.

Арокни истеъмол қилган битта шахс вафот этди, иккита шахс эса уч ой давомида касалхонада даволанди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

3-масала

В. ўзининг қишлоқ четидаги уйида мой ишлаб чиқарадиган мойжувоз ускунасини электр хисоблагачсиз ўрнатди. Ушбу мойжувозни унинг тоғаси пахта тозалаш заводида товаршунос бўлиб ишловчи Г. чигит маҳсулоти билан таъминлаб турган. Бунинг эвазига В. тоғаси Г.га ҳар ойда 2000 АҚШ долларидан бериб турган.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

4-масала

Ш. ва Б.лар ўзаро келишиб, томат паста маҳсулотини ишлаб чиқарувчи яширин (хуфёна) цех ташкил этишиб, икки йил давомида тайёрлаб келган. Улар фуқаро Х.га қарашли автомашинага 80 блок, яъни 400 дона цехда яширин тайёрланган томат паста маҳсулотини ортиб, бозорнинг автомашиналар тўхташ жойига бориб, хусусий тадбиркор А.га ҳар бир томат паста банкасини 600 сўмдан ҳисоблаб, жами 240.000 сўмга сотган. А. маҳсулотни сатаётган вақтда қўлга олинган.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

5-масала

Д. ўзига тегишли дўконда яроқлилик муддати ўтиб кетган колбаса маҳсулотларини сотди. Ушбу маҳсулотни сотиб олган өа истеъмол қилган Н. захарланди ва касалхонада икки ой давомида даволанди.

Қилмишга баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш жиноятининг объектини нима ташкил этади?**
- А) шахснинг хўжалик фаолияти соҳасидаги манфаатлари;
Б) фуқароларнинг ҳаёти;
В) фуқароларнинг соғлиги;
Г) барча жавоблар тўғри.
- 2. Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти субъекти кимлар бўлиши мумкин?**
- А) 16 ёшга тўлган шахс;
Б) этил спирти, тамаки ёки алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган ҳар қандай шахс;
В) этил спирти, тамаки ёки алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган ҳар қандай шахс ва 18 ёшга тўлган шахс;
Г) А ва Б жавоблар тўғри.
- 3. Қуйидаги қайси ҳолатлар этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти учун оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квалификация қилинади?**
- А) кўп микдорда;
Б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан,
В) жуда кўп микдорда;
Г) барча жавоблар тўғри.
- 4. Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?**
- А) ушбу жиноят ҳақида маълумот олинган кундан эътиборан;
Б) эгил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотлари муомалага чиқарилгандан;
В) этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотининг ilk жабрланувчиси шикоят берган кундан;
Г) этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти

учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил ўтмасдан яна қайта содир этилгандан.

5. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равиша шуғулланиш жиноятининг субъектив томонини аниқланг.

- А) фақат эҳтиётсизлик;
- Б) фақат қасд;
- В) эҳтиётсизликнинг бепарволик шакли;
- Г) барча жавоблар тўғри.

6. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равиша шуғулланиш жинояти учун қайси ҳолатларда квалификация қилишда маъмурий преюдиция талаб қилинмайди?

- А) ҳар доим талаб қилинади;
- Б) енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда;
- В) оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда;
- Г) ҳеч қандай ҳолатларда талаб қилинмайди.

7. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг қайси бирига аввал маъмурий жазо қўлланилгандан кейин жиноий жавобгарликка тортилади?

- А) сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш (186-модда);
- Б) харидор ёки буюртмачиларни алдаш (187-модда);
- В) қонунга хилоф равиша ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш (191-модда);
- Г) рақобатчини обрўсизлантириш (192-модда).

8. Қонунга хилоф равиша ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш жинояти қачон тамом бўлган хисобланади?

- А) тўпланган ахборот ОАВ (оммавий ахборот воситалари) орқали ёки бошқа йўллар билан ошкор қилиниб, хўжалик юритувчи субъектга кўп микдорда зарар етказилган пайтдан эътиборан;
- Б) тўпланган ахборотдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланилганда;
- В) норма диспозициясида назарда тутилган ахборот ҳар қандай усолда тўпланган пайтдан эътиборан;
- Г) А ва В жавоблар тўғри.

9. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш учун жиноий жавобгарлик қачон вужудга келади?

- А) ушбу ҳаракатлар баданга енгил шикаст етишига сабаб бўлса;**
- Б) ушбу ҳаракатлар баданга оғир шикаст етишига сабаб бўлса;**
- В) ушбу ҳаракатлар баданга ўртacha оғир шикаст етишига сабаб бўлса;**
- Г) Б ва В жавоблар тўғри.**

10. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш жинояти бўйича жиноятнинг мотиви ва мақсади квалификацияга таъсир қиладими?

- А) албатта таъсир қилади;**
- Б) таъсир қilmайди;**
- В) ишнинг ҳолатига қараб таъсир қилиши мумкин;**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги “Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 августдаги “Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 331-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 марта “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида”ги 103-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш

гақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида”ги 357-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуни.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги қонуни.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги “Фирма номлари тўғрисида”ги қонуни.

12. Абдуқодиров Ш.Ё. Қишлоқ ҳўжалигига оид қонунчиликни бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг айрим масалалари. // Аграр қонунчилик муаммолари, мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. -Б.167-171.

13. Абдуқодиров Ш.Ё. Тадбиркор зиммасидаги мажбуриятлар (Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жиноятлари). // Ж. Ҳаёт ва қонун. –2005. –2-сон.-Б. 64-65.

14. Абдуқодиров Ш.Ё. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида содир этиладиган савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. // Ж. Давлат ва ҳуқук. –2005. – 4-сон. – Б. 49-53

15. Абдурасулова К.Р. Фирром рақобат учун жиноий жавобгарлик. // Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа ва ҳуқук фанларининг долзарб муаммолари. Т.: Фан, 1994. -Б. 95-98.

16. Абдурасулова К.Р. Ответственность за недобросовестную конкуренцию. // Новые кодексы Республики Узбекистан. Теория и практика. Т.: ИИВ Олий мактаби, 1994. -С. 48-52.

17. Абдухаликов М.А. Уголовная ответственность за незаконную торговлю или посредническую деятельность. //Ж. Вестник. Ўзбекистон Республикаси Қоракалпогистон Академияси. –2002. – № 5-6. –С. 69-72.

18. Абдухаликов М.А., Холикулов У.Ш. Проблемные вопросы квалификации некоторых преступлений против основ экономики и преступлений, связанных с хозяйственной деятельностью. // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш маммолари (жиноий ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар), мавзусидаги илмий-амалий конференция. - Т.: ТДЮИ, 2003. -Б. 27-32.

19. Ниёзова С., Абдуқодиров Ш. Бир гурӯҳ шахслар томонидан савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғуллангани учун жиноий жавобгарлик масаласи. // Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари, конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004. -Б. 200-202.

20. Ниёзова С., Абдуқодиров Ш.Ё. Бир гурӯҳ шахслар томонидан савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик масалалари. // Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2004. -Б. 200-202.

21. Рустамбоев М.Х. Тадбиркорликка тўсқинлик - жазоси муқаррар қонунбузарлик // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. - 2002. - №2 -Б. 10.

22. Рустамбоев М.Х. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимояси: муаммо ва ечим. //Ж. Ҳаёт ва қонун. -2002. -№5.-Б. 18.

23. Тохиров Ф. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик. // Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари, мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2002. -Б. 115-120

24. Тохиров Ф., Ниёзова С. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш учун жиноий жавобгарлик. // Ж. Қонун ҳимоясида. -2000. - №2. -Б. 42.

25. Эрматов F.O. Некоторые вопросы квалификации преступления, связанные с лжепредпринимательством. //Ж. Ҳўжалик ва ҳуқуқ. -2004. - 4-сон.-Б. 78-79.

26. Эрматов F.O. Савдо фаолияти субъектларини кредитлаш, солиққа тортиш. // Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари, мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004. -Б 23-26.

IV БҮЛІМ. ЭКОЛОГИЯ СОХАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

14. Мавзу: Атроф мұхитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар (2 соат)

1-машғұлот:

- 1) Атроф мұхитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар түшунчаси ва белгилари.
- 2) Атроф мұхитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар түшунчаси, жиноят таркиби.
- 3) Табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар түшунчаси, жиноят таркиби, турлари.

1-масала

Н. ва Д.лар давлатга қарашли бўлган қўриқхона худудида Қизил китобга киритилган ҳайвонларни ов қилишди. Улар қўлга тушгач, етказилган зарар микдорини уч карра микдорда тўлашди.

Килмишга баҳо беринг.

2-масала

Н. қўриқхона ходими З.дан ўч олиш мақсадида Н. ишлайдиган қўриқхонадаги ўрмонга ўт кўйди. Натижада жуда кўп микдордаги дарахтлар ёниб кетди.

Н.нинг харакатига баҳо беринг.

3-масала

Паррандачилик хўжалиги раҳбари К.га парранда гриппига чалинган паррандаларни йўқ қилиш ва уни ёқиб юбориш ҳақида буйруқ берилди. К. хокимиятининг маъсул ходими Г. билан келишиб, касал паррандалар йўқ қилинди деган далолатнома тузишди, лекин паррандаларни туман бозоридаги тадбиркор Й.га 4500000 сўмга сотишиди.

Парранда гўштини истеъмол қилган бир нечта фуқаролар захарланишиди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

4-масала

Гўшт комбинатининг чиқиндиларни тозалайдиган сув тозалаш гизими ишдан чиқди. Комбинат раҳбари К. ходимларига барча чиқиндиларни комбинат ёнидан ўтадиган дарёга ташлашни буюрди. Натижада дарёдаги сув ифлосланди ва бу балиқларнинг оммавий кирилишига олиб келди. Шунингдек бу дарёдан ичимлик суви олингани учун аҳоли бир ой давомида тоза ичимлик суви олишдан маҳрум бўлди.

К.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

5-масала

Парранда гриппига чалинган паррандаларни йўқ қилиш ва уни мажбурий ёкиб юбориш ҳақида паррандачилик хўжалиги раҳбари Б.га топширик берилди.

Б. касалликка чалинган паррандаларни қопларга жойлаштириб уларни ёқа бошлади. Бу иш кўп вақтни олишини билган Б. қолган касал паррандаларни ерни ковлаб, уларни кўмиб ташлади. Шу куни кечкурун кўчада дайдиб юрган итлар кўмилган паррандаларни ковлаб олишди ва натижада парранда гриппи ҳамма жойга тарқалиб, бу барча уй хайвонларини қирилиб кетишига ва айрим фуқароларнинг касалланишига олиб келди.

Б.нинг ҳаракатида жиноят таркиби борми?

Қилмишга баҳо беринг.

6-масала

Ов қилиш тақиқланганлигига қарамасдан X. ва У.лар кўлдан балиқ тутиш мақсадида ўша ерга яқинроқ жойда жойлашган симёгочга чиқиб, электр симини узиб олиб, уни сувга ташлашди ва 500 килограммга яқин сазан балиғини овлашди.

Лекин шу вақт кўлга чўмилишга келган иккита 15 ёшли бола электр симини кўрмасдан сувга тушди ва шу заҳотиёқ ток уриб ўлишди.

Қилмишга баҳо беринг.

7-масала

Кўриқхонага саёҳатга чиққан туристлар совуқ бўлгани учун исиниш учун гулхан ёкишди. Улар исиниб бўлгач, гулханни ўчириш-

ди ва кетишиди. Лекин гулхан охиригача ўчирилмагани учун қўриқхонада ёнғин келиб чиқди ва бу давлатга анча микдорда зарар етказди.

Қилмишга баҳо беринг.

8-масала

Қўриқхона ходими Г. Қизил китобга киритилган дарахтнинг шоҳчасини арра билан кесиб олди ва бу шоҳчани таниши Р.га совға қилди. Лекин шоҳчаси кесилганига қарамасдан дарахт нобуд бўлмади.

Г. бу дарахтни Қизил китобга киритилганини олдиндан билган.
Қилмишга баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш жиноятигининг қўшимча обьекти сифатида нималарни айтиш мумкин?

- А) ер, сув, ер ости бойликлари;
- Б) инсон ҳаёти;
- В) инсон соғлиги;
- Г) «б» ва «в» жавоблар тўғри.

2. Атроф табиий мухитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш жиноятида бузиб кўрсатилган маълумот дейилганда қандай маълумот тушинилиши керак?

- А) модданинг диспозициясида кўрсатилган оқибатларга сабаб бўлган аварияни акс эттирадиган маълумотлар;
- Б) асосланмаган маълумотлар;
- В) модданинг диспозициясида кўрсатилган оқибатларга сабаб бўлган авариянинг хақиқий ахволини акс эттирмайдиган маълумотлар;
- Г) барча жавоблар тўғри.

3. Атроф табиий мухитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик жинояти субъектининг зарурий белгисини кўрсатинг.

- А) 18 ёнига тўлганлиги;

- Б) тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги;
- В) мансабдор шахс эканлиги;
- Г) барча жавоблар тўғри.

4. Кўйидаги кўрсатилган жиноятларнинг қайси бирининг диспозицияси бланкет диспозиция ҳисобланади?

- А) ўсимликлар касалликлари ёки зааркунандалари билан кураш талабларини бузиш жинояти;
- Б) заарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш жинояти;
- В) ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти;
- Г) барча жавоблар тўғри.

5. Ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш жиноятининг субъектив томони нима?

- А) эҳтиётсизлик;
- Б) эгри қасд ва эҳтиётсизлик;
- В) эгри қасд;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

6. Кўйидаги жиноятларнинг қайси бирида инсоннинг ҳаёти ҳам жиноятнинг обьекти бўлиши мумкин?

- А) ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш жинояти;
- Б) ўсимликлар касалликлари ёки зааркунандалари билан кураш талабларини бузиш жинояти;
- В) ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш жинояти;
- Г) заарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш жинояти.

7. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг субъектив томони қандай?

- А) эҳтиётсизликдан содир этилганлиги;
- Б) эгри қасд билан содир этилганлиги;
- В) эгри қасд ва эҳтиётсизликдан содир этилганлиги;
- Г) В ва Б жавоблар тўғри.

8. Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш жиноятининг обьекти нима?

- А) экологик хавфсизлик;
- Б) инсоннинг соғлиги;
- В) инсоннинг ҳаёти;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

9. Куйидаги кўрсатилган жиноятларнинг қайси бирида мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди?

- А) атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўгрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш жинояти;
- Б) экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳатларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш жинояти;
- В) алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш жинояти;
- Г) А ва В жавоблар тўғри.

10. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш жинояти субъектининг ёши неча ёш қилиб белгиланган?

- А) 14 ёш;
- Б) 16 ёш;
- В) 18 ёш;
- Г) субъект ёши кўрсатилмаган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўгрисида”ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Ветеринария тўғрисида”ги қонуни.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.

8. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини заараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» ги З6-сонли қарори.

13. Ахроров Б.Д., Эрматов F.O. Экологияга қарши жиноятлар. мақола//Ж. Ҳаёт ва қонун. –2004.-1-сон. -Б. 55.

14. Ниёзова С. Ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш жинояти учун жавобгарлик ва ундан келиб чиқадиган муаммолар. // Экология қонунчилигини такомилаштириш муаммолари, мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004. -Б 156-158.

15. Утемуратова С.Ш. Жиноят кодексида учрайдиган айrim экологик атамалар. // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. –2003. – 4-сон. – Б. 54-60.

16. Эрматов F.O., Убайдуллаев И.Р. Экология жиноятларини фош этишнинг ўзига хос хусусиятлари. // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004. -Б. 36-41.

**В БЎЛИМ. ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ
БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ
ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

15-Мавзу: Бошқарув тартибиға қарши жиноятлар (б соат)

1-машғулот:

1) Мансабдор шахслар томонидан бошқарув тартибиға қарши жиноятлар тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

2) Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сустеъмол қилиш ва ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятларининг тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

3) Мансабга совуққонлик билан қараш ва мансаб сохтакорлиги жиноятларининг тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

4) Порахўрлик жиноятларининг тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

2-машғулот:

1) Давлат ва жамоат тузуми манфаатларига тажовуз этувчи жиноятлар.

2) Жамоат тартибини ҳимоя этувчи ҳокимият (давлат) органи ёки жамоат бирлашмаларининг нормал иш фаолиятларига тажовуз этувчи жиноятлар.

3) Жазони ижро этувчи муассасаларнинг нормал иш фаолиятига қарши жиноятлар тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

3-машғулот:

1) Ўзбекистон Республикасига кириш ва чиқиш тартибиға тажовуз этувчи жиноятлар.

2) Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили

3) Махсус ҳужжатлардан фойдаланиш тартиб қоидаларини бузип жиноятлари учун жавобгарлик.

1-масала

Вилоят МХХБ бошлиги номига фуқаро С. ариза билан мурожаат қилиб, у ўз аризасида, вилоят 13-сонли ихтисослаштирилган юрак қон-томирлари касалликлари тиббий меҳнат экспертиза комиссияси тъзоси неврапатолог ҳаким лавозимида ишловчи А. уни муддатсиз нафақага чиқариш эвазига 100 минг сўм миқдорида пора талаб қилаётганлигини билдириб, А.га нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Вилоят прокуратураси ва вилоят МХХБ тезкор ходимларидан иборат тергов гурухи ва холислар иштирокида ўtkазилган тадбир натижасида А. ўзининг иш жойида С.дан уни муддатсиз нафақага чиқариш эвазига ундан 100 минг сўм миқдорида пулларни олган вактида холислар иштирокида кўлга олинган.

Килмишга баҳо беринг.

2-масала

Туман прокурори меҳнат таътилига чиққач, унинг вазифасини вақтинча бажариш унинг ўринбосари З.га юклатилди. Орадан бир хафта ўтгач, З. жиноят содир қилган Н.га туман ИИБ терговчиси жиноят иши қўзғатмаслиги учун айбланувчи Н.нинг қариндошларидан 3000 АҚШ доллари олади.

Килмишга баҳо беринг

3-масала

Уй-жой ширкати бошлиғи Р. аҳолидан муддати ўтган коммунал тўловларини ўз вактида ундириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўрмасдан, муддати ўтган 9000000 сўм дебитор қарздорлиги пайдо бўлишига йўл қўйган.

Шу билан бирга, Р. туман ҳокимияти томонидан беғараз тарикасида берилган қиймати 1 500 000 сўмлик 35 рулон ребероид материалларини ширкат худудидаги З-уйнинг томини тўлик таъмирдан чиқарилганлиги ҳақида мазкур уйда яшовчи фуқаролар номидан имзоларни сохталаштириш йўли билан қалбакилаштириб, расмий ҳисботларда З-уй томи таъмирдан чиқарилган деб кўрсатиб, руberoид маҳсулотларини сотиб юборган.

Бундан ташқари Р. аҳолидан тушган коммунал тўловларнинг ҳисобини юритиш жараёнида 150.000 сўм миқдорда пул тушумларини банкка топширмасдан, ширкатнинг турли мақсадлари учун асоссиз равишда ишлатиб юборган ва ширкатнинг ҳисоботидаги қиймати 9.350.000 сўмлик асосий воситалар ширкат ходимларининг имзоларини қалбакилаштириш йўли билан тузилган асоссиз далолатномалар билан ҳисобдан чиқариб, ширкатга 9.350.000 сўм миқдорда зарап етказган.

Р.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

4-масала

О. туман банкидан кредит олиш мақсадида банк раҳбари Л.га агар унга кредит олишда ёрдам берса, унга 2000 АҚШ доллари бериши мумкинлигини айтди. Банк раҳбари Л. О.га кредит ажратиш тўғрисида қарор чиқарди ва О.га банк томонидан кредит берилди. О. ваъда қилинган пулни бермаслик мақсадида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берди.

Қилмишга баҳо беринг.

5-масала

Ф. яқин таниши туман судида судья бўлиб ишлашини айтиб, судда иши кўрилаётган Н.нинг онасидан ўғлини оқлов ҳукми чиқарип, озод қилиши мумкинлигини айтиб, ундан 5000 АҚШ долларини олди.

1-вариант: Ф. пулни судьяга берди ва судья оқлов ҳукми чиқарди.

2-вариант: Ф. пулни олди ва яширинди. Судья оқлов ҳукми чиқарди.

Қилмишга баҳо беринг.

6-масала

Корхона раҳбари Д. ўртоғи З.нинг ўғлини маъсул ишга қабул қилди. Бунинг эвазига З. Д.нинг янги қурилган уйини текинга таъмирлаб берди.

Қилмишга баҳо беринг.

7-масала

Вилоят ҳокими П. таниши Ж.нинг илтимосига кўра Ж.га 8000 АҚШ доллар эвазига ер олишга ёрдам бериш мақсадида ундан аванс мөриқасида 1000 АҚШ доллари олади.

Вилоят ҳокими пулни олгач, ер ажратиб бериш ваколатига эга бўлган туман ҳокимига телефон қилиб, зудлик билан Ж.га ер ажратиб беришни буюради. Туман ҳокими Ж.га ер ажратиб беради.

Вилоят ҳокими П. қолган 7000 АҚШ долларини олаётган вақтда қўлга олинди.

Айбдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

8-масала

Т. Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарорига кўра маъмурий назоратга олинган ва унга қўйидаги чекланишлар ўрнатилган, яъни: ҳар ойнинг 1, 2, 3-чоршанба кунлари тумани ИИБ ЖИЭБга келиб рўйхатдан ўтиб туриши, соат 21.00 дан 06.00 гача уйда бўлиш, тумани ИИБ бошлиги рухсатисиз Тошкент шаҳри ҳудудидан чиқиб кетмаслиги, спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи ресторон, кафе-бар ва ошхоналарга кирмаслиги ҳақида тушунтирилган ва огоҳлантирилган.

Бироқ, Т.га ўрнатилган маъмурий назорат қоидаларининг чекланишлари тушунтирилган бўлишига қарамасдан, у маъмурий назорат қоидаларига қасдан амал қилмасдан келиб, профилактика нозири томонидан истиқомат манзили текширилганда уйида бўлмаганлиги аниқланиб, туман суди томонидан Ўз.Р. МЖтКнинг 206-моддаси билан маъмурий жазога тортилган.

Шунга қарамасдан, Т. ўзига тегишли хулоса қилмасдан, 1, 2, 3-«чоршанба» кунлари туман ИИБ рўйхатидан ўтиш учун келиши лозим бўлсада, рўйхатдан ўтиш учун ҳеч бир сабабсиз келмаган.

9-масала

Бошланғич гурух тарбиячиси гурухдан ташқарига чиқиб кетаётганида болалардан бири кроватдан сакраб ерга йиқилиш натижасида боши ёрилиб оғир тан жароҳати олади. Тарбиячига нисбатан қандай чора кўрилади?

10-масала

Автобус парки шофёрлари бошлиқ томонидан ўрнатиб кўйилган қоидага кўра ҳар куни гараждан чиқишида ҳам, киришида ҳам дарвоза олдига ўрнатилган яшикчага 500 сўм ташлаб кетишган. Тушган пулларни гараж бошлиғи ва механик ўзаро бўлишар эди. Гараж бошлиғи ва механикнинг ҳаракатлари қандай ҳал қилинади?

11-масала

А. бош бухгалтерлик лавозимига кўтарилигани муносабати билан бош директор, унинг ўринбосари, иш бошқарувчини ресторонда катта зиёфат билан меҳмон қиласди.

А.нинг ҳаракатларида пора бериш аломатлари борми?

12-масала

Бозор бош директори бозордаги тижорат дўконларидан бирини туман солиқ инспекциясининг бошлиғининг укасига маълум мақсадларни кўзлаб, фойдаланиш шартномасига кўра ажратиб беради.

Бозор бош директорининг ҳаракатларини ҳал қилинг.

13-масала

И. ва унинг икки яқин дўсти билан биргаликда миллий ва диний руҳдаги ташкилот тизимида миллий ва диний руҳдаги шахсларни шу ташкилотга таклиф этадилар. И. ва унинг дўстларининг ҳаракатларида жиноят аломатлари борми?

14-масала

Р. 16 ёшга тўлиб паспорт олганлиги муносабати билан туман ҳарбий комиссариати томонидан рўйхатга олиш учун бир неча марта чақирилади. Лекин Р. ҳар сафар атайлаб сабабсиз бормаган.

Р.нинг ҳаракатлари қандай ҳал этилади?

15-масала

Маъмурий назорат қоидалари ўрнатилган, С. қариндошларидан бири вафот этганлиги учун яшаш жойини ташлаб тегишлича хабар бермай, қишлоғига кетиб қолади.

С.нинг ҳаракатларини ҳал қилинг.

16-масала

Корхона раҳбари ўзининг ўғли М.нинг армия хизматга қолиришини бир йилга кечиқтириш учун туғилғанлик ҳақидаги туроҳномадаги туғилган йилини бир йилга камайтириб қолбакилаштиради.

Қилмишга баҳо беринг.

17-масала

Диний назорат бўлимида ишловчи аёллардан бири Н. ўз уйида ғашларни диний йўлга ўргатиш мақсадида диний мактаб очади ва ғашларга таълим беради.

Н.нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борми?

18-масала

Р. ва Э.лар биргаликда Ж.ни уйига бориб, у ерда Ж.нинг Р.дан олган 5000 АҚШ доллар қарзини қайтарилишини талаб қилишади ва гаров сифатида Ж.нинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, пулларни тўлиқ ҳолда қайтариб беришлик учун муддат белгилайдилар.

Қилмишга баҳо беринг.

Қилмишда товламачилик аломатлари борми?

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қуйидаги жиноятларнинг қайси бири бошқарув тартибиغا қарши жиноят ҳисобланади?

- А) ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш;
- Б) мансабга совуққонлик билан қараш;
- В) ҳокимият ҳаракатсизлиги;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

2. Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятининг объекти кайси жиноят объекти билан бир хил ҳисобланади?

- А) ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш;
- Б) мансаб соҳтакорлигини;
- В) нора олиш;
- Г) нора бериш.

3. Қүйидеги қайси жиноят фақат әхтиётсизликдан содир этилади?

- А) пора олиш;
- Б) мансабға совуққонлик билан билан караш;
- В) мансаб сохтакорлығы;
- Г) ҳокимият ҳаракатсизлиғи.

4. Пора олиш жиноятининг обьекти нима?

- А) ҳокимият ваколати;
- Б) мансаб ваколати;
- В) давлат ва бошқарув органлари фаолиятида үрнатилған тартиб;
- Г) хизмат вазифаси.

5. Гайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш жинояты ЖК га қачон кирилди?

- А) 1998 йил 1 май;
- Б) 2001 йил 29 август;
- В) 1999 йил 20 август;
- Г) 2005 йил 12 декабр.

6. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик жиноятида мотив қандай аҳамиятга эга?

- А) квалификация қилишда аҳамиятта эга эмас;
- Б) квалификация қилишда аҳамиятта эга;
- В) жазо тайинлашда ҳисобга олинади;
- Г) жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

7. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

- А) ҳарбий ёки муқобил хизматга бормаган пайтдан;
- Б) сафарбарликдан бўйин товлаган пайтдан;
- В) сафарбарлик эълон қилинган пайтдан;
- Г) А ва В жавоблар туғри.

8. Давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти ЖК га қачон кирилди?

- А) 2000 йил 26 май;
- Б) 2001 йил 29 август;
- В) 2001 йил 29 август;
- Г) 1999 йил 20 август.

9. Қўйидаги таъриф қайси жиноятга берилган?

Ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат мғифаатларига жиддий зиён етказиши.

- А) маъмурий назорат қоидаларини бузиш;
- Б) мансаб соҳталиги;
- В) ўзбошимчалик;
- Г) ҳокимият ҳаракатсизлиги.

10. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жинояти қандай жиноятлар туркумига киради?

- А) бошқарув тартибига қарши жиноятлар;
- Б) иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар;
- В) экология соҳасидаги жиноятлар;
- Г) жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси тўғрисида"ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги "Мудофаа тўғрисида"ги қонуни
6. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуни.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ти қонуни.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ти Қонуни.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ти Қонуни.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ти 19-сонли қарори.

11. Абдурасулова Қ.Р. Коррупция - хавфли иллат// Ж. Қонун ҳимоясида. –2003. –№3. –Б. 7-8.

12. Абдурасулова Қ.Р. Коррупцияга қарши кураш: бу борада чет эл қонунларида нималар белгиланган. //Ж. Ҳаёт ва қонун –2003. –3-сон. –Б 17-20.

13. Абдурасулова Қ.Р. Коррупциянинг олдини олиш чоралари ҳақида// Давлат ва жамиятнинг демократик янгилашиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2002. -Б 266-269.

14. Ахроров Б.Ж. Криминологическая характеристика должностных преступлений и лиц их совершивших. // Ж. Қонун номи билан. –2002 . –1-2 сон. – Б. 123-124.

15. Ахроров Б.Ж. Мансабдор ва маъсул мансабдор шахс тушунчаси. //Ж. Ҳаёт ва қонун. –2001. – 6-сон. – Б. 14-18.

16. Ахроров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари ҳақидаги қонунлар// Ўзбекистон Республикаси янги Кодекслари назария ва амалиёт, илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: ИИВ Олий мактаби, 1994 . -Б. 86-89.

17. Ахроров Б.Д. Проблемы либерализации законодательства по должностным преступлениям. // Ж. Вестник Каракалпакского Отделения Академии Наук Республики Узбекистан. Нукус. —2002 . – 1- 2 сон. –Б. 79-80.

18. Ахроров Б.Д. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мансабдор шахслар масъулияти// Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳаётга тадбиқ қилиш муаммолари, халқаро илмий анжуман материаллари. -Т.: ТДЮИ, 1995. -Б. 187-189.

19. Ахроров Б.Д. Фермер мансабдор шахсми? // Ж. Инсон ва қонун. –2002 – 2-сон. – Б. 23-27.

- 20.Ахроров Б.Д. ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол таш ва унинг доирасидан четга чиқиш жиноятларини квалификация қилиш муаммолари // Ж. Давлат ва хукуқ. –2001. –1-2 сон. – Б. 54-59.
- 21.Ахроров Б.Ж. Мансабдор ва маъсул мансабдор шахс тушунчаларини фарқлаш хусусиятлари ва хукукий моҳиятлари. // ТДЮИ илмий мақолалар тўплами. – 2005. – №2. – Б. 90-95 .
- 22.Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. (Монография) -Т.: ТДЮИ, 2004.- 203 б.
- 23.Зуфаров Р.А. Некоторые вопросы разграничения получения взятки от других смежных преступлений. //Ж. Қонун номи билан – 1999. – №2 – 0.5 б.т.
- 24.Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки. // Автореферат кандидатской диссертации. Т.: Фан, 1994. – 1,5 п.л.
- 25.Зуфаров Р.А. Дунё ҳамжамияти ва коррупция. //Ж. Қонун ҳимоясида. –2002. –№70. –Б. 5-6 .
- 26.Зуфаров Р.А. К вопросу о коррупции.//Ж. Хўжалик ва қонун –2001. – №3. –С. 6-7.
- 27.Зуфаров Р.А. Коррупция ва порахўрлик. // Суд-хукуқ ислохоти: назария ва амалиёт илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТДЮИ, 2001. –Б.16-18 .
- 28.Зуфаров Р.А. Криминологическая характеристика взяточничества. //Ж. Давлат ва хукуқ. –2002 – №3. –Б.45-47.
- 29.Зуфаров Р.А. Либерализация уголовного законодательства и проблемы назначения наказания за взяточничество. //Ж. Зангер. Алматқ,–2003. - №4. –С.25-26.
- 30.Зуфаров Р.А. Международно-правовые проблемы борьбы с коррупцией. //Ж. Қонун номи билан. – 2001. – № 1-2. –С. 0.5.
- 31.Зуфаров Р.А. Некоторые проблемы о предмете взятки.// Ж. Қонун номи билан —2000. – №1 –С.28-31.
- 32.Зуфаров Р.А. О некоторых квалифицирующих признаках взяточничества. //Ж. Давлат ва хукуқ. –2001. – № 4. –С.48-50.
- 33.Зуфаров Р.А. Порахўрлик – коррупция негизи.// Ж. Давлат ва хукуқ. —2000. – №4. – Б.31-34.
- 34.Зуфаров Р.А. Порахўрлик жиноятларига жазо тайинлаш муаммолари. // Давлат ва жамиятнинг демократик янгиланиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари, мавзусидаги илмий – амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2002. -Б.15-18 .

35. Зуфаров Р.А. Порахўрлик жиноятлари квалификация-сидаги айрим муаммоларга доир. // Ж. Давлат ва хуқуқ. –2003. – №4 (16). –Б. 43-45 .

36. Зуфаров Р.А. Порахўрлик жиноятларининг айрим жиҳатлари. // Ж. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси 2004.- №1. –Б.28-31.

37. Зуфаров Р.А. Порахўрлик жиноятларининг айрим криминологик тавсифлари. // Ж. Давлат ва хуқуқ. 2004.-№1 (17). –0.25 пл

38. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. (Монография). – Т.: ТДЮИ, 2004. – 14 б.т.

39. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарликни эркинлаштириш жараёнида Конституциянинг аҳамияти. // Ж. Давлат ва хуқуқ. –2002. – № 4. – Б. 17-21.

40. Зуфаров Р.А. Проблемы наказуемости взяточничества в свете либерализации уголовного законодательства. // Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. –2002. – № 3-4. – С.51-54.

41. Зуфаров Р.А. Разграничение взяточничества и смежных составов преступлений. // Ж. Давлат ва хуқуқ –2002 – №1. – С.27-31.

42. Нарбутаев Э.Х. Защита прав человека в области направления уголовного правосудия.// Ж. Демократизация и права человека. – 1999. -№2.–С. 113-117.

43. Нарбутаев Э.Х. Об основных факторах, способствующих на формирование и развитие коррупционных отношений. Мақола. // Ж. Хукуқ-Право-Law. –2002. -№8.–С. 29-33

44. Ниёзова С. // Порахўр шахс тушунчаси. – Хуқуқ. –октябр.–2002.

16-Мавзу: Одил судловга қарши жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

1) Одил судловни амалга оширувчи шахслар томонидан одил судловга қарши жиноятлар тушунчаси, турлари. Жиноят таркибининг умумий таҳлили.

2) Айбизиз кишини жавобгарликка тортиш жиноятининг тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

3) Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва жиноят таркибининг умумий таҳлили.

4) Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш жинояти.

5) Одил судловни амалга оширишга ёрдам беришга мажбур шахслар томонидан содир қилинадиган одил судловга қарши жиноятлар тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

1-масала

Терговчи қўшниси С. билан урушиб қолади. Ундан ўч олиш мақсадида С.ни содир этмаган ўғриликда айблаб жавобгарликка тортади. Терговчининг ҳаракатлари қандай ҳал этилади?

2-масала

Суд айбланувчини судга ўзининг ёмон хулқи билан иштирок этганлигини сабаб қилиб, унга қонундаги энг оғир жазони беради. Суднинг ҳаракати тўғрими?

3-масала

Суд жараённида айбланувчи Ш. жиноят содир бўлмаганлигини таъкидлаб, Ёлгон кўрсатма беради. Айбланувчининг бу ҳаракатларида жиноят таркиби борми?

4-масала

Ш. ўртоғининг ўғрилик содир этиб қелганлигини билиб, бу ҳақда тергов органларига хабар бермайди. Ш.нинг ҳаракатларида жиноят таркиби борми?

5-масала

Гумон қилинувчи сифатида туман ИИБга чакирилган вояга етмаган П.ни терговчи У. 10 соат давомида ҳеч қаерга чиқармасдан ушлаб турди. П. терговчидан тушлик қилиш учун жавоб сўрагандা, терговчи уни содир қилмаган жиноятини ўз бўйнига олса, унга жавоб беришини айтди. П. эса терговчининг шартига рози бўлмади.

Килмишга баҳо беринг.

6-масала

Г. ўгай ота қўлида улғайди. Унинг ўгай отаси доим маст ҳолда келиб, Г. ва унинг онасини азоблаб қийнаб келган. Г. вояга етгач, юридик билим юртини тамомлади ҳамда тез орада прокурор лавозимини эгаллади. У ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, ўгай отасидан қасд олиш учун уни бир неча жиноятларни содир килганликда айблаб жиноий жавобгарликка тортди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

7-масала

Судья Л. катта пул эвазига қасддан одам ўлдиришда айбланаётган С.ни турли сохта далиллар билан оқлашга ҳаракат қилди. Лекин прокурорнинг айблови ниҳоятда аниқ ва ишонарли далилларга таянганлиги сабабли у бу ишни уддалай олмади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

8-масала

Тезкор-қидирув ходимлари фуқаро П.ни наркотик моддаларни сотишда гумон қилиб, туман ички ишлар бўлимидағи вақтингчалик ушлаб туриш учун олиб келишади. Улар ишда натижа кўрсатамиз деб, П.ни дўппослашади. Прокурор ёки ИИБни бошлиғига бу ҳақида хабар беришнинг имкони бўлмагач, улар масалани кейинги кунга қолдириб кетишади. Лекин эўтасига П. камерада ўз камарига ўзини осиб ўлади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

9-масала

Туман ҳокими О. туман прокурори А.га телефон қилиб, ҳозирда прокуратурада унинг жияни К.нинг иши кўрилаётганлигини ва тезда ишни унинг фойдасига ҳал қилиб беришни сўрайди. А. унинг тақлифига рози бўлиб, фақат унга 1 га. (гектар) ер кераклигини итади. О. А.нинг илтимосини дарҳол бажаради.

Лекин кейин аниқ бўлишича бу вақтга келиб К.нинг иши билан шлакачон Республика прокуратурасидаги маҳсус тергов гурухи шуғулланаётгани ҳамда унинг устидан жиноят иши қўзғатилганлиги мөълум бўлади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

10-масала

Г. яқин дўсти В.ни ўлдирилишини айнан ўзи ташкил қилганлиги боис терговни чалкаштириш мақсадида 2 ой давомида ёлғон гувоҳлик бериб келади. У ушбу жиноят юзасидан экспертиза билан шуғулланаётган Ш. билан тил бириктириб, катта пул миқдорига ёлғон экспертиза хulosасини олишга муваффақ бўлади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. ЖК 231-моддаси (адолатсиз ҳукм, ҳал қилувчи қарори, ажрим ёки қарор чиқариши)да назарда тутилган жиноятнинг субъектини белгиланг.

- А)** судя, котиб;
- Б)** ҳалқ маслахатчиси, судя;
- В)** судя, прокурор;
- Г)** судя, адвокат, прокурор.

2. Агар адолатсиз ҳукмнинг чиқарилиши одамнинг ўлимига олиб келса, айбор ЖКнинг қайси моддаси билан жавобгарликка тортилади?

- А)** ЖКнинг 97 (қасдан одам ўлдириш), 231-модда (адолатсиз ҳукм, ҳал қилувчи қарори, ажрим ёки қарор чиқариши)лари;
- Б)** фақат 97-модда 2-қисм;
- В)** 231-модда 2-қисм;
- Г)** ЖК 102-модда (эҳтиёtsизлик орқасида одам ўлдириш).

3. Агар қонунга хилоф равишида ушлаб туриш ёки қамоққа олиш тегишли ваколатлари бўлмаган шахслар томонидан содир этилса ...

- А) уларнинг ҳаракати ЖКнинг 234-моддаси (қонунга хилоф равишида ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш) билан квалификация қилинади;
- Б) уларнинг ҳаракати ЖКнинг 235-моддаси (қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) билан квалификация қилинади;
- В) уларнинг ҳаракати ЖК билан эмас, МЖтК билан квалификация қилинади;
- Г) уларнинг ҳаракати ЖКнинг 206-моддаси (хокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) билан квалификация қилинади.

4. Агар шахсни кўрсатув беришга мажбур қилишда (ЖК 235-модда) баданга оғир шикаст етказилганда, айборнинг ҳаракати қандай квалификация қилинади?

- А) 235-модда 1-қисм;
- Б) 235-модда 2-қисм;
- В) 235-модда 2-қисм, 104-модда (қасдан баданга оғир шикаст етказиш);
- Г) 235-модда 1-қисм, 206-модда.

5. ЖК 238-моддаси (ёлғон гувоҳлик бериш)нинг жиноят субъекти доирасига кирмайдиган шахсларни кўрсатинг.

- А) таржимон;
- Б) эксперт;
- В) гувоҳ;
- Г) гумонланувчи.

6. Гумон қилинувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатув беришдан бўйин товлаганлари учун жавобгарлик қандай бўлади?

- А) жавобгарликка тортиладилар;
- Б) жавобгарликка тортилмайдилар;
- В) маъмурий жавобгарликка тортиладилар;
- Г) жарима жазосига тортиладилар.

7. ЖКнинг 241-моддаси 1-қисми (жиноят хақида хабар бермаслик ёки уни яшириш) да назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини белгиланг.

- А) унча оғир бўлмаган жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яшириш;
- Б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яшириш;
- В) оғир ёки ўта оғир жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яшириш;
- Г) ўта оғир жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яшириш.

8. ЖК 233 - моддасида (банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш) назарда тутилган жиноят субъектини аниқланг.

- А) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс;
- Б) юридик шахс, мулкдор;
- В) мол-мулки хатланган шахс;
- Г) 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс.

9. Ёлғон гувоҳлик бериш (ЖК 238-модда) жинояти бўйича жиноятнинг содир этилиши сабаблари эътиборга олинадими?

- А) йўқ;
- Б) ха;
- В) баъзи ҳолларда;
- Г) зарурий белги.

10. Терговга ёки суд ишларини кўриб чиқилишига мансабдор шахсларнинг аралашуви қайси модда билан квалификация қилинади?

- А) ЖК 231-модда (адолатсиз ҳукм, ҳал қилувчи қарори, ажрим ёки қарор чиқариш);
- Б) ЖКнинг 239-модда (суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш) 1-қисми;
- В) ЖКнинг 236-моддаси (тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш) 2-қисми;
- Г) жавобгарликка тортилмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Узбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни.
2. Узбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Судхужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни.
3. Узбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
4. Гулямов З.Х. Атака на правосудие? // Ж. Экономика и статистика. – 1998. -№7. – С. 60-62.
5. Гулямов З.Х. Вынесение неправосудного приговора. // Ж. Именем закона. – 1997. – № 4. – С. 72-76.
6. Гулямов З.Х. Вынесения неправосудного решения, определения или постановления. // Ж. Именем закона. – 1998. – № 3. – С. 144-148.
7. Гулямов З.Х. Вынесения неправосудного решения, определения или постановления. (предложение). // Ж. Именем закона. – 1998. – № 2 – С. 89-91.
8. Гулямов З.Х. Кўрсатув беришга мажбур қилиш жиноятини баҳолашнинг тамойиллари. // Ж. Қонун ҳимоясида. 1997. – 4-сон. – Б. 16-20.
9. Гулямов З.Х. На пути к независимому суду. // Ж. Именем закона. – 1997. -№3.– С. 83-86.
10. Гулямов З.Х. Общая характеристика преступлении против правосудия в Республики Узбекистан. // Ж. Российского права. – 2002.-№4. – С. 122-130.
11. Гулямов З.Х. Общественная опасность и социальная обусловленность ответственности за посягательства на правосудие. // Ж. Хукук-Право-Law. – 2002. – № 3. – С. 54-59.
12. Гулямов З.Х. Общественная опасность и социальная обусловленность ответственности за посягательства на правосудие. (продолжение). // Ж. Хукук-Право-Law. – 2002. – №4 – С. 60-63.
13. Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. // Ж. Экономика и статистика. –1997. -№1. – С. 66-67.
14. Гулямов З.Х. Уголовная ответственность за незаконное распоряжение имуществом, подвергнутым аресту. // Ж. Хозяйство и право. – 1997. – № 4. –С. 76-79.

15.Гулямов З.Х. Уголовно-правовая ответственность за неисполнение судебного решения. // Ж. Хозяйство и право. – 1997. – № 4. – С. 83-86.

16.Гулямов З.Х. Қонунға хилоф равишда ушлаб туриш ёки қамоқда сақлашнинг объектив ва субъектив ҳолатлари. // Ж. Қонун ҳимоясида. – 1997. – 4-сон. – Б. 24-30.

17.Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик бериш жинояти субъекти сифатида - гувоҳ. // Ж. ЎзМУ хукуқшунослик факультети маколалар тўплами. 2004.-№5. – Б. 45-47.

18.Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятида айбнинг шакли. // Ж. Қонун ҳимоясида. – 2005 – 5-сон. –Б. 16-17.

19.Тошпўлатов А.И. Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятини содир этиш усуллари. // Ж. Фалсафа ва хукуқ. – 2004. – 4-сон. –Б. 25-26.

20.Умархонов А.Ш. Ёлғон кўрсатма бериш ёхуд одил судлов амалиётига доир айрим муроҳазалар. // Ж. Ҳаёт ва конун. – 2004. – 3-сон. – Б. 54-58.

VI БЎЛИМ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

17- Мавзу: Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (4 соат)

1-машғулот:

- 1) Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар тушунчаси, турлари
- 2) Жиноий уюшма ташкил этиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 3) Оммавий тартибсизликлар жинояти тушунчаси, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 4) Контрабанда жинояти тушунчаси, жиноят таркиби.

2-машғулот:

- 1) Ўқ отар қурол, ўқ дорилар, портловчи моддалар ёки портлашиш курилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 2) Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлашиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 3) Ўқ-отар қурол ёки ўқ дориларни бепарволик билан саклаш жинояти тушунчаси, жиноят таркибининг умумий таҳлили
- 4) Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш жинояти тушунчаси турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 5) Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш. Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятлар тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 6) Радиоактив материаллардан ҳамда ядро курилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятларининг тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 7) Мехнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

1-масала

Детектив киноларни кўп кўриш натижасида ниҳоятда қаттиқ таъсирланган Д. жиноий уюшма ташкил қиласди. У ўз атрофига яқин

дўстларини йигиб, жиной уюшманинг мақсад ва вазифаларини ту-шунтиради ҳамда фаолият йўналишини белгилайди. Улар бир неча ой давомида кўплаб дўкон, бозор эгалари, шунингдек туманда кўзга кўринган одамларни кўркитиб пул олишади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

2-масала

Бир гурух ёшлар ўзларини неофашизм тарафдорлари, Гитлернинг давомчилари деб эълон қилиб, кўчаларда оммавий тартибсизликлар уюштиришади. Улар уйларга ва ҳокимият идоралари биноларига ўт кўйишади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

3-масала

Ўзларини “текис фикрлилар” деб атовчи бир гурух ёшлар яхудий миллати вакилларига, агарда улар тезда мамлакатни тарқ этмасалар кеч бўлишини, чунки бир кундан кейин ушбу миллат вакилларига нисбатан оммавий қирғин бошланиши ҳақида ишонарли уйдирма тарқатишиди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

4-масала

В. диний экстремистик гурухга аъзо бўлади ҳамда ушбу гурух таркибида бир йилдан ортиқ фаолият кўрсатади. Кейинчалик гурух раҳбарининг унга муносабатидан норози бўлган В. ушбу гурух ҳақида милиция органларига хабар беради.

Масалани юридик таҳлил этинг.

5-масала

Н. диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтаётганда қўлган олинди. Сўрок жараёнида у мазкур нарсалар жойлашган сумка унга тегишли эмаслигини, ҳамда фуқаро Л. ундан ушбу сумкани унинг синглисига етказиб беришни илтимос

килганлигини таъкидлади. Текширув натижасида ҳақиқатдан ҳам сумка унга тегишли эмаслигини аниқланди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

6-масала

Муқаддам судланган Д. фирма раҳбари бўлиб ишлайдиган Б.нинг уйига қўнғироқ қилиб, бир ой муддат ичидаги 5000 АҚШ доллари бермаса, унинг уйини ёқиб юборишини айтди. Б. белгиланган муддатда Д.га пулни беришдан бош тортди. Д. тунда унинг уйига кириб, ўйинчоқ қурол билан уни қўрқитиб, 5000 АҚШ долларини ва Б. уйидаги ноқонуний сақланаётган ўқотар қуролни ҳам олиб кетди.

Д.нинг ҳаракатига баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Умумий тартибли руҳий қасалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш қайси беморларга тайинланиши мумкин.

- А) руҳий ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этганларга;
- Б) ақли заифлик ва турли қўринишдаги дефектлар билан қасалланганларга;
- В) А, Б жавоблар тўғри;
- Г) Тўғри жавоб йўқ.

2. Қайси қаторда жиноий уюшманинг белгилари тўғри кўрсатилган?

- А) унинг аъзолари турғунлиги ва ҳамжиҳатлиги;
- Б) умумий жиноий қасд асосида бирлашганлиги;
- В) жиноий уюшмада бир неча уюшган гуруҳлар бирлашади;
- Г) барча жавоблар тўғри.

3. Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши ...

- А) иштирокчилик дейилади;
- Б) мураккаб иштирокчилик дейилади;
- В) жиноий уюшма дейилади;
- Г) жиноий гурух дейилади.

4. Тоғ-кон қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг субъект ёши ...

- А) 13 ёшга тўлган ақли расо шахс;
- Б) 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;
- В) 14 ёшга тўлган ақли расо шахс;
- Г) 15 ёшга тўлган ақли расо шахс.

5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкоралаштириш қоидаларига мувофиқ ошкоралаштириш қандай шаклларда амалга оширилади?

- А) мулкка айлантириш;
- Б) алмаштириш;
- В) барча жавоблар тўғри;
- Г) жиноий фаолият натижасида топилган мулкни ўтказиш.

6. Оммавий тартибсизликларнинг обьекти ...

- А) ижтимоий хавфсизлик ҳисобланади;
- Б) жамоат тартиби ҳисобланади;
- В) ўзганинг соғлиги, ҳаёти, мулки ҳисобланади;
- Г) А, Б ва В жавоблар тўғри.

7. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жиноятининг обьектив томони нималарда ифодаланади?

- А) диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ва бошқа тақиқланган ташкилотлар тузишда;
- Б) уларга раҳбарлик қилишда;
- В) А, Б, Г жавоблар тўғри;
- Г) уларда иштирок этишда ифодаланади.

8. Оммавий касалланиш бу ...

- А) маълум бир худуддаги кўп сонли кишиларнинг бир вақтининг ўзида касалланиши;
- Б) маълум бир худуддаги кўп сонли кишиларнинг оралиғи учча катта бўлмаган вақт орасида касалланиши;
- В) А, Б жавоблар тўғри;
- Г) барча жавоблар тўғри.

9. Қайси ҳолларда ўқ дорилар, портловчи моддалар сақлаған шахс жавобгарлиқдан озод қилинади?

- А) куролни портлагунга қадар ундан жиноят учун фойдаланмаган бўлиши керак;
- Б) шахсда сақланаётган ўқотар қурол, ўқ дори, портловчи моддалар портлатиш қуролларининг барчаси топширилиши шарт;
- В) ўз ихтиётига кўра ҳеч қандай талабларсиз топшириши шарт;
- Г) А, Б, В жавоблар тўгри.

10. Кучли таъсир кучи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равиша эгаллаш жиноятигининг предмети нима?

- А) гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар;
- Б) кучли таъсир этувчи моддалар;
- В) заҳарли моддалар;
- Г) барча жавоблар тўғри.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрдаги “Одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» ги 2-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равиша қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» ги 3-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Республика судлари томонидан оммавий тартибсиз-

ликлар учун жавобгарлик тұғрисидаги қонунларни құллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тұғрисида» ги 38-сонли қарори.

9. Кабулов Р. Уголовная ответственность за нарушение санитарного законодательства или правил борьбы с эпидемиями. // Ж. Ҳукуқ-Право-Law. – 2000. – 4-сон. – Б. 67-68.

10. Кабулов Р. Ўқ-отар қуролларни ғайриқонуний әгаллашға қарши жиноий-ҳуқуқий курашиш чоралари. // Ж. Ҳукуқ-Право-Law. – 2000. 4-сон. – Б. 58-60.

11. Ниёзова С. Жиноий йүл билан олинган даромадларни ошкоралаштириш.// Ж. Қонун химоясида. – 2002. –4-сон. –Б. 35.

12. Соттиев И.А. Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси буйича жиноий уюшма ташкил этганлик учун жавобгарлик. // Ж. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -2000.-№1. – Б. 60-62.

13. Ниёзова С., Раҳмонов Ж. // Контрабанда жинояти қандай жиноят? – Инсон ва қонун. – 25 май. – 2004.

18-Мавзу: Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар тушунчаси, турлари.
- 2) Темир йўл, денгиз, дарё, ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 3) Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш жинояти тушунчаси, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 4) Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқарини қоидаларини бузиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 5) Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситасини ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш жинояти тушунчаси турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 6) Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш ҳамда автомобил транспортини олиб қочиш жиноятларининг тушунчаси, турлари жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 7) Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 8) Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

1-масала

А. қўшниси Н.га агар унга бир ой ичида 3000 АҚШ доллари бермаса унинг уйини ёки унга тегишли бўлган мулкини йўқ қилишини айтди. Н. унинг талаблари жиддий эмас деб ўйлаб, А.нинг талабларини бажармади.

Орадан 2 ой ўтгач А. Н.га тегишли бўлган шахсий автомашинани қўшни давлатга сотиш мақсадида олиб қочди ва уни сотиб юборди.

А.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

2-масала

Электропоезд ҳайдовчиси П. маст ҳолда ўз навбатчилигини қабул қилиб олади. Поездни бошқариш жараёнида ухлаб қолганлиги натижасида поезд ҳалоқатга учрайди ва 2 та фуқаро вафот этади. 50 дан ошиқ фуқароларга турли даражадаги тан жароҳати этади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

3-масала

АН-24 русумли самолётни техник таъмирлаш ишлари билан шуғулланаётган гурӯҳ бошлиғи К. раҳбариятнинг қистови натижасида била туриб ҳаво кемасини таъмирлаш ишларини тўлиқ охиригача етказмайди ва усталар билан маслаҳатлашиб амалга оширилмай қолган ишлар катта хавфли аҳамиятга эга эмас деб, ҳулоса қилади ва самолётни учишга чиқаради. Биринчи рейсдаёқ самолёт ҳалоқатга учрайди ва унинг ичидаги ҳамма яъни, 20 дан ошиқ йўловчи, 2 та учувчи ва 1 та стюардесса ҳалок бўлади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

4-масала

Бир гурӯҳ шахслар маст ҳолатда Тошкент-Москва йуналиши бўйича қатновчи поезд ўтадиган темир йўлни ишдан чиқаришади. Натижада поезд ҳалоқатга учрайди ва поездга катта микдорда зарар етказилади. Бахтли тасодиф орқали ҳеч ким ўлмайди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

5-масала

Маст ҳолатда бўлган К. ўз дўсти Н.нинг автомашинасини ҳазиллашиб олиб қочаман деб, адашиб бошқа фуқаро яъни, М.нинг автомашинасини олиб қочади. Ниҳоятда катта тезликда юриши натижасида у автоҳалоқатга учрайди ва машина тўлиқ яроқсиз ҳолатга тушади. К.нинг ўзи эса оғир аҳволда шифохонага олиб кетилади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

6-масала

Отда чопиб кетаётган фуқаро Н. ва Глар пиёдалар учун мўлжалаланган йўлакчага от минган ҳолда тушиб, 2 та фуқарога турли даражалардаги тан жароҳатлари етказадилар.

Масалани юридик таҳлил этинг.

7-масала

Темир йўл хайдовчиси З. белгиланган тезликдан анча юқори юрди. Диспетчернинг хабарига кўра келгуси станцияга яқин жойда темир йўлнинг носоз эканлиги хабар қилинди. Шунда З. тезликни бирдан камайтиргани учун поезддаги бир неча йўловчи йиқилди ва улардан бештаси енгил, утаси ўртача, биттаси оғир даражадаги тан жароҳати олди.

Қилмишга баҳо беринг.

8-масала

Тўйдан маст чиққан В. ўзининг шахсий автомашинасини маст бўлган ўртоғи Н.га хайдовчилик гувоҳномасини йўқлигини билган ҳолда ўз машинасини бошқариш учун топширди. Йўлда Н. рулни бошқара олмай одам уриб юборди ва унга ўртача даражадаги тан жароҳати етди.

Қилмишга баҳо беринг.

9-масала

Йўловчи Г. светофор қизил ёниб турганига қарамасдан йўлни кесиб ўтаётган вақтда, ўз автомашинасида кетаётган хайдовчи Ч. Г.ни уриб юбормаслик учун рулни йўл чеккасига бурди.

Натижада Ч. йўл четида турган Д.ни уриб юборди ва Д.га оғир даражадаги тан жароҳати етказди.

Қилмишга баҳо беринг.

10-масала

Тракторчи Д. тракторининг олдинги чироқлари йўқлигини билган ҳолда пул эвазига юк таший бошлиди. Натижада у кечқурун битта йўловчини уриб юборди ва йўловчи воеа жойида ҳалок бўлди.

Қилмишга баҳо беринг.

11-масала

Ариқларни тозалаётган экскаваторчи X. кеч бўлиб қолгани учун экскаваторга ҳеч ким тегинмайди деб ўйлаб, уни эшигини қулфламасдан ўйига қайтди. Шу ерда ўйнаб юрган 16 ёшли Н. ва Р.лар экскаваторни очик ҳолда қолганини кўриб, унга чиқиб ўйнай бошлашди. Шу вақт экскаватор жойидан қимиirlаб юриб кетди. Натижада улар шу ердан ўтаётган Г.ни босиб кетишиди. Г. воқеа жойида ҳалок бўлди.

Қилмишга баҳо беринг.

12-масала

Телефонда гаплашиб, катта тезликда келаётган хайдовчи К. пиёда Э.ни уриб юборди ва воқеа жойидан қочиб кетади. Натижада Э. воқеа жойида ҳалок бўлади.

К.нинг қилмишига баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига кўра, транспорт воситасини олиб қочиш жинояти қачон тамом бўлган деб ҳисобланади?

- А) жиноятда айбдор шахс томонидан транспорт воситасини олиб қочиш мақсадида транспорт воситасига ўтирган вақтдан;
- Б) жиноятда айбдор шахс томонидан транспорт воситасини турган жойидан бошқа жойга олиб қочган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади;
- В) жиноятда айбдор шахс томонидан транспорт воситасини олиб қочиш мақсади пайдо бўлган вақтдан;
- Г) транспорт воситаси талон-торож қилинган вақтдан;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига кўра транспорт воситаларини ҳайдаб қочиш деганда нима тушунилади?

- А) ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочиш;
- Б) ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадида уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочиш;
- В) айбдор шахс томонидан транспорт воситасини турган жойидан бошқа жойга олиб қочиш;
- Г) барча жавоблар тўғри.

3. Транспорт воситасини олиб қочишнинг бевосита объекти:

- А) ўзганинг мулки;
- Б) транспорт ҳаракати хавфсизлиги;
- В) транспорт ҳаракати хавфсизлиги ва ўзгалар мулки;
- Г) транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги.

4. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг объектив томони нималарни ўз ичига олади?

- А) темир йўл, ҳаво, денгиз ёки дарё транспортидан ҳаракат ёки фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш;
- Б) инсон соғлигига оғир ёки ўртacha оғирликда шикаст етказиш;
- В) қилмиш ҳамда оқибатлар келиб чиқиши ўртасидаги сабабий боғланиш;
- Г) барча жавоблар тўғри.

5. Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш жиноятини тугалланган деб ҳисоблаш вақти?

- А) маст кишининг транспорт воситасини ҳаракатга келтириши;
- Б) баданга оғир шикаст етказилган вақт;
- В) одам ўлиши кўринишидаги оқибатлар келиб чиқсан вақт;
- Г) Б ва В жавоблар тўғри.

6. Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш жиноятининг субъекти?

- А) таъмирлаш ишларини бажараётган шахс;
- Б) транспорт воситасининг техник ҳолати ҳамда ундан фойдаланилиши учун масъул шахс;
- В) барча жавоблар тўғри;
- Г) 16 ёшга тўлган ақли расо шахс.

7. Халқаро учиш қоидаларини бузиш жиноятининг факультатив объекти.

- А) давлат чегараларининг дахлсизлиги;
- Б) инсон ҳуқуқ ва эркинликлари;
- В) атроф-муҳит;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида” ги қарори қачон қабул қилинган?

- А) 2000 йил 22 декабр;**
- Б) 2000 йил 23 декабр;**
- В) 2000 йил 24 декабр;**
- Г) 2000 йил 25 декабр.**

9. Транспорт воситасини олиб қочиш чоғида ўлдириш билан қўрқитиши ...

- А) жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 112-моддаси (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши) ҳамда ЖКнинг 267-моддаси (транспорт воситасини олиб қочиш) билан квалификация қилинади;**
- Б) ЖКнинг 267-моддаси ўлдириш билан қўрқитиши ҳаракатини ҳам ўз ичига қамраб олади;**
- В) ЖКнинг 112-моддаси билан квалификация қилинади;**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

10. Автомобил йўлларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш жиноятининг предмети?

- А) автомобил йўллари;**
- Б) ер ости ва ер усти коммуникациялари;**
- В) тўғри жавоб йўқ;**
- Г) А ва Б жавоблар тўғри.**

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги “Шахар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт восигаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли карори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт харакати ёки ундан фойдаланиш хавф сизлигига қарши жинсиятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида» ги 32-сонли карори.

8. Ахроров Б.Ж. Ўзбекистон Республикасининг йўл харакати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунга шарх. // Ж. Ҳуқуқий маърифат ахборотномаси. – 2000. – 10-сон. – Б. 3-5.

9. Кабулов Р.К. Разграничение хищения транспортного средства от угона. // Конституция – ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси, илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: ТДЮИ, 1996. -Б. 54-57.

10.Рустамбоев А.М. Некоторые аспекты деятельности службы безопасности дорожного движения. // Ж. Бюллетень Верховного суда Р.УЗ.. – 2004. – № 3 – С.63-64.

11.Шайбазян Л. Собственность – объект угона транспортного средства. // Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини шакллантириш муаммолари, илмий-назарий конференция материаллари. – Т.: ТГЮИ, 1996. -С. 36-38.

12.Шайбазян Л. Уголовно-правовое значение мотива и цели угона транспортного средства. Вопросы совершенствования деятельности правоохранительных органов// Сборн. науч. статей адъюнктов и соискателей ТГЮИ. Т.: ТГЮИ, 1996. – С. 53-56.

19-Мавзу: Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муюмала қилишдан иборат жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тушунчаси, турлари.
- 2) Таъқиқланган экинларни етиштириш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 3) Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 4) Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили
- 5) Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, саклаш ва бошқа ҳаракатлар жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 6) Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.
- 7) Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, саклаш ва бошқа ҳаракатлари жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

1-масала

М. Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан Қозогистонга ўтиш жараёнида ўз ҳаракатлари билан божхона ходимларида шубҳа уйғотади. Шунда унинг автомашинаси дикқат билан текширила бошланади. Текширув жараёнида машинадан 8.5 грамм героин топилди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

2-масала

Наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчи Н. ўзининг доимий мижозларидан бири бўлган Ж.га унда тахминан 200 гр. наркотик модда борлигини айтди ва уни 2000 АҚШ долларига сетиши мумкинлигини айтди. Ж. Н.га 2000 АҚШ доллари берди ва наркотикни доимий равишда Н.дан олиб юргани учун уни текширмасдан олиб кетди. Уйга боргач, Ж. Н. берган нарса наркотик эмаслигини ва у оддий ун эканлиги аникланди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

3-масала

К. ўзининг уйи орқасидаги 5 квадрат метр ер майдонига яширишравиша каннабис ўсимлигини экди. Лекин ўсимлик ҳаво совук бўлганлиги учун нобуд бўлди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

4-масала

Республикамизнинг тоғли ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Е. вояга етмаган қўшниси Т.га унинг томорқасига қўкнор экишни ва бундан жуда яхши фойда олиш мумкинлигини айтади. Конунчиликдан бутунлай бехабар бўлган Т. унинг маслаҳатини қабул қиласи ҳамда томорқасига қўкнор экади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

5-масала

Фуқаро С. Аргентина фуқаролари бўлмиш талаба М. ва И.лар орқали Аргентина давлатидан юқори сифатли героин моддасини Ўзбекистонга олиб ўтиш ва уни пуллаш юзасидан ўзаро келишиб олди. М. ва И. Аргентинадан героинни маҳсус қадоқланган капсулаларни ичига ютиш орқали Ўзбекистонга олиб ўтаётган пайтида М.нинг ичидаги капсулалардан бири ёрилиб кетиши натижасида у вафот этади. И. ва С.лар қўлга олинади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

6-масала

ХМҚО ходимлари томонидан құлға олинган 600 кг кокаин ва 100 гр марихуанна йўқ қилиш учун топширилган эди. Ушбу вазифа юклатилған ходим Т. ушбу наркотиклардан 200 кг кокаинни яширади ма уни сотади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

7-масала

Кимё институти талабаси В. ўз ўқитувчиси профессор Ш.нинг күрсатмаси бўйича уй шароитида психотроп моддалар тайёрлаб келар, бунинг ўрнига аъло баҳолар олар эди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

8-масала

Фуқаро Ч. яқин дўсти Ф.нинг илтимосига кўра бир неча қоп ва қутиларни уйида саклаб турар, унинг ичида нима борлиги билан ҳатто қизиқиб ҳам кўрмасди. Бунинг эвазига у дўстидан тез-тез совғалар олиб турарди. Ф. қўлға олингач, у бу қоп ва қутиларда катта микдорда наркотик ва психотроп моддаларни саклаб келганлиги маълум бўлди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Гиёхвандлик экинларини катта экин майдонида етиштириш деганда қанча катталикдаги экин майдони тушунилади?

- А) 250 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача бўлган экин майдони;
- Б) 1000 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган экин майдони;
- В) 100 квадрат метрдан 250 квадрат метргача бўлган экин майдони;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

2. Тақиқланган экинларни етиштириш жинояти қачон тугалланган деб ҳисобланади?

- А) дастлабки ўсимлик униб чиққандан сўнг;
- Б) экин экилган пайтдан бошлаб;
- В) ўсимлик ҳосилга кирган вақт;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

3. Жиноятни квалификация қилиш учун тақиқланган экинларни етиштиришнинг мотиви ва мақсади ...

А) аҳамиятга эга эмас;

Б) зарурий белги;

В) аҳамиятга эга;

Г) тўғри жавоб йўқ.

4. Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини оғирлаштирувчи ҳолатлар кўрсатилган қаторни топинг.

А) жиноятнинг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилиши;

Б) жиноятнинг ўюшган гурӯҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши;

В) экинларнинг катта экин майдонига экилиши;

Г) барча жавоблар тўғри.

5. Қайси усуслар ёрдамида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаш уларни қонунга хилоф равища эгаллаш деб топилади?

А) ўғрилик;

Б) талончилик;

В) фирибгарлик;

Г) А ва В жавоблар тўғри.

6. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равища ўтказиш жинояти ЖК таркибидан қачон чиқариб ташланган?

А) 1999 йил 20 август;

Б) 2001 йил 29 август;

В) 2002 йил 31 декабр;

Г) тўғри жавоб йўқ.

7. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равища тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа харакатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равища ўтказиш жиноятининг объекти ...

А) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилишининг белгиланган тартиби;

Б) давлат хавфсизлиги;

В) аҳоли саломатлиги;

Г) А ва В жавоблар тўғри.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тўғрисида” ги Қонунига мувофик, гиёҳвандлик воситалари деганда нималар тушунилади?

- А)** гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган препаратлар ва ўсимликлар;
- Б)** келиб чиқиши синтетик ва табий моддалар;
- В)** таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;
- Г)** барча жавоблар тўғри.

9. Вояга етган шахс вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситаларини, психотроп ва ақл-идрокка таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилган ҳолатларда ...

- А)** ЖКнинг 274-моддаси (гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш) билан жавобгарликка тортилади;
- Б)** ЖКнинг 127-моддаси (вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-харакатларга жалб этиш) билан жавобгарликка тортилади;
- В)** жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 127 ва 274-моддалари билан жавобгарликка тортилади;
- Г)** тўғри жавоб йўқ.

10. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни жисмоний зўрлик билан истеъмол қилишга жалб этишда жабрланувчи баданига енгил ёки ўртacha оғирликда шикаст етказилса, айборнинг қилмиши ...

- А)** ЖКнинг 274-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилинади;
- Б)** ЖКнинг 105-моддаси (қасдан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш);
- В)** ЖКнинг 109-моддаси (қасдан баданга енгил шикаст етказиш);
- Г)** барча жавоблар тўғри.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан

конунга хилоф равищда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 21-сонли қарори.

3. Узбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1997 йил 22 августдаги «Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан конунга хилоф равищда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида» ги қарорининг бажарилиши тўғрисида» ги 13 сонли қарори.

4. Абдурасурова К.Р., Утениязов М. Вояга етмаганлар гиёхвандлигини олдини олишнинг жиноий-хукукий чоралари. // Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-хукукий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. -Б.57-67

5. Абдухаликов М.А. Проблемы распространения наркомании и международно-правовой аспект. // Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-хукукий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. -Б.48-54.

6. Ахроров Б.Д., Бакунов П.Б. Гиёхвандлик ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятларининг субъектлари ва уларни квалификация қилиш муаммолари.// Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-хукукий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. -Б.72-74 бет.

7. Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-хукукий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. -163 б.

8. Зокирова О.Ғ. «Гиёхвандлик ва унинг жиноятчилик билан алоқадорлиги». // Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-хукукий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. -Б.77-79.

9. Исматуллаева Ш.С. Вояга етмаганлар гиёхвандлигинин олдини олишда оиласнинг ўрни.// Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-хукукий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. -Б.91-92.

10. Ниёзова С. Гиёхвандликка қарши кураш муаммолари. // Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-хукукий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. -Б.84.

11. Пайзуллаев К.П., Абдукодиров Ш.Ё. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиба солиниши.// Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. -Б. 86-87
12. Раҳмонкулов А.Х. Гиёхвандлик воситалари. //Ж. Қонун ҳимоясида. -1999. -№ 11-12. -Б.19-21.
13. Раҳмонқулов А.Х., Қодиров М.М., Айдаров Т.Т. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муомала қилганлик учун жавобгарликнинг айrim муаммолари. //Ж. Ҳуқук-Право-Law. -1999. -№ 2. -Б. 89-93.
14. Соттиев И.А. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф муомала қилувчи уюшган гурухларнинг моҳияти ва ижтимоий хавфлилиги. //Ж. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш муаммолари, илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997. -Б.76-79.
15. Тохиров Ф. Гиёхвандлик - ажал элчиси ҳамкорлик зарурати. // Ж. Инсон ва қонун. -2002. -3-сон. -Б.29-31.
16. Тохиров Ф. Гиёхвандлик - хавфли иллат.//Ж. Инсон ва қонун. -2002. -5-сон. -Б.28-30.
17. Тохиров Ф. Жиноят қонунида гиёхвандликка қарши кураш чоралари.// Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. Б.92-96
18. Утениязов М.К. Вояга етмаганлар гиёхвандлигининг олдини олишининг жиноят ҳуқуқий чоралари.// Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт, конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. Б.57-67.
19. Утениязов М.К. Вояга етмаганлар орасидаги гиёхвандликнинг объектив сабаблари.//Ж. Мустақил Ўзбекистон ҳуқук фанларининг долзарб муаммолари (ЎЗР Президенти И.А. Каримов асарлари асосида). ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2002. Б. 46-48.
20. Утениязов М.К. Гиёхвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш учун жавобгарликнинг баъзи муаммолари. //Ж. Ҳуқук- Право-Law. -2001.-№2. -Б.48-50.

21. Утениязов М.К. Некоторое вопросы профилактики наркома-
нии несовершеннолетних.//Ж. Миллий истиқтол ғояси ва мағкураси
фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. II-жилд. Т.: ЎзР ФА. Мўминов номи
даги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. -2001. Б. 56-58.

22. Утениязов М.К. Оқ ажал уругини экканлик учун...//Ж. Ҳаёт
ва қонун. - 1999.-2-сон. -Б.28-30.

23. Халиков У.Ш. Гиёхвандликни олдини олишда
жамоатчиликнинг ўрни.//Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва
амалиёт» (ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги ҳалқаро илмий-
амалий конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. Б.43-44.

24. Эрматов Ф.О. Гиёхвандлик воситаларининг ноқонуний
муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг юридик ва криминологик
тавсифи. Гиёхвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт,
конференция материаллари. Т.: СилМЭГ, 2002. Б.98-100.

20-Мавзу: Жамоат тартибиға қарши жиноятлар (2 соат)

1-машғұлот:

- 1) Жамоат тартибиға қарши жиноятлар түшунчаси, турлари.
- 2) Безориilik жинояты түшунчаси, турлари, жиноят таркибининг умумий таҳлили
- 3) Қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш жинояты түшунчаси, жиноят таркибининг умумий таҳлили.

1-масала

Фуқаро Г. ва М. бозор яқыннан ошхонадан маст ҳолатда чиқиб, күчадаги қызыларга турлы ҳәйсиз гаплар билан мурожаат қила бошлайды. Сүнгра улар бозорға кириб бу ҳаракатларини давом эттиришади ва сотувчилар олдидеги расталарни синдириб ташлашади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

2-масала

П. ва С. ёз күнлари кичик ёшдаги болалар учун мүлжалланган истироҳат боғида жинсий алоқа қилишади. Уларнинг ҳаракатларига қаршилик билдиримоқчи бўлган милиция ходими Д.га С. ўзининг жинсий эркинлиги бор эканлигига ишора қилиб, уни ҳақоратлади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

3-масала

18 ёшли П. ота-онаси вафот этгач, уйида ёлғиз яшарди. Чекка қишлоқда яшаганлиги боис телевизор ва радио воситаларидан фойдаланишда бироз муаммоларга дучор бўлган ва зерикишдан бутунлай чарчаган П. ўз уйида қизиқувчан болаларни йигиб қимор ўйинлари ўтказарди. П. сўроқ қилинганда қиморхона ташкил қилгани ва бундан яхши даромад олганлигини таъкидлайди. Айни вактда бу қонунга хилофлиги унинг хаёлига ҳам келмаганигини ва ўзини умуман айбдор деб ҳисобламаслигини уқтиради.

4-масала

Фуқаро Б.нинг хонадонида ҳар куни эрталабгача кўплаб өдамлар йиғилиши ва тун давомида безовта бўлишдан чарчаган қўшини милицияга хабар беради. Б.нинг хонадонига ташриф буорган оператив

ходимлар, унинг уйида бир гурух шахслар пуллик карта ўйнаётганлиги ва ушбу шахслар ўзаро яқин дўст, унинг устига уларнинг ҳаммаси ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари эканлиги аниқланди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

5-масала

Ю. эри ўлгач, 4 та болани боқишига жуда қийналиб қолди. Шундай унинг яқин дугонаси Л. унинг эри ва ўртоқлари қимор ўйнаш учун квартира қидириб юрганлигини ва Ю. уйининг бир хонасини уларга мунтазам бериб турса яхшигина ҳақ тўлашларини айтди. Ю. бирданига норози бўлди, лекин молиявий қийинчиликлар кўпайиб қарз бўлиб кетгач, у дугонасининг таклифига рози бўлди ҳамда бир гурух шахсларга ўз уйида ҳар куни қимор ўйнашлари учун шароит яратиб берди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Безорилик жиноятининг обьекти - ...

- А) жамоат тартиби;
- Б) тана дахлсизлиги;
- В) саломатлик ва ўзгаларнинг мулки;
- Г) барча жавоблар тўғри.

2. Хавфли рецидивист томонидан содир этилган майда безорилик...

- А) жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди;
- Б) жиноятчи ЖКнинг 277-моддаси (безорилик) билан жавобгарликка тортилади;
- В) маъмурый жавобгарликни келтириб чиқаради;
- Г) А ва В жавоблар тўғри.

3. Безорилик субъектив томондан ...

- А) қасддан содир этилади;
- Б) беларволикдан содир этилади;
- В) эҳтиётсизликдан содир этилади;
- Г) барча жавоблар нотўғри.

4. Кимлар безорилик жиноятининг субъекти бўлиши мумкин?

- А) 16 ёнига тўлган ақли расо шахс;

- Б)** 14 ёшга тұлған ақли расо шахс;
- В)** 18 ёшга тұлған ақли расо шахс;
- Г)** А ва Б жавоблар түғри.

5. Күп миқдорда заарар етказиб, бирорнинг мулкини нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган безорилик...

- А)** ЖКнинг 277-моддаси, 2-қисми “е” банди билан қамраб олинади;
- Б)** ЖКнинг 173-моддаси (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш) билан жавобгарликка торт үшін сабаб бўлади;
- В)** жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 173 ва 277-моддалари билан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади;
- Г)** тўғри жавоб йўқ.

6. Безорилик жиноятини содир этишда ишлатилган ёки намойини этилган ўқотар қурол тегишли рухсатномасиз айборнинг эгалигида бўлган бўлса, қилмиш ...

- А)** ЖКнинг 248-моддаси (қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш) билан қўшимча квалификация қилинади;
- Б)** ЖКнинг 248 - моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди;
- В)** тўғри жавоб йўқ;
- Г)** фақатгина ЖКнинг 277-моддаси (безорилик) билан квалификация қилинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди иленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безорилик ишилари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 1-бандига мувофиқ, уриш-дўйнослаш деганда, ...

- А)** айбор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади;
- Б)** айбор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади;
- В)** айбор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига оғир шикаст етказган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади;
- Г)** тўғри жавоб йўқ.

8. Қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш жиноятинин объекти?

- А) жамоат тартиби;
- Б) жамоат хавфсизлиги;
- В) давлат хавфсизлиги;
- Г) А ва Б жавоблар түғри.

9. Қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш жиноятинин содир этиш мотиви ва мақсади ...

- А) жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди;
- Б) унинг зарурий белгиси ҳисобланади;
- В) түғри жавоб йўқ;
- Г) А ва Б жавоблар түғри.

10. Қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш жиноятинин субъекти кимлар бўлиши мумкин?

- А) 16 ёшга тўлган шахс;
- Б) қиморхонани ташкил этган шахс;
- В) қиморхонани молиявий таъминловчи шахс;
- Г) барча жавоблар түғри.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 983 моддаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддаси.

3. 2007 йил 28 мартағи Ўзбекистон Республикаси Президентинин "Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-608-сон қарори

4. 2007 йил 16 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 176-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» ги 9-сонли қарори.

6. Рустамбаев М.Х. Преступления против общественной безопасности и борьба с ними. – Т.: Общество, «Знание», 1983.

7. Абдуқодиров Ш.Ё.. Соғлом муҳит асоси. "Халқ сўзи" газетаси. 2007 йил 23 октябр №209(4362)

21-мавзу: Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

1. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жинояти тушунчаси, жиноят таркиби.
2. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) фойдаланиш жинояти тушунчаси.
3. Компьютер ~~төзимидан~~ қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби.
4. Компьютер ахборотини модификациялаштириш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби.
5. Компьютер саботажи жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркиби.
6. Заар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш жинояти тушунчаси, турлари, жиноят таркибини ўрганиш.

1-масала

С. ўзининг бошлиги Ж.дан ходимлар ўртасида уни ҳақоратлагани учун ўч олиш мақсадида бошлиқнинг локал тармоқларга уланган компьютер симларини кесиб ташлади.

Қилмишга баҳо беринг.

2-масала

Алоқа коллекининг талабалари Р. ва З.лар компьютер тармоқларига заар келтирувчи ва уни олдини олиш учун мўлжалланган дастур ишлаб чиқишиди. Ўзларининг дастурини пуллаш мақсадида улар Интернет тармоғига кириб ушбу вирусни тарқатишиди.

Қилмишга баҳо беринг.

3-масала

Компьютер бўйича мутахассис Д. чет давлатдаги банкларнинг компьютер тармоғига кириб, ушбу банкнинг йирик мижозларидан би-

рининг ҳисоб рақамидан 50.000 АҚШ долларидаги пулни ўз ҳисоб рақамига ўтказди.

Д.нинг жавобгарлигини ҳал қилинг.

4-масала

Р. ва Ш.лар компьютер тармоғига кириб, туман банкидаги мижозларнинг ҳисоб рақами ҳақидаги маълумотларни олиб, унни ошкор қилиш билан қўркитиб банк бошлиғи У.дан 5000 АҚШ доллари микдорида пул талаб қилишди.

Қилмишга баҳо беринг.

5-масала

3. “TPS” фирмаси сервери ва “GS” фирмаси паролидан фойдаланиб, интернет компьютер тармоғига қонунга хилоф равиша кирган ҳолда баъзи файллардан бепул нусха кўчириб олди.

Қилмишга баҳо беринг.

6-масала

“Промэнерго” ОАЖ да дастурчи бўлиб ишловчи В. корхонадаги барча компьютерларга лицензион бўлмаган “Windows Vista” дастурини ўрнатади, натижада ОАЖ локал тармоги орқали компьютерларга вирус тушади ва компьютерлардаги маълумотларнинг айримлари ўзгариб кетади, айримлари эса ўчиб кетади.

Қилмишга баҳо беринг.

7-масала

“Norma Hamkor” МЧЖда куръер бўлиб ишловчи Н. исмли ходим “Микст” фирмасидаги 24 та компьютерга лицензион бўлмаган ахборот хуқуқий дастур “NORMA”ни 200 АҚШ доллари эвазига ўрнатиб, “Norma Hamkor” МЧЖга қўп микдорда зарар етказди.

Қилмишга баҳо беринг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Белгиланган ҳимоя чораларини қўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга

ишилв бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг хукуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш ҳаракатлари куйидаги қайси жиноятнинг объектив томонини ифодалайди?

- A) Ахборотлаштириш коидаларини бузиш;**
- Б) Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равиша (рухсатсиз) фойдаланиш;**
- В) Компьютер ахборотини модификациялаштириш;**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

2. Қуйидагилардан қайси бири компьютер ахборотидан қонунга хилоф равиша (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятини оғирлаштирувчи ҳолатларга кирмайди?

- А) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда;**
- Б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;**
- В) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

3. Компьютер ахборотини модификациялаштириш жиноятининг объектив томонини қандай ҳаракатлар ташкил этади?

- А) компьютер тизимида сакланаётган ахборотни қонунга хилоф равиша ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш;**
- Б) била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг хукуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш;**
- В) А ва Б жавоблар тўғри;**
- Г) тўғри жавоб йўқ.**

4. Компьютер саботажи нима?

- А) компьютер тизимида сакланаётган ахборотни қонунга хилоф равиша ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш;**
- Б) била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг хукуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш;**

- В) ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш;
- Г) белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш.

5. Зарап келгирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш жиноятининг объектив томонини қандай ҳаракатлар ташкил этади?

- А) компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб кўйиш;
- Б) модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш;
- В) маҳсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасдан фойдаланиш ёки уларни қасдан тарқатиш,
- Г) барча жавоблар тўғри.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни.

4. Рустамбаев М.Х. Ответственность за совершение компьютерных преступлений по законодательству зарубежных стран. // Ж. Давлат ва хукуқ. – 2001. – №3–С. 46-50.

5. Рустамбаев М.Х. Расулов А.К. Ответственность за совершение компьютерных преступлений по законодательству зарубежных стран. // Ж. Давлат ва хукуқ. –2001.- №3. –С. 46-50.

6. Соттиев И.А., Алибеков С.А. Компьютер орқали содир этиладиган жиноятларининг ўзига хос жихатлари. // Хукук фанини ривожлантириш ва юкори малакали юристлар тайёrlашининг долзарб муаммолари, халкаро илмий-амалий конференция. –Т. Ўзбекистон Республикаси ШИВ Академияси, 2004. -Б. 104-107.

VII БҮЛİM. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

22-мавзу: Ҳарбий хизматни ўташ тартибига карши жиноятлар (2 соат)

1-машғулот:

- 1) Бўйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар.
- 2) Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.
- 3) Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар.
- 4) Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари.

1-масала

Оддий аскар З. ўз командири томонидан навбатдан ташқари нарядда туришга оғзаки буйруқ олади. З. наряддан ташқари буйруқ фақат ёзма ҳолда кучга эга бўлади ва ушбу ҳолатда у оғзаки берилганлиги сабабли уни бажармаса ҳам, унга нисбатан ҳеч қандай чора қўлланмайди деб умид қилиб, яширинади .

З.нинг харакатларига юридик баҳо беринг.

2-масала

Ҳарбий хизматни ўтаётган Л. Д ва К.лар ўз дўстлари (ҳарбий хизматда бўлмаган) орқали бошлиғи Г.ни ўзини ва оиласини ўлдириш билан қўрқитиб ҳарбий қисмда Л. Д. ва К.ларга турли шароитлар яратиб беришини талаб қилишади. Г. оиласини йўқотишдан қўрқиб уларга турли енгилликлар яратиб бера бошлайди. Орадан 2 ой ўтгач, Г. ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилганликда айбланиб, вазифасидан озод этилади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

3-масала

Оддий аскар Р. бир неча бор ҳарбий интизом қоидаларини бузганлиги учун унинг командири У. Р.га икки маротаба узлуксиз навбатдан ташқари наряд тайинлайди. Бундан жаҳли чиққан Р. У.ни бо-

шига ва юз қисмига автомат билан бир неча бор уради. Натижада У кўриш кобилиятини йўқотади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

4-масала

Эрталабки развод (харбий йигилиш) пайтида оддий аскар Ш.ни бошлиғи капитан О. барчанинг олдида унинг нафсониятига тегадиган ноаҳлоқий сўзлар билан ҳақоратлади. Ушбу гапларнинг бўхтонлиги га чидай олмаган Ш. капитаннинг погонларни юлиб, унинг оғзиғи тиқади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

5-масала

Оддий аскарлар Г. ва С. ўз сафдошлари Б.нинг жисмоний заифлигидан фойдаланиб, унинг кийим кечакларини олиб қўйишади. Агар бу ҳақида командирларга айтса, уни ўлдиришини таъкидлашади.

Масалани юридик таҳлил этинг.

6-масала

Махсус харбий кучлар гурӯҳи томонидан террористик гурӯҳни кўлга олиш бўйича операция мөбайнинда ушбу ҳарбий гурӯҳ аъзоси Т.нинг сафдоши И. ҳалок бўлади. Т. пайтдан фойдаланиб, И.нин кўлидаги тилла соатини олиб қўяди. Сўрок жараёнида Т. бу соатни мурданинг кўлида колдириш хавфли эканлиги ва у соатни И.нин хотинига бериш мақсадида олганлиги таъкидлайди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

7-масала

Ҳарбий хизматни ўтаётган Ф. у ердаги қийинчиликларга бардош беролмай, хизмат жойини тарқ этади. У кўлга олингандан, онам оғир касал эди, мен онамни кўриб қайтиб келмоқчи эдим, деб таъкидлайди. Текширув натижаларига кўра Ф.нинг онаси ҳақиқатдан ҳам оғир касал эканлиги аниқланди.

Масалани юридик таҳлил этинг.

8-масала

Ҳарбий хизматнинг анча мушкуллиги ҳақида эшигтан Т. ҳарбий хизматга боришдан очикдан-очиқ бўйин товладайди. Келган чақирув қоғози бўйича туман ҳарбий комиссариати бошлиги олдига бориб, агар уни ҳарбий хизматдан озод килишмаса, ўзини-ўзи ўлдиришини таъкидлайди.

Масалани юридик таҳдил этинг.

9-масала

Ҳарбий қисмда қоровуллик хизматини ўтаётган Л. бир неча бор ҳақ эвазига ҳарбий қисмдан турли ашёларни олиб чиқиб кетишга йўл қўйган.

Л.нинг қилмишини квалификация қилинг.

10-масала

Навбатчиликни ўтаётган М. чарчаганидан қўллари толиқиб ва совуққа бардош беролмай, эҳтиёtsизликдан қўлидаги қуролини пастга тушириб юборади. Натижада унинг қўлидаги АК автомати ишдан чиқади.

Масалани юридик таҳдил этинг.

МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Бўйсунмалик жиноятининг қўшимча объекти - ...

- А) командирлар ва бошлиқларнинг хизмат мавқеи;
- Б) ҳарбий устав муносабатлари;
- В) ўрнатилган тартиб;
- Г) барча жавоблар тўғри.

2. Буйруқни бажармаслик жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

- А) кўп миқдорда зарар етказилган вақтдан;
- Б) оғир оқибатлар етказилган пайтдан;
- В) ҳаракатсизлик бошланган вақтдан бошлаб;
- Г) А ва Б жавоблар тўғри.

3. Бошлиққа қаршилик күрсатиш ёки уни хизмат вазифалари-ни бузишга мажбур қилиш жинояты субъектив томондан ...

- А) эгри қасдан содир этилади;
- Б) фақат түғри қасдан содир этилади;
- В) бепарвоникдан содир этилади;
- Г) түғри жавоб йўқ.

4. Бўйсунувчининг ўз бошлиғини қўртиши жинояти юзасидан айборни жавобгарликка тортишнинг зарурый шарти - ...

- А) жабрланувчининг қаттиқ таъсирланганлиги;
- Б) жабрланувчининг шикояти;
- В) А ва Б жавоблар түғри;
- Г) бўйсунувчининг айни шумдай ҳақорат учун илгари интизомий жавобгарликка тортилганлиги.

5. Мародёрлик бу - ...

- А) ҳалок бўлганларнинг буюмларини жанговор вазиятда эгаллаш;
- Б) ярадорларнинг буюмларини жанговор вазиятда эгаллаш;
- В) түғри жавоб йўқ;
- Г) А ва Б жавоблар түғри.

6. Ярадорларни жанг майдонидан батальон ёки полкнинг тиббий ёрдам кўрсатиш жойларига ташиб келишда уларнинг буюмларига эгалик қилиш ...

- А) мародёрлик деб топилмайди;
- Б) мародёрлик сифатида эътироф этилади;
- В) мулкка қарши жиноят сифатида квалификация қилинади;
- Г) А ва В жавоблар түғри.

7. Дезертирлик бу - ...

- А) ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш;
- Б) ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойига етиб келмаслик;
- В) ҳарбий хизматни ўташга киришиш;
- Г) А ва Б жавоблар түғри.

8. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш жиноятининг субъекти кимлар бўлиши мумкин?

- A) ҳарбий кема командири;**
- Б) команда аъзоси;**
- В) фақат кема командири;**
- Г) А ва Б жавоблар тўғри.**

9. Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш жинояти субъектив томондан ...

- А) қасддан содир этилади;**
- Б) бепарволикдан содир этилади;**
- В) А ва Г жавоблар тўғри;**
- Г) эҳтиётсизликдан содир этилади.**

10. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?

- А) кеманинг ҳалокатга учраши вақтидан;**
- Б) кемага жиддий шикаст етказилиши вақтидан;**
- В) одамларнинг ҳалок бўлиши ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиш вақтидан;**
- Г) барча жавоблар тўғри.**

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги "Мудофаа тўғрисида"ги қонуни

2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни қўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги 23-сонли қарори.

5. Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.Л. Ҳарбий жиноятлар: тарихи, квалификация қилиш ва олдини олиш масалалари. Т.: "Адолат", 2007.

I. “ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ” (МАХСУС ҚИСМИ) ГА ОИД РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР, ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ВА МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005.-32 б.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик учун курашмоқ керак. т.10. -Т Ўзбекистон, 2002. -432 б.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. т.11-Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
4. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз-куй кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. т.12 Т.: Ўзбекистон, 2004. -400 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. -252 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Т.: Ўзбекистон, 1999. -98 б.
7. Каримов И.А. // Адолат – қонун устуворлигига. –Халқ сўзи. – 30 август. – 2001.
8. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: Ўзбекистон, 2004. -32 б.
9. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
- 10.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.
- 11.Каримов И.А. // Янги ҳаётни эскича қарааш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. -Халқ сўзи. -17 феврал. -2005.
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августандаги “Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ти Фармони. -Халқ сўзи. -2 август. -2005.

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). - Т.: «Ўзбекистон», 2003.- 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси (2004 йил 29 сентябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан қайта нашри). Расмий нашр -- Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004 .-388 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (30.08.1996 .).

4. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (27.12.1996 .).

5. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (30.08.1997 .).

6. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (01.05.1998 .).

7. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (29.08.1998 .).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (25.12.1998 .).

9. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (15.04.1999 .).

10. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (20.08.1999 .).

11. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (26.05.2000.).
12. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (15.12.2000.).
13. Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (29.08.2001.).
14. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (30.08.2002.).
15. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (13.12.2002.).
16. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (30.08.2003.).
17. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (12.12.2003.).
18. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (27.08.2004.).
19. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни (30.09.2005.).
20. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни (31.12.2005.).
21. Ўзбекистон Республикасининг «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўйнатилган шахслар устида ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабр қонуни.
22. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиши тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонуни.

23. Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотлари-нинг хавфсизлиги тўғрисида»ги 1994 йил 20 август қонуни.

24. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соглигини саклаш тўғрисида»ги 1996 йил 29 август қонуни.

25. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабр қонуни.

26. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабр қонуни.

27. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 1998 йил 1 май қонуни.

28. Ўзбекистон Республикасининг «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонуни.

29. Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИТВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонуни.

30. Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонуни.

31. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрь қонуни.

32. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонуни.

33. «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 6 май қарори.

34. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» (янги таҳрирда)ги 2001 йил 30 август қонуни.

35. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги 2001 йил 7 декабрь қонуни.

36. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь қонуни.

37. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида» (янги таҳрирда)ги 2002 йил 13 декабрь қонуни.

38. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»(янги таҳрирда)ги 2002 йил 13 декабрь қонуни.

39. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги 2003 йил 25 апрель қонуни.

40. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»(янги таҳрирда)ги 2003 йил 20 август қонуни.

41. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисида»ги 2004 йил 26 август қонуни.

42. Ўзбекистон Республикасининг «Мухофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги 2004 йил 3 декабрь қонуни.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ килиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастурни тўғри-сида» ги 2005 йил 10 мартағи ПҚ-24сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2005 йил март. №10-11.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 2 август.

45. Рустамбаев М.Х. Комментарии к Уголовному кодексу- Т.: Адолат, 1996.-С. 132-179.

46. Рустамбаев М.Х. Комментарии к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть.- Т.: ИПТД, Ўқитувчи, 2004.-720 с.

47. Рустамбаев М.Х. Комментарии к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть.- Т.: ИПТД, Ўқитувчи, 2004.-1024 с.

48. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига шарҳлар.- Т.: Адолат, 1997. – 379 б.

49. Рустамбаев М.Х., Тохиров Ф., Абдурасулова Қ., Иногамжанова З.Ф., Усмоалиев М. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслариға қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. Т.: Сил МЭГ, 2001.-53 б.

50. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси «Истеммолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига шарҳ (1, 12-моддалар). -Т.: O'zbekiston НМИУ, 2005.-Б. 5, -22, -41, -158.

51. Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: илмий-амалий шархлар. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997.- 379 б.

52. Якубов А.С., Кабулов Р. и др. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан: научно-практический комментарий. Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1996. -388 с.

53. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» ги 16-сонли қарори.

54. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурый мудофаа ҳуқукини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида» ги 39-сонли қарори.

55. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида» ги 21-сонли қарори.

56. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги «Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида» ги 11-сонли қарори.

57. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жинояtlари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги 21-сонли қарори.

58. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида» ги 31-сонли қарори.

